

2012- yil – “Mustahkam oila yili”

Хеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-хунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажагини аниқлаб, оила қуришни истайди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳаминша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб борилаётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

* * *

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг руҳсатингиз билан, кириб келаётган янги — 2012 йилга юртимизда “**Мустаҳкам оила йили**” деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

* * *

2012 йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда аини шундай тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

* * *

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, аини ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

* * *

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, ҳолисона тан олишимиз даркор — ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки кишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини кўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

* * *

Учинчидан, “мустаҳкам оила” деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла — халқ виждони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёкка туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

* * *

Тўртинчидан, оилани янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдидан турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча таъшишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

* * *

Айни ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юқини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, **оила кўрғонинг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг**, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

* * *

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одаиларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарarli таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий кадрятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб билаемиз.

* * *

Азиз ватандошларим, кадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни кўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

* * *

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан тақрор айтаман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга, албатта, етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мадаккор бўлсин.

Ислоҳ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir:

Azim SUYUN

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jalolbek YO'LDOSHBEKOV

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Azamat Fayzullayev

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Shermurod SUBHON

Jamoatchilik kengashi:

Akramjon ADIZOV

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi
huzuridagi "Ijod" fondi direktori

Dilora Murodova

O'zbekiston Davlat konservatoriyasi
rektori

Suvon Najbiddinov

"Matbuot tarqatuvchi" AK Bosh direktori

Abduvahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Baxtiyor Sayfullayev

O'zbekiston Madaniyat va sport ishlari
vazirining birinchi o'rinbosari

Abdusalom UMAROV

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston
Milliy kutubxonasi direktori

Azamat Haydarov

"O'zbeknavo" estrada konsert
birlashmasi bosh direktori

Moqovada:

4-betda: O'zbekistonda xizmat
ko'rsatgan artist Xosiyat HUSANOVA

Ushbu sonda:

Lola O'NAROVA

Yaxshi kitoblar bor

Javlon SULAYMONOV

Nafosat bo'stonidagi san'at durdonalari

Matluba MAHKAMOVA

Mustaqillik yillarida bolalar dramaturgiyasi

O'g'iloy MUHAMEDOVA

Doiram doirasi

G'ani XUDOYEV

An'ana va zamon

Nigina QODIROVA

Coco Chanel

Komil JONTOYEV

Sakkizoyoq

Bichimi 60x84^{1/8}, Buyurtma №18. Adadi: 4357 nusxa. Hajmi 6 b.t.
Bosmaxonaga 16.02.2012-yilda topshirildi. Bosishga 16.02.2012-yilda ruxsat etildi. Tahririyat
manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel: 233 25 66, 233 27 94.
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0517-raqamli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.
Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8-uy.

E-mail: azimsuyunnur@mail.ru

*Oila mustahkam - jamiyat obod,
Nonadonlar sho'x-shan kulguga to'lsin.
Totuwlik bor joyda barcha dillar shod,
Har bitta oila mustahkam bo'lsin!*

2012 “Mustahkam oila yili”



HAZRAT NAVOIY

Navoiy vasiyatining mohiyati



VASIYATI

Шарқ мумтоз адабиётида Искандар номи кўп учрайди: Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»и, Хусрав Дехлавийнинг «Хамса»си, Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»си, Абдурахмон Жомийнинг «Ҳафт авранг»и, Алишер Навоийнинг «Хамса»сида идеал образ сифатида талкин қилинган бўлса, қатор мумтоз шоирларнинг қасидалари, маснавийлари, ғазалларида бу ном тимсол, рамз сифатида бот-бот учраб туради. Искандар — Искандари Мақдуний, Искандари Зулқарнайн, Искандари Кабир, Александр Македонский номлари билан машҳур бўлган буюк саркарда Мақдуния подшоҳи Филиппнинг ўғлидир. У милоддан аввалги 356 йилда Пелла шаҳрида туғилиб, 323 йили Бобил шаҳрида вафот этган. Александр Мақдуний буюк файласуф олим Аристотел тарбиясида бўлган ва олим унинг асосий маслаҳатчиси эди. У 20 ёшида, Филипп катл этилгандан кейин тахтга ўтиради. Тарихий сиймо бўлган Александр Мақдуний отасининг чала қолган босқинчилик юришларини давом эттириб, милоддан аввалги 334 йилда Эронга юриш қилади ва Эрон подшоҳи Доро III нинг кўшинларини 30 мингга яқин пиёда жангчи, 5 минг отлик аскар, яна қанчадир енгил қуролланган ёрдамчи қучлар ҳамда 160 та кема билан енгади. У ана шу юришда Бактрияни, бутун Марказий Осиёни эгаллайди. У эгаллаган ҳудуд Хинд уммонидан Дунай дарёсигача чўзилган бўлиб, қадимий дунёнинг улкан салтанати сифатида тарихда қолди. У салтанатнинг пойтахти қилиб Бобилни танлади ва шу ерда 33 ёшида безгак касалига йўлиқиб вафот этди. Унинг ўлимидан кейин ички жиҳатдан мустақкам бўлмаган салтанат парчаланиб кетган.

Искандар қай тарзда Шарқ мумтоз адабиётига ижобий образ бўлиб кириб қолган? Қай тарзда Қуръони каримда пайғамбар сифатида зикр этилган? Қуръони каримнинг Каҳф сурасидаги 83-98-оятларида у Зулқарнайн сифатида зикр этилганлиги маълум:

83. (Эй Мухаммад,) яна Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтгинг: «Мен сизларга у ҳақдаги хабарни ҳозир ўқиб берурман.

84. Дарҳақиқат, Биз унга (Зулқарнайнга) Ерда мартаба бердик ва (истаган) барча нарсасига йўл (имконият) ато этдик.

85. Бас, у (аввал Ғарбга қараб) йўл олди.

86. То (кетаётган) кун ботаётган жойга етгач, у (куёшнинг) бир лойка булок (орти)га ботаётганини кўрди ва (булоқнинг) олдида бир қавми учратди. Биз: «Эй Зулқарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», дедик.

87. У айтди: «Зулм қилган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтгач, У зот уни янада хунук азоб билан азоблар».

Бу оятлардаги Ғарбга юришдан мурод Эрон бўлмоғи керак. Чунки Қуръон нозил қилинган даврда Эрон мажусийлик этикодида бўлиб, Мухаммад (с.а.в.)нинг дастлабки нигоҳи ҳам Эрон томонга қаратилган эди. «Куёшнинг лойка булок ортига ботаётгани»дан мурод эса, қуфрдир. Демак, Зулқарнайн қуфрни маҳв этиш учун куёш ботаётган томонга юриш қилади ва сўнгра, кейинги оятларда зикр этилишича,

куёш чиқаётган тарафга йўл олиб, у ерда ҳам Яъжуж-Маъжуж тимсолидаги қуфрни маҳв этади.

Аммо Қуръони каримдаги Зулқарнайн, албатта, Александр Мақдуний эмас, у Қуръонда зикр қилинган бошқа пайғамбарлар сингари ваҳий олган сиймо бўлмоғи керак. Зулқарнайн — икки шохли дегани.

Искандарнинг жангу жадаллари, табиати ҳақида ўз замонидаёқ (яъни милоддан аввал) кўплаб асарлар ёзилган. Улар жамланган ва «Искандарнома»лар деб юритилган. Тарихий ва адабий йўналишда бўлган шундай асарлар Искандар замондошлари Клитарх Онесикрит, кейинчалик Плутарх Курций Руфлар тарихий йўналишда, Каллисфен адабий йўналишда роман ёзганлар. Бу асарлар пахлавий (ўрта форс тили), сурийёний, қибтий, ҳабаший, арманий ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шарқда «Корномаи Ардашери Бобакон», «Ардавирофнома», «Динкард», «Бундахошин», «Номаи Тансар», «Муруж уз-заҳоб», «Форсийнома», «Тарихи Табарий», «Таржимаи тарихи Табарий», «Мужмал ут-таворих» асарларида Искандар ҳақида маълумотлар ва ривоятлар бор.

Албатта, мусулмон оламида яратилган дostonлар заминда Қуръони каримдаги Искандар номи Зулқарнайн деб зикр этилгани асос бўлган.

Халқ орасида юрган афсона ва ривоятларга қараганда, Зулқарнайн ҳатто Мусо пайғамбарга ҳамсафар бўлган ва унинг хикматларини эшитган.

Бундай афсона ва ривоятлар, албатта, биринчи навбатда юнон тилида яратилган. Шарққа нисбатан эллинизмнинг таъсири кучли бўлгани туфайли, бу афсона ва ривоятлар Шарқ адабиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, Абулқосим Фирдавсий ва Низомий Ганжавийлар Искандар ҳақидаги юнон тилларидаги ривоятларга таяндилар.

«Зулқарнайн» ҳақида шундай тушунча мавжуд: бошда икки тилим ўсган гўшт; иккита соч тутами, демак Зулқарнайн олий даражада яратилган маъносидадир. Бинобарин, Искандар Зулқарнайн зоҳирий ва ботиний илмларни пухта эгаллаган, ёруғлук ва зулмат оламини ҳам аниқ кўра билган. Бундан у илоҳий қудрат қасб этган, деган маъно келиб чиқади. Ана шу тушунчалар мумтоз адабиётнинг дурдона асарларига кўчган.

Дostonларда Искандарнинг туғилиши, отаси ва онаси кимлар бўлгани ҳақида асосан икки ривоятга асосланилади. Искандар Мақдуния кироли Филипп (Файлакус)нинг ўғли; Искандар Эрон шоҳи Доро иккинчининг ўғли, онаси Филиппнинг кизи (исми Хумой бўлган); Искандар мисрлик қоҳин Никтоний ва Филиппнинг хотини Олимпия (пинхоний муҳаббатидан) нинг туғилган ўғли.

Бу ривоятлардан кўринадики, Искандарда Мақдуния кироллари, Эрон шоҳлари, Миср фиръавнларининг қони бор экан.

Яна бир ривоят бор: Искандарнинг онаси ҳомиладорлик даврида ҳасталаниб қолганда, уни исқандар (бизда кашани) билан муолажа қилиб даволаганлари учун туғилган чақалоққа Искандар номини берган эканлар.

Искандар ҳақидаги асарларда, жумладан, дostonларда шоирлар мана шу ривоят ва афсоналарга суянган ҳолда Искандар образини яратганлар.

Низомий икки қисмдан иборат «Шарафнома» ва «Иқболнома»сида Искандарнинг жангу жадаллари, Юнонистонга қайтиши, Юнонистон таърифи ҳамда Искандарнинг Арасту, Афлотун, Сукрот, Архимед сингари файласуфлар би-

лан мулокоти ҳикоя қилинади.

Низомий дostonининг асосий ғояси одил шоҳ таърифидир. Унинг «Панж ганж» номи билан машҳур ҳамсасидан сўнг Хусрав Дехлавий «Хамса» яратди ва Искандар ҳақидаги дostonни «Ойинаи Искандарий» деб атади.

Унда Искандар ҳаётидан ажойиб ва ғаройиб воқеалар, давр ҳукмдорлари ҳақидаги ривоятлар келтирилган.

Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий»сида асосий мавзулар ва мақсад панду насихатлар орқали очилди. Қадим юнон ҳақимлари суҳбатидан ва ҳикоятларидан халқпарварлик, адолатпешалик ғоялари саралаб олинади.

Алишер Навоий ўзининг 1485 йилда ёзилган «Садди Искандарий» асарида ўз салафлари анъанасини давом эттирган, ўз замонаси билан боғлаб Искандар тимсолини идеал шоҳ даражасига кўтарган.

Шоир, олим, давлат арбоби бўлган Алишер Навоий Искандарнинг адолатпарварлиги, ноаҳилликнинг ёмон оқибатлари, ақл, яхшилик, инсоф, ёшлик, қариллик, тўғрилиқ, фаҳм-фаросат ва бошқа масалалар билан боғлаб, ўзининг кенг камровли ғояларини мазкур дostonда баён этган.

Улуғ шоир «Хамса»сининг бешинчи дostonни тугалламоқда: Искандар Кирвон халқини Яъжуж-Маъжужлар зулмидан қутқариш учун баланд садд — деворни қурдирди ва асли ватани Румга қайтди.

Бўлуб олами бўйла санъатнамой,
Кеча-кундуз иш қилдилар олти ой —
Ки, неча минг устоду санъатгарий,
Тамом этдилар Садди Искандарий...
Қилиб хотирин жамъ, қилди хиром,
Сипах бирла ёд айлаб асли мақом.
Неча кун чун қатъ айлади арзу бум,
Яна бўлди манзилғахи тахти Рум.

Бу ўриндаги воқеалар ва Искандарнинг Яъжуж-Маъжужларни тўсиш учун қурдирган баланд девори Қуръони каримнинг Каҳф сурасидаги қуйидаги оятларни ёдга солади:

93. То (кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) гапни сира англамайдиган қавми учратди.

(Навоий дostonида бу қавм Кирвон қабиласи деб кўрсатилади.)

94. Улар: «Эй Зулқарнайн, албатта, (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар сенга бир (микдор) ҳақ тўласак биз билан уларнинг ўртасига бир тўғон қуриб берурмисан?» — дедилар.

95. У (Зулқарнайн) айтди: «Раббимнинг менга ато этган (неъматлари) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга куч-қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай.

96. Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар. То (парчалар) тоғ ёнбағирлари билан баробар бўлгач, дам уринглар», — деди. Бас, қачон у (темир-терсақларни, қиздириб ўт қилгач (эритгач), деди: «Менга эритилган мис (ҳам) келтиринглар, уни (темир парчаларининг) устидан қуюрман.

97. Энди улар (Яъжуж ва Маъжуж) у (тўсиқ)нинг устидан чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар.

98. Бу Раббим (томон)дан бўлмиш бир марҳаматдир. Энди, қачонки, Раббимнинг (Яъжуж ва Маъжуж чиқади деб) ваъда қилган вақт келганида (Қиёмат олдидан), Ўзи у (тўсиқ) ни теп-текис қилиб қўяр. Раббимнинг ваъдаси ҳақдир», — деди у.

(Оятларнинг таржималари «Қуръони карим маъноларининг таржималари» (таржимон Абдулазиз Мансур), (Тошкент Ислам университети нашриёти, 2001) китобидан олинди).

Энди Навоий ўз шукроналари, кечинмаларига қўшиб, шоирона хис-ҳаяжон билан дўстига мурожаат қилиб, адам — йўқлик дунёсига сафар муқаррар экан, асҳоб — суҳбатдошлар, аҳбоб — дўстлар билан бирга бўлиб вақтни хуш ўтказиш кераклигини уқтиради. Булар 56 байтдан иборат шоир васиятидир. Навоий васиятининг бош мавзуси:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.

Навоийнинг бу фикри ўз замонидагина эмас, барча даврлар учун долзарб масала, шоир ҳар бир келажак авлодни огоҳ бўлишга, ватан — муқаддас, уни тарк этишни ўйламасликка даъват этади.

Ҳозирги кунларда, айниқса, ёшлар учун Ватанни тарк этиш «орзу»га айланиб бораётган бир пайтда улуғ мутафаккирнинг ушбу васияти ғоят қимматлидир. Навоий ватан ягона эканлигини, ватанга муҳаббат муқаддас туйғулигини таъкидлаб, ҳадисда айтилганидек, ватанни севмок иймондандир, деган ғояни илгари суради.

Албатта, буюк мутафаккир ватандан чиқиб сафар қилишни инкор этмайди. Аммо сафардан сафарнинг фарқи бор.

Асосий сафар олдинда, бошқасини ҳавас қилма, ҳеч ким сенга ҳамдардлик қила олмайди, ҳамроҳ ҳам бўлмайди. Шундай экан, шошилма, йўлга чиқишдан олдин изтироб чекишинг зарурми?! Демак, аҳбоб билан бирга бўл, чунки бир-бирингиз учун меҳмонсиз, буни ғанимат тутиб, хурсандчилик билан йигитлик айёмини ўтказинг. Агар даврондан ғам-кулфат етишса, ўзингни овутигин, бардошли, сабрли бўлгин, дейди шоир.

Бу ерда шоир ҳар қандай сафарнинг меҳнат-машаққати бор, сафарни истадингми, унда:

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл, —

деб ёзар экан, ўзининг ботиний эътиқоди, нақшбандия тариқатига мансублигини баён этади. Умуман, унинг бу эътиқоди қатор асарларида устувордир. Ҳатто махсус бир китъада мазкур тариқат қоида-йўсинлари ҳақида шундай дейди:

Эрур бас ариғ нуктаву қон ёшинг,
Дурру лаълдин зебу зийнат санга.
Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса меҳнат санга.
Дилиндин йироқ тутмағил хушни —
Ки, юзланмагай ҳар дам офат санга.

Демак, нақшбандия тариқатига Навоий амалий ҳаётда татбиқ этиладиган таълимот, деб қараган, унинг ана шу халқчиллиги, турмуш тарзини белгиловчи жиҳатларига эътиборни тортган.

«Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл» — бу Ватанни яхши билиш керак, деган маънони ҳам англатади. Бинобарин, мусофир бўлмоқ кўп нарсани билмоқ ва англамоқ демақдир.

Шоир сафарга отланиш... дўзах азобларига шайлик қабидир, Ватанга муҳаббат эса, иймон нишонасидир, деб таъ-

кидлайди. Агар инсонга иймон тақдир этилган бўлса, барча гуноҳлари кечирилиб, унга жаннат насиб бўлади:

Сафар азми дўзахка соний дурур,
Ватан ҳубби иймон нишонидурур.
Навоий васиятидаги яна бир фикр:

Бу дунё — ўткинчи, ҳамма адам — йўқликка кетади.
Искандар каби жаҳон мулкларини баҳру бар — денгиз ва курукликларни олсанг ҳам, барибир, уларни ташлаб кетгундир. Модомики шундай экан, шамолдек энгилтакликни рад этиб, тоғдек виқорли бўл, дўстлар суҳбати, улфатлар учрашувини ғанимат бил, уларга мадакдор бўл, чунки ноёб гавҳардек бебаҳо «фароғат мақоми ғанимат тут».

Дўстларга мадакдор бўлиш, уларни кадрлаш ҳақидаги фикрлар заминиди жуда катта, жамият ва сиёсат учун ғоят зарур бўлган ҳамжихатлик ғояси ётади. Маълумки, Навоий дўстларини ниҳоятда кадрлаган. Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Сухайлий, Соҳиб Доро, Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний) ва бошқалар билан дўстлиги, мулоқотлари унинг давлатни бошқарув ишларида, бунёдкорлик фаолиятида, серқирра ижодиётида асосий омиллардан бўлган.

Навоий васиятида дўстлар билан май базмларини тузиш ҳақида шундай дейилган:

Бўлунг майга гулрез ўлуб субҳхез —
Ки, бир бир учун бўлгунгиз ашкрес.
Тараб бирла жоми шабона ичинг,
Тўло тутсалар бебаҳона ичинг.
Олинг айшдин умрнинг комини,
Тутунг хуш йигитликнинг айёмини.
Ичиб базм аро жоми дилкаш тутунг,
Неким келса ўзни даме хуш тутунг.

Айташ керакки, бу ерда «май» тасаввуфда «ошиқ» дилида туғён жазбаларини пайдо килувчи хикмат томчиларини ҳам англатади. Бинобарин, «тасаввуфда май — шароб маъносиди эмас, — деб ёзади машҳур олим Нажмиддин Комилов, — бу — инсоний кайфият, рухий изтиробларнинг йиғма ифодаси, ғаму хасрат рамзи. Май фақат шодлик, сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалиқ, андухнинг ҳам ифодасидир».

Навоий ёзади:

Не соатки юзланса кому мурод,
Сочиб ўтқа испанд, ўкунг «ин якод».

(Мазмуни, агар ниятга етишсангиз, муродингиз ҳосил бўлса, оловга исирик ташланг ва «ин якод»ни ўкинг).

Байтдаги «ин якод» Қуръони каримдаги «Қалам» сурасининг 51-оятидан.

Ҳаётни севган, инсон табиати, жамият ҳолати, воқеа-ҳодисаларни атрофлича ва чуқур билган Навоийнинг васиятлари моҳиятига инсон руҳиятининг олам билан йўғрилган мақсад ва муддаолари сингиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ мумтоз адабиётида, жумладан, Навоий ижодида Искандар Зулқарнайн номи одиллик, инсонпарварлик, эзгу ишлар тимсоли сифатида тилга олинади ва бу образ ёрдамида шоирлар ўзларининг эзгу мақсадларини баён қилганлар. Шундай эзгу мақсадларни Навоий «Садди Искандарий» достонидаги ўз васиятларига сингдирган.

ВАСИЯТ МАТНИ

Елдек сайр аро сабукборлиғ нафйин қилмак ва тоғдек суқун аро бовикорлик амрин буюрмак ва асҳоб суҳбатиким,

бир-бир ишлари борурға шитобдурур, ғанимат билмак ва аҳбоб мулоқотиким, ҳар бири бир гавҳари ноёбдурур муғтанам тутмак ва адам ғарибистонидин шаммае ёд этмак ва вужуд сарманзилин хушхулқ била ўтқурурни васият қилмак

Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,

Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!

Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,

Тараб жомидин айлагил ўзни маст.

Чу бу дамни чарх ўтқарур ҳам, бу дам

Дамо-дам май ичким, эрур дам — бу дам.

Кўруб умр таърихи мубҳамлиғин,

Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлиғин.

Ватан таркини бир нафас айлама,

Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Сафар меҳнати жовидонийдурур,

Нединким сақардин нишонедурур.

Сафарға недур хар дам этмак ҳавас,

Санга ул сафарким бор олингда, бас.

Неча бўлса хайлинг аро кўсу пил,

Чолингуси пил узра кўси рахил.

Неча сайр ташвишидин қонмоғунг —

Ки, боргунгдур ул навъким, ёнмоғунг.

Эрур, бир йўл олингда беҳад қатиғ,

Майи ҳажри аҳбобнинг, бас, ачиғ.

Не ҳамроҳ ул йўлда, не ҳамдаме,

Эрур, оллаҳ-оллаҳ ажаб оламе —

Ки, хар кимки ул йўлга қўйди қадам,

Бурунги қадамдур саводи адам.

Не ул сайр поёниға ҳад падиғ,

Не мақсуд пайдо, не мақсад падиғ.

Эрур онча ранжу суубат анга —

Ки, ўлмак эмастур укубат анга.

Эрур беҳижат кимки шарҳин қилур —

Ки, хар кимки айлар тааммул — билур.

Киши билса олинди бу навъ йўл,

Сафарни не янглиғ ҳавас қилғай ул.

Нечаким таваққуфни жазм айлагунг,

Қачон бўлса бу йўлга азм айлагунг.

Чу охир борурсен, шитобинг недур,

Борурдин бурун изтиробинг недур.

Тараддудни тарк айлаб ором тут,

Тузуб базм аҳбоб ила, жом тут.

Йўқ улким, бориб сен, қолурлар бу хайл —

Ки, бордир бориға борур сори майл.

Эрурлар ғанимат бори бу замон —

Ки, бир-бирига сиз барчангиз меҳмон.

Бўлунг майға гулрез ўлуб субҳхез —

Ки, бир-бир учун бўлгунгуз ашкрес.

Тараб бирла жоми шабона ичинг,

Тўло тутсалар бебаҳона ичинг.

Олинг айшдин умрнинг комини,

Тутунг хуш йигитликнинг айёмини.

Ичиб базм аро жоми дилкаш тутунг,

Неким келса ўзни даме хуш тутунг.

Не соатки юзланса кому мурод,

Сочиб ўтқа испанд, ўкунг «ин якод».

Ва гар бермаса даст кому тараб,

Тараб йўқ дебон ўзга солманг тааб.

Ўзунгизни меҳнат қуни овурун,

Не ғам келса даврондин, осон тутунг.



Суйима ФАНИЕВА

Навоийшунос олима, профессор Суйима Ғаниева Алишер Навоий ижоди билан изчил шуғулланиб келмоқдалар. Изланишлар натижаси ўлароқ, олима Навоий "Хамса"сининг бешинчи достони – "Сафди Искандарий"нинг 79-бобидаги мутафаккир васиятини тақдим этдилар.

Агар ғам етиб, кимса топса алам,
Қилур бир ғамин куч била ики ғам.
Муни англаким ошкору ниҳон,
Киро айламас ғам емакка жаҳон.
Чу бир лаҳза давронга йўқ эътимод,
Бадан қайдида жонга йўқ эътимод.
Нечук одаме бежихат ғам егай,
Ва агар бўлса юз минг жихат ҳам егай.
Бурунги куну тонгладин урма дам —
Ки, ул бирла адамдур, бу доғи алам.
Эрур бир кун хар не нобуду буд —
Ки, ики адам ичра тутмуш вужуд.
Дами нақд агарчи бу маъдум эмас,
Вале етмак окшомға маълум эмас.
Не окшом, тириклик эрур бир нафас,
Ҳам эрмас яқин топмоқ охир нафас.
Чу бир дамга йўктур кишига зимон,
Фалак зулмидин альамон-альамон!
Муни доғи ғам бирла қилгон басар,
Хираддин магар топмаиштир асар.
Алам ичра дам урмағил, эй кўнгул,
Не ғам етса, кайгурмағил, эй кўнгул.
Жудоликка шод ўлма асхобдин,
Жафо етса айрилма ахбобдин.
Чу гардун иши бевафолиғдурур,
Саранжоми расми жудолиғдурур.
Фирок ичра таъжил яъники не,
Бу ҳосилға тахсил яъники не.
Вагандин чу охирдур оворалик,
Недур они истаб ситамкоралик.
Будур чарх ишиким шитоб айлағай,
Не обод кўрса, хароб айлағай.

Чу ул бузгуси, қилмағил изтироб —
Ки, андин бурун айлағайсен хароб.
Ва агар сайрға асру роғиб эсанг,
Сафар нафъу зарриға толиб эсанг,
Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.
Сафар азми дўзахка сонийдурур,
Ватан ҳубби иймон нишонидурур.
Кишигаким иймон эрур сарнавишт,
Неча журми бор кўргусидур биҳишт.
Бориб журмсиз кирма дўзах аро,
Ўзунгта кетурма узун можаро.
Чу зотингда иймондин ўлди нишон,
Гулистони жаннатда бўл гулфишон.
Эрур равзай худд чун масканинг,
Нега бўлди дўзахка бормоқ фанинг.
Жаҳон мулкин этсанг сафар хушқу тар,
Скандардек олсанг юруб бахру бар.
Кўюб борин охир чу кетгундурур,
Дегинким олиб они нетгундурур.
Ҳамул хушки тарки азимат тутуб,
Фароғат мақомин ғанимат тутуб,
Этакка аёғ чексанг андоқки тоғ,
Неча кун бу вайронда қилсанг фароғ...
Муғанний, сўзим тингла охирғахи,
Ҳазин нағмае соз қил хирғахи.
Бир оҳанг ила айлағил ромише —
Ки, етгай манга бир дам оромише.
Навоий қилиб Тенгри коминг раво,
Сенга рўзи этти ажойиб наво.
Узот Тенгри шукри навосиға тил,
Навоий ортуқ истар эсанг, шукр қил.



YAXSHI KITOBLAR BOR

“Кимки бу хонадонга келса дастлаб кўзи, албатта, деворда осиглиқ турган ов милтиғига тушарди. Овчининг уйда бу кўриниш табиий ҳол деб ўйлашса-да, аммо бу қурол бир кун келиб одамнинг жонига хавф солиши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак...” Давами қизиқтириб қўйдими? Бу жумлалар ёзувчи Уйғун Рўзиевнинг “Овчининг сўнги ўқи” ҳикоясидан олинди. Уйғуннинг услуби шундай: асарларини оддийгина, бироқ кишида қизиқиш уйғотиш билан бошлайди. Синчковлик билан давомини ўқийсиз. Ўша

мором, ўша давом. Бироқ яқун қутилмаган.

Уйғун талабалигидаёқ роман ёзиб адабиётга кириб келганини адабиёт муҳиблари яхши билишади. Кетма-кет унинг ҳикоялари матбуотда эълон қилинди. Бугун у яхшигина ёзувчи бўлиб танилди. Яқинда “Ўзбекистон” нашриётида унинг “Тонгда қайтган каптарлар” ҳикоялар тўплами эълон қилинди. Тўпламдан унинг сўнги йилларда ёзилган 17 та ҳикояси жой олган. Бу ҳикояларнинг ҳар бирида турмушнинг турли кўринишлари акс этган. Ҳар бири бир-бирини такрорламас даражада чиройли ва раван.

Равонлик Уйғуннинг услуби. Унинг услубида шундай ўзига хос нимадир борки, шу нимадир асарларини ўқишли ва юқумли қилади.

Кейинги пайтларда китобхонлик ҳақида гап кетса, “Яхши китоблар кам, нима ўқишни билмайман”, деган баҳоналар кўпайиб кетди. Яхши китоблар бор. Нашриётлар, китоб дўконлари яхши китобларни тез-тез сотувга чиқаряпти. Излаган имкон топади. Бунинг учун ҳафсала керак. Уйғун Рўзиевнинг китоби ҳам шундай яхши китоблар сирасига қиради.

Лола ЎНАРОВА,
Юнусобод туманидаги
258-мактаб ўқитувчиси



Санъатнинг ҳар қандай тури инсонларга завқ улашиш учун хизмат қилади. Турмуш ташвишларидан чарчаб, кўнгил ҳордик истаганда кино кўрамиз, кўшиқ эшитамиз. Истасак, маданий озуқа оладиган бирор жойга борамиз. Санъатнинг шундай турлари ҳам борки, уларга кўпда эътибор бермасак ҳам, кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб кетган.

Баъзан бирор воқеани эсласак, дарҳол фотосуратларни ёки видеодискларни титкилаб қоламиз. Уларда муҳрланган лаҳзалар ҳақида ўйлаймиз-у, уларнинг ижодкорларини кўпам эслайвермаймиз. Лаҳзаларда юз берадиган ҳолатларни объектив орқали муҳрлаб қўйиш ҳаваскордан маҳорат ва қобилият талаб этади.

Айнан шундай маҳорат кўриги Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтди. Фото ва видео ҳаваскорларнинг жорий йилдаги Республика кўрик-танлови номоддий маданий мерос тарғиботига бағишланди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар ил-



Obiektivda Nomoddiy Madaniy Meros



мий-методик маркази, Ўзбекистон Бадий академияси, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқаруви, Республика «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Киновидеоҳаваскорлари жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш муҳимлигининг барқамол авлод томонидан чуқур ҳис этилиши, инсониятнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига ворислик туйғусини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда фото, видео соҳаси бўйича ижод қилаётган ҳаваскорлар фаолиятини кенг тарғиб этишдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган муаллифлар-

нинг 150 дан ортиқ фото ва 26 та видеосарлари Республика босқичига тавсия этилган.

Муаллифларга халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик бўйича, ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати йўналиши, жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот билан боғлиқ билим, кўникмалар ва урф-одатларни акс эттириш тавсия этилди. Танлов давомида иштирокчиларга маҳорат дарслари олиб борилди.

Танлов иштирокчиларининг асарларини Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг Фоторассомлар шўъбаси раиси Рустам Шарипов раислигидаги хайъат аъзолари — Ўзбекистон Давлат Санъат институти санъатшунослик ва техноген факультети бўлим мудири Абдурахим Исмоилов, Ўзбекистон Киновидеоҳаваскорлари жамияти бадий раҳбари, кинорежиссёр Николай Чижов, Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз туман «Ёшлик» халқ ҳаваскорлар киностудияси бадий раҳбари Ғайрат Пўлатов, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг Фоторассомлар шўъбаси аъзоси Султонбой Дехқонов баҳоладилар.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот марказининг дипломлари, қимматбаҳо совринлар, хомийлар ва тегишли ташкилотларнинг «Фахрий ёрлик»лари, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ХОНИМОЙ



Халқимизнинг таниқли хофиз Отажон Худойшукуров ижро этган мумтоз куй ва кўшиқлар йиллар мобайнида санъат ихлосмандлари қалбда сақланиб келмоқда. Устоз санъаткорнинг келажак авлодларга қолдирган бой ижодий мероси бугун халқимиз ичидан етишиб чиқётган кўплаб ёш санъаткорлар томонидан қўйланиб, тобора сайқалланиб бормоқда.

NAFOSAT BO'STONIDAGI SAN'AT DURDONALARI

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда, қўйингки, юртимиз ҳаётининг барча жабҳалари қатори халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шунинг баробарида асрлар мобайнида сақланиб келинаётган халқимизнинг бой маънавий мероси, миллий қадриятларини ўрганиб, келажак авлодга етказишда ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Айниқса, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ёшларнинг миллий санъатга бўлган меҳрини янада ошириш борасида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида амалий саъй-ҳаракатларни кенг йўлга қўйиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг сўлим гўшаларидан бири Эллиққалъа тумани маркази Бўстон шаҳрида ўтказилган “Нафосат бўстоним маним” номи VII Республика кўрик-фестивали ушбу ҳамкорликнинг амалий натижаси бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон ва Татаристон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб “Нафосат бўстоним маним” анъанавий ва вокал ижрочилари, эстрада хонандалари, бахшилар, халфаларнинг VII Республика кўрик-фестивали ҳамда хунарманд ва мусаввирларнинг кўргазмасини ўтказиш тўғрисида билдирган таклифи Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва соҳага оид бир қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарларини бефарқ қолдирмади.

Бу борада Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров қолдирган ижодий меросни ўрганиш, номоддий маданий меросимиз анъаналарини асраш, тарғиб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда иқтидорли ёш ижрочилар, эстрада хонандалари, анъанавий кўшиқ ижрочилари, бахшилар, халфалар, хунарманд ҳамда мусаввирлар санъатини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан “Нафосат бўстоним маним” номи VII Республика кўрик-фестивалининг Низоми ишлаб чиқилди.

Мазкур Низомга мувофиқ кўрик-фестивалнинг ҳудудий саралаш босқичлари Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида кўтаринки руҳда ўтказилди. Кўрик фестивалнинг Эллиққалъа туманида ўтказилган якуний Республика босқичида 147 нафар саралаш босқичлари ғолиблари иштирок этишди.

Фестивалнинг Республика босқичи ҳам унинг Низомига мувофиқ 5 та йўналишда ўтказилди.

Биринчи йўналиш, яъни опера (вокал) йўналиши бўйича 1 та 1-ўрин Қорақалпоғистон Республикасидан Айтбай Тажибаевга насиб этди. 2-ўринга эса 4 нафар вокалчилар: Фарғона вилоятидан Соибжон Давлатов ва Зарнигорхон Қирғизалиева, Андижон вилоятидан Ҳусниддин Орифжонов, Тошкент шаҳридан Холида Валиевалар сазовор бўлдилар. Фахрли 3-ўрин эса

Наманган вилоятидан Жаҳонгир Султонов, Қорақалпоғистон Республикасидан Фарид Узакбергенов, Тошкент шаҳридан Василина Даниярова ва Юлия Габдюковалар, Фарғона вилоятидан Дилдора Алойденовага насиб этди. Фестивалнинг ушбу йўналишида иштирокчилар жаҳон композиторларининг қадимий ариялари, ўзбек ва қорақалпоқ арияларини оркестр жўрлигида моҳирона ижро этдилар.

Шунингдек, танловнинг бахшичилик йўналиши бўйича 1-ўрин Саламат Аяпов ва Шерали Жумаевларга, 2-ўрин эса Максат Акеев, Расулбек Абдурахмоновларга, 3-ўрин эса Улбўсин Оринбаева, Оралбай Отамбетов, Данияр Алламуратовларга насиб этди. Халфачилик йўналиши бўйича ҳакамлар хайъатининг якуний ҳулосаларига кўра Хоразм вилоятидан ташриф буюрган Сарвиноз Курёзова 1-ўрин, қорақалпоғистонлик Дилноза Атахўжаева ва Дилноза Нейматовалар 2-ўрин, Хоразм вилоятидан Латофат Мўминова 3-ўрин соҳиби бўлдилар. Ўзбек ва қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи, анъаналари, номоддий маданий мероси, миллий ўзлигини ифода этувчи, ватанмиз истиклоли ва юксак истикболлини тараннум этувчи термалар ва халқ дostonларини ўзида мужассам этган ушбу йўналишда намоиш этилган чиқишлар тadbир иштирокчилари ва меҳмонлар қалбида абадий муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Эстрада ижрочилиги йўналишида намоиш қилинган чиқишлар фестивалга ўзгача шуқуҳ ва кайфият бахшида этди. Айниқса, ушбу йўналишда 1-ўринни эгаллаган икки нафар эстрада ижрочиси — Бухоро вилоятидан Муқаддам Сафоева ва Ажиниёз номидаги Қорақалпоқ Давлат педагогика институти талабаси Оринбай Акимбаевлар ижро этган куй ва кўшиқлар нафақат тadbир меҳмонларини, балки нуфузли мутахассислар ва санъатшунослардан таркиб топган ҳакамлар хайъати аъзоларининг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлди. Мазкур йўналиш бўйича 2-ўрин Тошкент шаҳридан Фахриддин

Дархонбоев ва самарқандлик Хуршид Гадоевларга насиб этди. 3-ўринни эса Наманган вилоятидан Мирзохид Камолов, Хоразм вилоятидан Комрон Сабуров, қорақалпоғистонлик Шарафиддин Сапаевлар эгалладилар.

Жонли тарзда ижро этилган ушбу куй ва кўшиқлар нуфузли ҳакамлар хайъати томонидан куйидагича баҳоланди. Фахрли 1-ўрин Қашқадарё вилоятидан ташриф буюрган ёш санъаткор Ёкубжон Ёмғировга, 2-ўрин қорақалпоғистонлик Ўткир Абдуллаев ва хоразмлик Баҳром Отажоновларга, 3-ўрин эса хоразмлик Севинчой Рўзметова, Мансур Кўчқоровлар ҳамда Жиззах вилоятидан Тошпўлат Исломовларга насиб қилди.

Танловнинг энг нафис ва жозибador йўналиши бўлган халқ амалий тасвирий санъати йўналишидан истиклол шуқуҳидан баҳраманд бўлган юрт жамоли, миллий кадриятлар, анъаналар, урф-одатлар ҳамда маросимлар, мамлакатимизнинг гўзал табиати, буюк сиймолар, қадимий қалъалар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, халқимизнинг бунёдкорлигини акс эттирувчи асарлар, энг сара ижод намуналаридан иборат экспозициялар ўрин олган бўлиб, ундаги асарларга ўзбек халқининг энг забардаст мусаввирлари руҳияти сингдирилганлигини санъат ихлосманди бўлган ҳар бир томошабин теран илғаб олиши табиий ҳол.

Ушбу йўналишда иштирокчилар ўзлари яратган санъат асарлари орқали халқимиз орасидан келажакда ҳали кўплаб буюк мусаввирлар етишиб

чиқиши, улар яратган асарлар жаҳон афкор оммасини хайратга солиши шубҳасиз эканлигини яна бир қарра исботлади.

Шунингдек, фестивалда кўплаб иштирокчилар Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Эллиқалъа тумани ҳокимлиги ва О. Худойшуқуров номидаги махсус жамғарманиннг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ушбу фестивал ўзбек халқининг миллий киёфасини акс эттирувчи турли жанрларни кенг қамраб олганлиги, айниқса, халқимизнинг асарлар оша сақланиб келинаётган бой маънавий, ижодий меъросини бевосита амалий ишланмалар орқали намоиш эта олганлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир.

Шу боис фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари мазкур тadbирдан олам-олам таассуротлар, ҳам руҳий, ҳам маънавий озуқа олганликларини қалбдан хис қилиб, юксак эътироф этдилар. Зеро, ушбу нуфузли тadbирдан олинган чуқур таассурот киши қалбида йиллар давомида сақланиб, инсон онгида миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик ва юрт тақдирига дахлдорлик хис-туйғуларини тобора юксалтириши шубҳасиз.

Жавлон СУЛАЙМОНОВ



So z aytish saodati

**Осмон эгилади бошимга жим-жим...
Афсона аралаш сирлари сим-сим.
Юлдуз — бошоқларин тера бошларман.
Ойнинг кокилларин ўра бошларман...**

Мана, яна бир шеър туғилди. Ойнинг кокилларидай ёруғ, юлдузлардай сержило, осмон янглиғ сирли ва сеҳрли. Ойдин Ҳожиеванинг шеърларини шундай илғайман. Шундай кириб бораман ва шундай тасаввур уйғонади. Юқоридаги тўртликни ўқиб, сокин тунни, дераза ёнида ижодга чоғланган лирик қахрамонни кўрдим. Кўрмай бўладими, ёркин рангларда чизилган манзарага ўхшайди бу шеър!

Ойдин опанинг янги “Шом шуълалари” китобини ўқиб, кўнглим бир ёришди. Шоира олтмишинчи йиллардан тортиб бугунги кунгача ёзилган шеърларидан гулдаста тuzганга ўхшаб туюлди. Бу ифор мени китобни ўқиб тугатгач ҳам тарк этмади. Янги гап эшитганимда яқинларимга илингинг келгани каби мен ҳам таассуротларимни сизларга соғиндим...

**Чин бахши сўз деса ёлғони бўлмас,
Ёлғон деганларнинг имони бўлмас,
Ойдин опангизнинг армони бўлмас,
Сизда бир башорат укиб турибди...**

Бу шеър опанинг шоира издошларига бағишланиб, унда иики-уч шоиранинг исми келтирилган бўлса-да, ундан барча шогирдларга насихат барқ уриб турибди: “Ватаннинг жони, жонбози бўлсангиз, Демакки, миллатга Худо берибди”.

Одам ўз яқинларига юкинган дамларидагидек бахтли, самимий бўлишини Ойдин опанинг Онасига, Опасига битганларидан ўқиб яна бир бор ҳис қилдим.

Шоиранинг “Тонг туйғулари” бўлимига киритган шеърларида ёниқ туйғулар, ичкин изтироблар, кези келганда исёнваш сатрлар жой олган. Ўқиган сари, уккан сари бир тоза хислар уйғона боради. “Бахт” шеър ана шундай дилбар шеърлардан биридир. Ўзи одам ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ўзининг бахтли томонларини кашф қила бориши керак деб ҳисоблайман. Шугина инсонни ҳаётга боғлаб туради. Кўринмас ришталар билан эртанги кунга умид уйғотади:

**Бир совуқ сўз ногоҳ миямга уриб,
Сабру қароримни тўзгитса пардай,
Бахт, шунда жонимга сен оро кириб,
Яккалаб қўймадинг катта шаҳарда.**

Баъзан муаллифи ноаён шеър ўқиганда, ёзувчиси шоирми, шоирами – англаш қийин кечади. Нимяланг мисралар ғашга тегади... Ойдин опанинг шеърларида назокат, фасохат, ўзгача майин товуш, ўрни келганда қайсар ва чўрткесар аёлга хос овоз бўртиб туради. Асли аёлни аёлдек тушунувчи йўк. Аёл дарди, кечинмалари, шодлиги, масрур онлари, бахтини бир аёлчалик, бир шоирчалик ҳис этиш ва ёзиш саодати бор Ойдин опада.

**Зайфа деб айтар ким,
Ожиза деб ким айтар:
Сен нарра шер бўлурсан
Бошга иш тушган дамлар.**

Аслида яхши асарлар қайси жанрда бўлмасин маънавий бойлик ҳисобланади. Хижил дилга бир оройиш олдинги, дардинга малҳам топдинги, ўксик дилингда умид уйғондими, энди бу муаллиф сенга бегона эмас, энди бу китоб сенинг кадронинг. Яна қачондир кўнглингда бир ғашлик уйғондими, ўша кадронингни қўлга олгинг, ўша сирдошинг билан диллашгинг келади. Менда шундай, яхши қўрган шеърларим муаллифлари билан хотирамда қолади. Яна қайдадир шу таниш номга кўзим тушса, янги ёзмишини ўқишга тутинаман. Ойдин Ҳожиеванинг янги тўпламини ўқир эканман, таниш сатрлар, дилга яқин шеърларни қайта ўқишга тутиндим. Анчадан бери шеърга ташна қалбимда юксак коникиш туйдим. Бир яйрадим, бир хўрсиндим, бир бахтиёр ҳис қилдим ўзимни, бир... Хуллас, шоиранинг ўқувчиларига илинганларини бефарқ ўқиб бўлмайди. Юракда бир тозариш, бир қайноқ тафт билан шеърдан шеърга, туркумдан туркумга, бўлимдан бўлимга ошиб ўқиб чиқасиз.

**Гул бўлиб оқай-кетай,
Ё ярадор охудай
Тогларга чиқай-кетай,**

**Ҳамроҳликка кел,
Сабоғимга кел...**

Китобни ёпгач эса, эски кадрдонингиз билан маза қилиб сирлашгандай енгил тортасиз. Асли излаганимиз таскин эмасми, асли топганимиз тасалли эмасми...

Халқона оҳанглар шеърдаям, қўшиқдаям, насрий асарлардаям халқ дилига яқин бўлади. Ойдин опанинг аллалари, асарларида фойдаланган келин саломлари, айтимлари ажиб нолалар янглиғ кўнгилга кириб келади:

**Қиёматлик бозорим,
Дунёда йўғу борим,
Куйса-куйгулик ёрим,
Суйса-суйгулик ёрим,
Чалма чалгонинг бўлай,
Чаллаб олгонинг бўлай!**

“Шом шуълалари” китобидан жой олган “Муборак тунлар муножоти”, “Умр чархпалаги”, “Дард”, “Сунбуладан элчи келар” туркумларининг ҳар бири алоҳида мавзулар, ҳар бири ўзига хос жамланмалар бўлса-да, улардаги нолалар, оҳанглар, кечмишлар шоиранинг эл ғамига бепарвомаслигини билдириб турибди. Юрт ғами билан, унинг ўтмишию бугуни билан уйғоқ нафас олаётган қуёнчак шоиранинг ўтли сатрлари ўқувчига-да уйғоқлик юктиради. “Хайрлашув” шеърдаги Меҳрали чўпон айтимидаги: “Элга эл қўшилганда, Ер ҳам бутун бўларкан. Одам кўчган Ватанда Ерлар етим қоларкан...” мисраларини ўқиб, ўйга толиб қоламан. Ернинг, она тупроқнинг Одам тафти билан яйраши, меҳрисиз қолган ернинг етим бўлиши табиий ҳол. Лекин буни шоирона уйғоқ дил билан уқиб, шеърга солиш Ойдин опагагина хос ҳислат.

Ойдин опанинг яхши бир фазилати бор. Оналарча меҳрибонлик билан шоира қизларни, шогирдларини сўраб-суриштириб, янги шеърларини сўраб юрадилар. Ўрни келганда тергаб ҳам қўядилар. Баъзан турмуш ташвишлари, фарзандлар тарбияси билан бўлиб, кам ёзаётганимиз ўзимизга ҳам сезилади. Шунда опанинг “Саодаг”га янги шеърлар сўрагани ёдимга тушади. Хотин-қизларнинг нуфузли журнали менинг шеъримсиз ҳам улкан назмий асарлар захирасига эгаллиги, бу опанинг азбаройи қўлимиз ёзишдан чиқиб кетмаслиги учун бир устоз, бир опа сифатидаги сўровимикан, дейман. Ёзишга, ўзимни қалам-қоғозга боғлашга дангасалик қила бошласам, опанинг тергаб қўйишлари кўз олдимга келади ва...

Ойдин Ҳожиева етмиш ёшни қаршилаш арафасида турбдилар. Етмиш йиллик умр йўли. Гоҳ масрур, шўҳ-шодон, гоҳ маҳзун. Бу инсон йўли. Агар у шоир бўлса-чи? Шоирликнинг ўзи бир қисмат, ўзи бир тақдир. Аллоҳ ўзининг назари тушган инсонни истеъдод билан сийлайди, элга суюмли қилади. Шу тақдир сабаб бугун опа элимизнинг ардоқли шоираси.

Одам ўз умр йўлига қараб, ўзини имтиҳон қилади, ўзини тафтиш қилади. Бу имтиҳон қолган барча имтиҳонлардан залворли, барча синовлардан қийин. 2002 йилда ёзилган “Таваллуд таронаси” туркумидаги шеърлар опанинг ўз умр йўлига қараб, “Шеър деган меҳробга кирган” — “бир тўпори қиз”нинг топганлари, излаганлари, соғинчларидан



сўйлайди:

**“Наво” бўлдим, “Шабнам” бўлдим,
Кимга тамал тоши бўлдим.
“Мушфиқ онажон”имнинг ҳам
40 йиллик кўз ёши бўлдим...**

Бу тароналар умр йўлидан “Гул хикоятлар” айтиш-ни дилга тугиб “Боғбон дилли отамнинг Ойдин ниhoли бўлиб”, деб бошланиб, Ўз она юртига сарҳисоб берган шоира қизининг:

**Сен ҳам дуо қилиб тур,
Юзларга кириб юрсам,
Буюк давлат бўлганинг
Суюниб кўриб юрсам!
Туғилган куним ҳаққи:
Дилда чексиз эхтиром,
Ота юртим, ассалом,
Она халқим, ассалом! –**

деган эхтироми билан яқунланади.

Мен Ойдин опанинг ўз ижоди билан Ота юртга, Она халққа салом айтиб чиқишлари кўп бўлишини, кейинги сарҳисобларга “Шом шуълалари” ҳам, ундан кейинги тўпламлар ҳам киришини чин дилдан истайман.

Манзура ШАМС



Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг ривожига улкан ҳисса қўшган мумтоз шоирдир. Унинг турли жанрларда ёзган асарлари тил равонлиги, халқона оҳангдорлиги, чуқур мазмундорлиги ҳамда мумтоз шеърятимизга хос бўлган бадиий санъатларнинг бетакрор нафосат билан қўлланганлиги сабаб ажралиб туради. Шунингдек, уларда шоир ҳаёти, руҳий олами, хос характери ҳам шу қадар сингиб кетганки, уларнинг ҳар бири шоир дунёсининг муайян қирралари билан боғлиқлигига гувоҳ бўламиз.

Туркий шеърятда ҳеч ким Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўз ҳаёти, руҳияти ва шахсиятини ўз шеърларида кенг кўламда акс эттирмаган. Айниқса, бу ҳол унинг рубойларида яққол кўзга ташланади. Зеро, рубой шарҳ шеърятининг ихчам ва ҳозиржавоб жанри бўлиб, унда ижодкорга ўз “ҳасби хол”ини айтиш учун кенг имкониятлар туғдириб беради. Шоирнинг бизгача 209 рубойси етиб келган. Бу рубойларнинг аксарияти автобиографик, яъни шоир ҳаётининг муҳим қирралари билан боғлиқ.

Бобурнинг автобиографик жанрдаги рубойларини шоирнинг бевосита ҳаёти, яъни унинг руҳий ҳолати билан боғлаб икки турга ажратиб таҳлил қилишимиз мумкин:

а) Шоирнинг руҳий олами билан боғлиқ рубойлар;

б) Бобур ҳаётининг муҳим қирраларини акс эттирувчи рубойлар.

Бобур ёшлигиданок жуда оғир дамларни бошидан кечирди. Ишонган ички беклари ҳисобланган тоғалари Али Дўст, Қанбар Али ва уларнинг фарзандлари меҳр-оқибат, садокат нималигини билмай, Бобур ҳаётининг энг оғир дамларида ундан юз ўгириб, Аҳмад танбал химоясига ўтиб кетадилар. Бу даврда у ҳаётининг энг таҳликали кунларини алам ва бедорлик билан суғорилган тунларини ўтказди. Кейинроқ ана шу оғир кунлар унинг рубойсида аламли кунларнинг ноласи сифатида дунё юзини кўради:

*Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар.
То даҳрдурур, будур анинг расмиким,
Ойриб кишини азиздин хор айлар.*

Ҳақиқатан ҳам, бу давр Бобур умрининг энг қора кунлари эди. Кичкинагина Андижон вилоятининг ҳам икки хонликка (Бобур билан укаси Жаҳонгирга) ажралиши ёш Бобур учун чинакам фожеа эди. “Бобурнома”да эслашича, умид ва илинж билан Тошкентга хон қошига юкуниб борганида ҳам Султон Маҳмудхондан “кўнгил жингудек шофий жавоб” кутмайди. Бундан ғоятда ранжиган Бобур алам билан ушбу рубойини хонга тақдим қилади:

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатга киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.*

*Кўнгулм бу ғариблиқта шода ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.*

Юқоридаги рубойлар Бобурнинг ички кечинмалари, руҳияти билан боғлиқ. Айрим рубойлар эса бевосита шоир ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ кетган тарихий ҳақиқатлардир.

Бобур маърифатпарвар шох сифатида ҳар доим олиму шоирларга алоҳида илтифот кўрсатар, раҳнамолик қилар эди. Самарқандни иккинчи марта эгаллаганида ўз замонасининг пешқадам шоирларидан бири бўлган Биноийнинг озроқ вақт Шайбонийхон хизматида бўлганидан хабардор бўлса ҳам, унинг истеъдодини кадрлаган Бобур саройга таклиф қилади ва шоирга илтифотлар кўрсатади. Шунда шоир ўз холининг забунлигидан шикоят қилиб форсий тилда “На ейишга ғаллам, на кийишга тўним бор. Бундай ҳолда илм ва хунарга қандай уринасан”, — мазмунида рубой ўқийди.

Шунда Бобур бадиҳагўйлик билан “Биргина туркий рубойий айтиб йибордим”, — дейди:

*Ишлар бори кўнгулдагидек бўлгусидир,
Инъому вазифа — бори буирлгусидур,
Ул ғаллаю муҳмалки, деб эрдинг бердим,
Муҳмалга бўю ғалладин уй тўлгусидир.*


Бобурнинг ўзи эътироф этишича, ўша вақтлар дунё ташвишлари ва турмуш машаққатлари билан банд бўлиб ижодга нисбатан кўнгил иши деб қарар эди.

“Ул фурсатларда бирор, иккирар байт айтар эдим. Вале ғазал тугатмайдур эдим. Биргина туркий рубойий айтиб йибордим”, — дейди. Шунга қарамасдан рубойий, биринчидан, Бобурнинг маърифатли, одил шох бўлганлигидан, иккинчидан, унинг ғоятда юқори истеъдодли шоир бўлганлигидан далолат беради.

Бобур — бекиёс истеъдод соҳиби. У ҳеч бир тайёргарликсиз, бадиҳагўйлик билан ҳам бадиий жиҳатдан юксак рубойийлар айтганлиги тарихдан маълум.

У Ҳиндистонни эгаллагандан кейин, айрим беклар бу ўлканинг иссиғига чидай олмай Хуросонга қайтишни истаб қолишади. Хўжа Калон исмли бек Бобурдан минг илтижолар билан руҳсат олиб Ғазнага қайтади. Қайтиши олдида уйи-

Boburning avtobiografik ruboiylari



нинг деворига форс тилида “Агар соғ-саломат Синддан ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам юзим қаро бўлсин”, — мазмунида байт ёзиб қолдиради. Бундан хабар топган Бобур ҳозиржавоблик билан “...бадиҳада бир рубоий айтиб, битиб юбордим” — дейди:

**Юз шукр де, Бобурки, карими Гаффор,
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Исиқлигига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг, Ғазна бор.**

Бобур Хожа Калонни ички бекларидан бири деб билиб, уни доимо ўз ёнида олиб юрган, Ҳиндистондан кетишига оқ кўнгиллик билан руҳсат бериб, Ғазна ҳокими қилиб тайинлаган бўлса-да, унинг кинғир қилмишидан каттиқ ранжиган эди.

Бобур ҳаёти билан боғлиқ яна бир рубоийда талмех санъатидан фойдаланиб ўз тақдирининг, ҳаётининг муҳим бир даврини поэтик ифодалайди.

**Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.**

Рубоийдаги “муқим эрмасмен” бирикмаси икки маънода, яъни Бобурнинг Кобулда муқим, доимий яшаб қолмаслигига ишора бўлса, иккинчи маъноси ўздан олдинги ҳоким номига ишорадир. Бобур Кобулга келгунча Муқим исмли киши Кобулга ҳоким бўлиб, юрт ободлиги, халқ фаровонлигини ўйламайдиган, хасис, беқарор кимса эди. Шу сабабли Бобур унга ўхшамаслигини, ўз олдига улуғ мақсадлар қўйган ҳукмдор эканлигига ишора қилган.

Бобурнинг тарқоқ рожалардан иборат Ҳиндистонни бирлаштириб, буюк ва қудратли давлат тузганлиги унинг тарих олдидидаги улкан хизматларидан биридир. Бобурнинг ўзи ҳам бу муқаддас вазифани амалга оширар экан, қонли урушлар олиб боришга мажбур эканлигини билар эди. Шу сабабли Рано Сангога қарши жангга киришар экан, барча ўзига қарам юртларга фармон юборди. Жангдаги ғалабадан сўнг шундай ёзади. “Бу фатҳдан сўнгра “туғро”да “ғозий” битилди. Фатҳномада туғронинг остида бу рубоийни битидим:

**Ислол учун оворай ёзий бўлдим,
Куффору хунуд ҳарбсозий бўлдум.
Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид бўлмоққа,
Алминатуллоҳи гозий бўлдим.**

Бобур каби ўз ҳаёти, руҳияти, ички изтироблари ҳақида кўп ёзган шоир адабиётимиз тарихида кам учрайди. Бобур ижодининг реализми яна шуниси билан ҳам қимматлики, у ўз ҳаётининг фарахли қунларини, муваффақиятлари ва ғалабаларини эътироф этиш билан чекланиб қолмай, мағлубиятлари, унинг сабаблари, шахсиятидаги қусурлари ҳамда камчиликларини ҳам рўй-рост ёзиб қолдирган. Бундай ҳол унинг рубоийларида ҳам ўз аксини топган. Амалга ошмаган орзу-умидлар, чархнинг кажрафторлиги, Ватан ҳажри, юрт соғинчи бир муддат Бобурдек мустаҳкам иродали, пок имонли чинакам мусулмон инсонни майга ружу қўйишга мажбур қилди. Лекин унинг иродаси, юксак орзуларга бурканган мустаҳкам эътиқоди шахсиятидаги бу беқарорликни енгиб, майпарастликни ташлайди:

**Май таркини қилгали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.**

Бобурдаги бу руҳий изтироблар “Бобурнома”да ҳам қайд қилинади: “... чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи баҳад ва гоят эди, андоғким, чоғир иштиёқидин борлар йиғламок сарҳадига етар эдим”.

Бобур рубоийларини автобиографик жанр талаблари нуктаи назаридан таҳлил қилар эканмиз, унинг бекиёс истеъдодли шоир, доно ва оқил ҳукмдор, беназир инсон эканлигига гувоҳ бўламиз. Унинг бутун ҳаёти, мақсади инсониятни эзгуликка чорлашга, улуғлашга қаратилганлиги, умуман, ҳаётга бўлган муносабати ва ҳулосаси шундай эди:

**Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур!
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур!
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.**

Аббос ТУРСУНҚУЛОВ,
Холжигит ХОЛМУРОДОВ,
ЖДПИ ўқитувчилари.



ЧАПАНИ АЁЛ

Ўтган йили – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз ҳукуратимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлишди. Шулардан бири – Ўзбек Давлат Миллий театри актрисаси Хосият Ҳусанова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланди.

Хосият Ҳусанова кинода, театрда, телевидениеда катта-кичик образларда, турли қиёфаларда тез-тез чиқиб туради. Унинг образлари баъзан шартаки, баъзан чапани, баъзан эркакшода, баъзан мунис ва меҳрибон аёллар қиёфасида бўлса ҳам, бу роллар ортида бир самимий, бир тоза қалб борлиги сезилиб туради. Бу аслият Хосият Ҳусанованинг ўзи. У билан суҳбатда бунга яна бир бор амин бўлдим.

— **Суҳбатимизни болалигингиздаги ёрқин хотиралар билан бошлаб берсангиз.**

— Ҳам меҳнат, ҳам роҳатда ўтган менинг болалигим. Андижон вилоятининг Жалолқудук туманидаги бир қишлоқ. Қишлоқ четида каттакон ариқ — болалигимнинг асосий гувоҳи ўша ариқ. Кунлар исиши билан ўша ариқ бизнинг манзил-мақонимиз бўларди. Сувга наҳанга ўхшаб ўзимизни “шалоп” этиб отардик, оқим бўйлаб бориб, бир жойдан калламит чиқарди. Оналаримиз излаб келишса, кўприкнинг остида ёки сувнинг ичида дамимизни ичимизга ютиб турардик. Мажнунтолнинг шохидан ушлаб, шўнғиб-шўнғиб кеч бўлганини, қорнимиз оч қолганини ёки баданларимиз сувдан оқариб-кўпчи кетганини сезиб қолсақкина чиқардик. Уйдаги ишларни шунақа ғайрат билан қилардимки, кўпроқ ўйинга вақтим қолсин деб, бир ҳафталик ишни бир кунда қилиб кўярдим. Ўғил боланинг иши, киз боланинг иши деб ўтирмай, ўтин ҳам ёрардим, ўт ҳам юлардим. Хамир қориб ҳам қўяверардим. Нон ёпишга ҳам қизиқардим. Онам, бўйинг тандирга етмайди, деб

рухсат бермасдилар. Бир куни онам хамир қоришни тайинлаб қайгадир кетдилар. Хамирни қориб, онам келгунларича ёпиб қўймоқчи бўлдим. Тандирни оқартирдим, нонни ясадим, ёпдим. Бир тандир нон битта қолмай тандирдан оқиб тушди. Шу пайт онам келиб қолдилар.

— **Қулоғингиздан чўзмадиларми?**

— Йўқ, онам хатоларимизни ётиги билан тушунтирадиган аёл. “Қани, нима қилдингиз, бир бошидан айтинг-чи?” дедилар. Айтдим. Хамиртуруш солиш эсимдан чиққан экан! Синфимизда саккизта киз эдик. Бирга юрар, бирга ўйнар, бирга дарс қилар, бирга чўмилардик. “Саккиз кизнинг сардори мен бўламан”, деб юрардик. Бир-биримизникига дарс қилгани борардик, ётиб қолардик.

Барибир, ўша даврларнинг гашти бошқача эди. Онам ёпган нонни олиб, ариққа ташлардик, орқасидан ўзимиз сузиб бориб, нонни тутиб олиб, сувини оқизиб маза қилиб ердик. Кўчалар тоза, озода бўлар, оқар сувни азиз билиб, ҳеч ким унга ахлат ташламасди.

— **Бу урфлар ҳозир ҳам сақланиб қолганми?**

— Худога шукур, ҳозир яна бошқа кадрятларимиз катори одамлар оқар сувни азиз билиб, бир-бирларини ҳам тергаб, ариқларнинг покизалигига эришишди. Ҳозир ҳам ота қишлоғимга борсам, ўша сув, ўша болалар... уларга қўшилиб кетгим келади...

— **Театр соҳасини қандай танлагансиз?**

— Ёшлигимдан ота-онам “артист қизим” деб эрқалатишарди. Уларнинг ўзларида катта истеъдод бор эди. Отам баралла қўшиқ айтиб иш қилиб юрардилар. Бир қўшиқ бошлаб қолсалар, жим туриб тинглардик. Онам ҳам пахта теримида аёллар билан лапарлар айтиб юрардилар. Мени артист дейишларими, артистликка қобилиятим бўлганми, ишқилиб, болалигимдан телевизорда катта-катта артистларни кўрсам, улар телевизорда яшайди, мен ҳам телевизорга кириб оламан, деб ўйлардим. Хуллас, телевизорда яшайдиган кунларга етдим.

— **Пойтахтга келишингиз, талабалик йилларингиз ҳақида ҳам гапириб беринг.**

— Энг хайратланарли воқеалардан бири — улуг

— Бу юрда инсон деган ном улуг. Меҳнатларимиз самараси ўлароқ эътиборга, рағбатга лойиқ бўлибмиз, етказганига шукур.



устозларимизни кўрганимда, ростдан шу одамни кўриб турибманми ёки ўхшаш кишимикан, деб ушлаб кўргиларим келган. Дарсларимиз, амалиётларимиз шу устозлар раҳнамолигида ўтди.

— **Илк бор сахнага чиққан пайтларингизда хаяжон босганими?**

— Ўқишни тугатиб, Андижон театрида фаолият бошладим. Ролларга бор меҳрим билан киришардим. Шунинг учунми, хаяжон сезилмасди. Уч йилдан сўнг Миллий театримизга ишга келдим. Айни ўша кунлари Сайёра Юнусова бола парвариши таътилига кетиб, “Афандининг беш хотини”даги Таманнони менга ишониб топширишди. Машқлар ҳам, тайёргарлик ҳам яхши ўтди. Шунақа киришиб кетдимки, икки ҳафтадан сўнг сахнага чиқдим. Атрофимда Яйра опам, Тўти опам, Рихси опам, Эркин Комилов, Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиевларни кўрдим. Саҳнанинг залворими, устозларнинг салобатими, юрагим гуп-гуп уриб, вужудимни титроқ босди. Бу хаяжон спектакл охиригача давом этди. Ҳозиргача ҳам шунчаки сахнага чиқмайман. Улуг устозларнинг қадамлари қолган бу даргоҳда.

— **Кўпгина ролларингизда синчков бўлиб совчиликда юрасиз, ҳаётда ҳам совчи бўлганмисиз?**

— Доим эмас, совчи хотинларни кўп ўйнаганим рост. Биласизми, уй эгасининг кўзи тушмаган бурчакка совчининг кўзи тушади. Ўзингиз ҳам билсангиз керак, биз аёллар борган жойимизни синчковлик билан текшириб чиқамиз. Совчини-ку қўяверинг. Тўғри, бир-иккита қўшниларимиз билан совчиликка ҳам борганман. Чикмас экан. Асосий иш қолиб, гап артистларга ўтиб кетган. Лекин умид билан эшик тақиллатганларнинг умиди сўнмасин. Умид билан иш бошлаганларнинг иши хайрли бўлсин. Умид билан тузилаётган оилалар бахтли бўлсин.

— **Ҳаётда ҳам тутса узидиган, шаддод аёлмисиз?**

— Шартакимасману, чапанилигим рост. Озодаликни яхши кўраман.

Шу пайт сўхбатимизга Хосият опанинг овсинлари кўшилиб қолдилар:

— Саранжом-саришталигингизни айтмайсизми, ҳам пазандалар, ҳам озодалар. Ширинсўз, жонқуяр оила бекаси...

— Мени мактайдилар-у, ҳамма ишни ўзлари қиладилар. (Учаламиз куламиз. Уларнинг самимийлиги овсинлардан кўра опа-сингилларни эслатади).

— **Келгусидаги орзуларингиз, режаларингиз...**

— Одамнинг орзулари поёнсиз бўлади. Режаларга келсак, “Чапани аёл” деган асар мен учун ёзиб тугатилди. Бадиий кўриқдан ўтди. Ҳозир бор хаёлим шунда. Саҳнага чикса, элга манзур бўлса... Яна режиссёр Зебо Наврўзова билан Иззат Султоннинг “Оилавий сир” асарининг кино варианты устида ишляпмиз.

— **Мухлисларингизга Сизнинг оилавий ҳаётингиз ҳам қизиқ.**

— Турмуш ўртоғим тadbиркор. Битта қизимиз бор. Саккизинчи синфда ўқийди. Омон бўлсин. Кўпчилик оилалар қатори тинч-ахил яшаймиз.

— **Мана, яқинда Сиз ҳукуратимизнинг юксак мукофотларидан — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлдингиз. Сизни ушбу унвон билан қутлайман!**

— Раҳмат. Мен ўзи даъвогар эмасман. Бирок театримиздан бирор актёр тақдирланса, бир жамоа бўлиб қутлаймиз. Шундай дақиқаларда шу актёрларга ҳаваз қилган жойларим бор. Амин бўлдимки, меҳнат рағбатсиз қолмас экан. Бу юрда инсон деган ном улуг. Меҳнатларимиз самараси ўлароқ эътиборга, рағбатга лойиқ бўлибмиз, етказганига шукур. Мана, Президентимизнинг фармонлари билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист бўлдим. Бу юксак унвон ўз орзуларини менда кўриб, “артист қизим”, деган ота-онамники, барча устозларимники, бутун жамоамизники.

— **Самимий сўхбатингиз учун раҳмат.**

Қизлархон сўхбатлашди

Абадият — барча замонларда мавжуд, аввал ҳам бўлган, кейин ҳам бўлади.

Илоҳ — абадий тирик, ўзи учун ўзи кифоя, барча неъматларни пайдо қилувчи ва ато этгучи зот.

Ибтидо — борлик, мавжудликнинг ўсиш, шаклланиш жараёни бошланиши.

Кўёш — самовий олов, фақат уни (Ердаги) мавжудотлар эрта тонгдан то кечки шуъласигача кўра оладилар. У — абадий жонли, фақат кундузи кўринадиган энг буюк юлдуз.

Вақт — кўёш ҳаракати, йўлининг мезони, ўлчови.

Тақдир — инсон учун боши ва охири номаълум йўл, само томонидан бошқариладиган ҳаёт.

Ел — ҳавонинг Ер атрофидаги ҳаракати.

Ҳаво — макондаги барча ҳаракатлари табиий бўлган унсур.

Жон — мавжудотларни ҳаракатга келтирувчи, ўзича ҳаракатланувчи қувват.

Салоҳият (ақлий ва руҳий) — қувват, ижод манбаи.

Кўриш — жисмларни бир-бирдан ажратиш қуввати.

Унсурлар — барча мураккаб нарсаларни бирлаштирувчи айирувчилар.

Фазл, фазилат — инсон руҳининг энг яхши ҳолати, одамнинг мактовли хислатлари, битмас-туганмас бойлик. Адолатли қонунларга бўйсунуш, ҳар қандай суҳбатнинг энг долзарб мавзуи, яхшилиққа элтувчи ҳолат.


Оқиллик — инсонга бахт-саодат келтирувчи ижодий салоҳият. Яхшилик нима, ёмонлик нима эканлигини билиш. Инсон руҳининг нималарни қилиш ва нималарни қилмаслик (мардона, савоб ишларни, ватан, халқ, оила учун наф келтирадиган ишларни қилиш, бахиллик, очкўзлик, таъмағирлик, поражўрлик, жабр-зулм, юлғичлик қилмаслик)ни билдирувчи ақлий қуввати.

Адолат — инсон руҳидаги турли қисмларнинг ўзаро мутаносиблиги, яхлит ҳолда руҳга таскин берувчи яхши ишлар. Меҳнатни, хизматни баҳолаш, ноз-неъматларни одамларнинг меҳнатига яраша тақсимлаш, ҳаммага тенг, бир хил кўз билан қараш, давлат бошқарувида, юқори мансабларга адолатли, ҳалол одамларни сайлаш (ёки тайинлаш) қобилияти, қонунларга итоатда ҳаёт кечириш, жамиятда фуқароларнинг (ҳуқуқда) тенглигини таъминлаш, тўғри қонунлар чиқариш (раҳбарларнинг ўзи ҳам унга итоат этиши).

Ақл-идрок (оқибатини ўйлаб иш қилиш) — одамнинг зарарли кўнгилхушлиқдан, айш-ишратдан ўзини тийиши, нафсини жиловлаши, табиий шодлик ва қайғуларда руҳнинг меъёри билиши, раҳбар учун вазминлик (ҳовликмаслик, хизматкор бўлса ўз қадрини ерга урмаслик, лаганбардор, хушомадгўй бўлиб кетмаслик), табиий яшаши, кўнгил хотиржамлиги, мантиқий фикрлаш билан қандай ишлар ажойиб, гўзал, қандай ишлар тубан, уятли эканлигини билиши ва шунга амал қилиб яшаши, эҳтиёткорлик (ўзига, ватанга, халқига зарар келтирувчи ишларга қўшилмаслик), тўғри йўлни танлаши.

Мардлик — руҳнинг (бало, офатлардан, душманлардан) қўрқмаслиги, ҳарбий ишда ботирлик, уруш қондаларини билиш, хавф-хатар туғилганида матонатли бўлиш, оқилона жасорат, ўлим яқинлашганда қўрқмаслик, хатардан сақланиш маҳорати, хавфни қамайтира олиш қуввати, шон-шарафли ишлар қилиш, қаҳрамонлик қуввати, руҳнинг даҳшатли фалокатлар олдида ўзини йўқотмай (руҳсизланмай), мардона туриши, ваҳимага берилмаслик, ҳарбий ишда моҳирлик, қонун ҳимоясида чидамлилиқ (қонунбузарларни қўрқмай жазолаш).

Сабот, матонат — бошга қайғу, қулфат тушганида чидамлилиқ, тўғри фикрлаш, ўз эътиқодини сабот билан ҳимоя қилиш.



ТА'РИФЛАР

АФЛОТУН

Кўнгли тўқлик — бойлик, фаровонлик насиб этса, кеккайиб кетмаслик, вазминлик. Бойликни оқилона, яхши ишларга сарфлаш.

Совуққонлик — 1. Адолатни ва эл-юрт манфаатини менсимаслик, битим ва келишувларни тез бажармаслик. 2. Гўзалликка ва уятли ишларга баҳо беришда кизишмаслик, эхтиросларга берилмаслик.

Сабр-бардош — гўзалликка, олий ғояларга — идеалларга садоқат йўлида ғам-қайғуга бардош бериш, эзгу мақсадларга етишув йўлида оғир меҳнат, машаққатларга чидаш.

Довюрраклик — хавф-хатардан қўрқмаслик. Хавф-хатар, мусибат келганида ўзини йўқотмаслик (саросимага тушмаслик, золимларга ҳақ сўзни айтиш — М.М.).

Беғамлик — ғам-қайғу келса ҳам парво қилмаслик қобилияти. (Гоҳ ижобий, гоҳ салбий маънода).

Меҳнатсеварлик — бошлаб қўйилган ишни охирига етказиш қобилияти, чидам-бардош билан ишлаш. Меҳнатдан кочмай, ҳалол ризк топиш.

Виждон (инсоф) — таъма, ғараз, юлғичликдан ихтиёрий воз кечиш. Адолатли, эзгуликни кўзлаб иш тутиш. Яхши маслаҳатларни ихтиёрий қабул қилиш. Ҳақли равишда айбланадиган ноҳақ ишларни қилмаслик (порахўрлик, таъмагирик, юлғичлик қилмаслик, бировларнинг ҳақиқага кўз олайтирмаслик, тухмат, ёлғон гувоҳлик бермаслик — М.М.).

Эркинлик — ўз ҳаётига эга бўлиш, мустақил, дахлсиз, ўз ихтиёри билан яшаш имконияти. Ўз мулкига эгалик қилишда ва ундан фойдаланишда бағри кенг, саховатли бўлиш (ҳеч кимга муте, қул бўлмаслик — М.М.).

Беғаразлик (софдиллик) — фойда, манфаат кўзлашда, мол-мулк топишда ҳаққонийлик, ҳалоллик (дўстликда, яхшилик қилишда ғаразли мақсадни кўзламаслик — М.М.).

Хушфеъллик, ювошлик — ҳеч кимга ноҳақдан жahl, қаҳр, ғазаб, қўполлик қилмаслик. Кўнгил хотиржамлиги, (Алишер Навоий буни ҳалимлик, хилм фазилати, дейди. Баъзилар янглишиб, мулойимликни қўрқокликка йўядилар — М.М.).

Камтаринлик — (жамоатда бойлик, мукофот, фойда) обрў талашмаслик, нарсаларнинг яхшисини дўстларга бўла қолсин, дейиш. Бадан парвари-

шида ортиқча ясан-тусанга, ялтирок кийимларга, (аёл учун ортиқча безакларга) берилмаслик. (Кибру ҳавога, манманликка, олифтагарчиликка берилмаслик, илм аҳлига, ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш, суҳбат, муомалада, хушфеъллик, вазминлик, босиқлик, аммо лаганбардорлик қилмаслик — М.М.).

Роҳат-фароғат — ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиб, яхши яшаш (алдов, талончилик билан эмас, эпикурчилар каби, илм-фан билан шугулланиб, ҳалол меҳнат билан яшаш — М.М.). Турли инсоний фазилатлар, ишда маҳорат, камолот касб этиб, ҳурмат-иззат кўриш. Тирик жонзодларнинг бир-бирига ва ўз-ўзига фойда етказиши.

Улуғворлик, виқор — юксак, ўзига хос фикрлашга (турли соҳаларда камолотга эришганликка) асосланган кадр-киммат топиш.

Зийраклик — кўнгилга ато қилинган иқтидор. Зийрак одам бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари маъносини тез англаб олади. Ақллилик, — зехн ўткирлиги (фаросат).

Поклик, тўғрилиқ — хулқ самимияти билан тўғри фикрлаш тарзининг қўшилувини. Инсон табиатининг тозаллиги.

Калокагатия — энг яхши, таҳсинли ҳолатни топиш қобилияти (юнонча калон — гўзаллик ва агатон — яхшилик сўзларидан — М.М.).

Бағридарёлик — ақл билан қўшилган кўнгил улуғлиги.

Инсонпарварлик — барча яхши одамларга хайрихоҳлик ва кийналган одамларга ҳамдардлик билан қараш. (Муҳтожларга, мазлумларга яхшилик қилиш қобилияти — М.М.).

Яхшилик, неъмат — бошқаларнинг фикрига боғлиқ бўлмаган, ўзича яхши ноз-неъмат.

Қўрқмаслик — довюрраклик.

Холислик — ҳис-ҳаяжонга берилмай, адолат ва ҳақиқат тарафида туриш.

Тинчликпарварлик — урушқок давлатларнинг сиёсатига қўшилмаслик, муаммоларни тинчлик билан ҳал этишга тайёрлик.

Топқирлик — мақсадга етишда оқилона йўл танлаш қобилияти.

Дўстлик — эзгу ва адолатли ишларда маслақдошлиқ, ҳамфикрлик. Ҳаёт йўлида ихтиёрий йўлдошлиқ. Мақсадни, йўлни эркин танлаш ва ҳаракат қилишда ҳамфикрлик. Яшаш тарзида ўхшашлик. Муомалада

хайрихоҳлик, яхши ишларда ва ҳаёт синовларида бирга бўлиш.

Олижаноблик, олийҳимматлик — юксак ахлоқий фазилат. Айтган яхши сўзига амал қилиш.

Танлов — синалган, тўғри йўлни топиш.

Хайрихоҳлик — одамнинг одамга дўст ва биродарлиги.

Бирдамлик — барча мавжудотларга ҳурмат билан қараш. Фикрлаш ва идрок этишда ҳамоҳанглик, ҳамфикрлик.

Севги — мукаммал иқдор. (Кенг, фалсафий маънода гўзалликни, табиатни, ҳаётни севиш. Шарқда илоҳий ишқ ва дунёвий ишқ фарқланади — М.М.).

Давлатни бошқариш санъати — эзгулик, яхшилик, ватанга фойда келтиришни билиш; адолатли давлат қуришда ижодкорлик қилиш.

Ўртоқчилик — тенгқурлар ўртасидаги дўстлик.

Яхшиликни ўйлаш — туғма фикрлаш қуввати.

Ишонч, эътиқод — ҳаёт ходисаларини ўз тасаввурича қабул қилиш, дунёқараш.

Ростгўйлик, ҳақгўйлик — ахлоқда самимият ва фалсафада холислик, яхшини тасдиқлаш ва ёмонни инкор қилиш. Ҳақиқатни билиб, фикрлаш.

Ирода — (муҳим ҳаётий истак, чидам, сабот, қатъият) тўғри фикрлаш асосида мақсадга интилиш.

Кенгаш, маслаҳат — бир одамнинг бошқа одамга ёки кўпчиликка қандайдир, иш тадбир бошлашидан аввал уни қандай амалга ошириш ҳақида тўғри йўлни кўрсатиши.

Эҳтиёткорлик — хавф-хатардан сақланиш, хавфсизликни таъминлаш чорасини кўриш (баъзилар хайрли, яхши ишларда ҳам ортиқча эҳтиёткорлик қилиши қўрқокликдир — М.М.).

Тартиб — бир-бирига алоқадор самовий жисмлар ёки мавжудотлар ҳаракатининг мутаносиблиги, ўзаро мувофиқлиги. Ўзаро алоқадор нарсаларнинг тартиб билан таъсир кўрсатиши ва таъсирланиши.

Дикқат, эътибор — руҳнинг билимга интилиши.

Иқтидор — ўқишда тез тушуниш, фанларни тез ўзлаштириш, туғма сифат ва фазилат.

Қонун — мамлакатда баҳсли, кийин ишларнинг ҳукумат томонидан ҳал этилиши.

Одил ҳакамлик — бирор иш

ҳаракат, қилмишнинг ноҳақ ёки адолатли эканлигини аниқлаш.

Қонунийлик — адолатли қонунларга итоат қилиш.

Яхши кайфият — одамнинг (ўзи учун, ватани, халқи учун) фойдали, хайрли иш қилганида хурсандлиги.

Шон-шараф — инсонга эзгу, шарафли ишлари учун келадиган раҳмат, неъмат. Уни инсон ўз фазилатлари сабабли топади. Мактов, улуғланиш.

Ғайрат — яхши ишларни (ўқиш, касб ўрганиш, ижодда) юксак чўққиларга етишга интилиш.

Меҳр-мурувват — ихтиёрий хайр-эҳсон. Яхшиликка яхшилик қайтариш (мухтожларга, илм ва ижод аҳлига ёрдам).

Ҳамжихатлик — давлатни бошқаришда ҳокимият ва жамоатчилик — фуқароларнинг ҳамфикрлиги (розиллиги).

Давлат — бир мамлакатдаги кўпчилик одамларнинг ватанни гулла-тиб-яшнатиш учун қонуний сайланган жамоаси, ҳамжамияти.

Зийраклик — келгусида эҳтимоли бўлган ишларга, воқеаларга тайёр туриш.

Кенгаш — бўлғувчи ишлар, воқеалар қандай кечишини муҳокама қилиш (уларни олдиндан тўғри йўлга солиш — М.М.).

Ғолиблик — курашда (жангда) рақибларни енгиш қуввати.

Фаҳм-фаросат — нарса, ҳаракатнинг мақсади, моҳиятини тез ва равшан тушуниб олиш қуввати.

Совға — ўзаро иззат-хурмат аломати.

Қулай фурсат — бирор неъмат, яхшилик келишининг қулай вақти.

Хотира — инсон руҳининг ўзидаги (ва тарихдаги) ҳақиқатларни ёдда сақлаш қуввати. Агар шулар ёдда сақланса, тарих тажрибаларидан замона учун фойдали хулосалар чиқариш мумкин. Ёдда сақланмаса, халқ яна бегона давлатларга қуллик асоратига тушиб қолиши мумкин.

Соғлом фикрлаш — (турли найранг, алдовлар аралашмаган, тоза) тўғри, равшан, аниқ фикрлаш.

Фикрлаш — билимлар асоси.

Муқаддас поклик — худога хуш келмайдиган, ғазабини келтирадиган гуноҳ ишлардан (жабр-зулм, алдов, зино, порахўрлик, юлғичлик, таъмагирлик, такаббурлик, очкўзликдан) сақланиш. Худо буюрганидай, пок, ҳалол яшаш.

Башорат — муаммони ҳал этиш учун нима қилиш кераклигини исботсиз, аввалдан билдирадиган билимлар.

Донишмандлик — абадий ҳақиқатларни, мавжудотларнинг келиб

чиқиши ва яшашининг сабабларини ақлан билиш (Арасту, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн Арабий ақлан ва қалбан, руҳан билиш, дейдилар — М.М.).

Фалсафа — оламнинг сирларини, муаммоларини билишга чанқоқлик. Ҳақиқат нимада эканлигини мушоҳада қилиш, руҳнинг тўғри фикрлаш асосида ҳақиқатни билишга интилиши (юнонча философия “Софликни севиш” сўзидан).

Билим — Оддий фикрлаш билан тушуниш қийин нарсаларни руҳ, қалб билан идрок этиш. Ҳақиқий фикрлаш, инсон ақлий ҳаётида мустаҳкамланган ҳукм, хулоса.

Фикр — нарса-ходисалар ҳақида гоҳ тўғри, ҳақиқий, гоҳ нотўғри тасаввур берувчи ҳукм, хулоса (ёки шуларга элтувчи тушунчалар).

Ҳиссийёт, севгилар — руҳ интилиши ва ақл ҳаракати. Вужуд сезгилари (кўриш, эшитиш, таъм, ҳид билиш...) воситасида олам манзараларини ва ходисаларини идрок этиш, тушуниш. Ақлга сиғмас нарсаларни ҳам билиш қуввати.

Маҳкам МАҲМУД
таржимаси



Довулларга кўкрак кериб

Mustaqillik yillarida



bolalar dramaturgiyasi

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиши, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиши керак бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Республикамызда бугунги кунда ёшлар ва ўсмирлар учун бир қанча театр жамоалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Булардан Ў.Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон Ёшлари театри, А.Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театри ҳамда Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театри жамоаларидир.

Мустақиллик йилларида кўпгина театр жамоалари, ижодий янгиланиш даврини бошидан кечирди. Бу борада Ў.Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри жамоаси ҳам янгилик сари интилиб, ижодий изланишлар йўлида катта муваффақиятларга эришди, десак муболаға эмас.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, адабиёт ва театр санъатига эътибор янада кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил 26 мартда эълон қилинган “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони фикримизнинг ёрқин далилидир. 1993 йили Республика ёш томошабинлар театри жамоасига таниқли режиссёр О.Салимов бадий раҳбар этиб тайинланган кундан бошлаб, энг аввало репертуар масаласига, бадий жиҳатдан пишик асарларни саҳналаштиришга эътиборини қаратди. Сўнгра иктидорли ёшларни ўз атрофига жамлади. Репертуарни ўзбек драматургларининг асарлари билан бо-йитибгина қолмай, жаҳон мумтоз адабиёти намуналари билан ҳам таъминлашга бел боғлади.

Албатта, бундай вазифани бажариш, томошабинлар ёш хусусиятига қараб асарлар яратишнинг ўзи бўлмасди. Режиссёр бу борада жуда катта меҳнат қилишига, изланишига тўғри келди. Бундай мураккаб ижодий вазифани муносиб бажара оладиган ёш ижодкорларни атрофига йиғди, тарбиялади. Улар ўзларининг маҳоратларини нафақат юртимизда, балки Германияда, Мисрда, Марказий Осиёнинг

кўпгина шаҳарларида ўтказилган ўнлаб халқаро театр фестивалларида намоён қилдилар.

Театр репертуарида кичик томошабинларга мўлжалланган томошалар салмоқли ўринни эгаллайди. «Карра-карра», «Жўжаларим», «Сирли сандиқ», «Осмондан танга ёққан кун», «Сехрли дур», «Оловуддиннинг сехрли чироғи», «Қоринботир», «Наврўзой ва Бойчечак», «Чоқ-чоқ, мактанчок», «Виждон кўшиғи», «Чўп кўғирчоқ», «Қувнок жин», «Жону дилим пишлоқ», «Борса-келмас», «Орзулар кемаси» каби спектакллар шулар жумласидандир. Шу билан бирга ўсмир ёшлар учун ҳам қатор асарлар саҳналаштирилди. Булардан Т.Маликнинг «Заҳарли томчилар», Ш.Ризаевнинг «Дискотека», асарлари бўлса, катта ёшдагилар учун жаҳон адибларининг “Икки мўъжиза”, «Турна патлари» “Боз масхарабоз” сингари фалсафий асарлари ўрин олди.

Мустақиллик йилларида ушбу театр саҳнасида бир қатор ўзбек драматургларининг асарлари ҳам саҳна юзини кўрдик, буни драматургия соҳасида силжиш дейиш мумкин. Мисол тариқасида таниқли олим ва драматург Шуҳрат Ризаевнинг “Дискотека” асари, атоқли адиб Тоҳир Маликнинг “Алвидо болалик” қиссаси асосида саҳналаштирилган “Заҳарли томчилар” асарларини келтириш мумкин. Ушбу асарлар ўсмир ёшлар учун мўлжалланган бўлиб, бу асарларда долзарб муаммолар қўндаланг қилиб кўйилади. Энг асосийси, бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, бунда балоғат ёшида турган, катта ҳаётга қадам қўяётган ўсмирлар ўзларининг тенгдошларини саҳнада кўрадилар. Ҳар иккала асар ўсмир ёшларни фикр ва рух тарбиясига чорлайди. “Дискотека” асари ёшларнинг ўз ҳаётини, тақдири ва келажагини ўзлари ҳал қилишга, мустақил фикрлашга, жамиятда ўз ўринларига эга бўлишга ундайди. Бу асарларнинг ғоявий мазмуни чуқур.

Шунингдек, театр саҳнасида яна бир янги асар – ёзувчи Т.Муроднинг «От

кишнаган оқшом» ва «Ойдинда юрган одамлар» деб номланган икки қиссаси асосида яқин тарихимиз акс этган, мураккаб ечимли «От йиғлаган томонда» спектакли яратилдики, бу авваломбор, театрнинг ўзи учун, қолаверса, томошабин учун катта янгилик бўлди. Томошабин тарих ва ҳаёт жумбоқлари устида чуқурроқ фикрлашга ундовчи бу асар режиссёр О.Салимовнинг ижодий манифести сифатида янгради. Бундан ташқари у маърифатпарвар А.Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?” асарига мурожаат қилиб, уни янги талқинда саҳнага олиб чиқди. Асарда миллий рух яққол кўзга ташланади. Унда миллат равнақи, миллат маърифати, унинг эртанги кунни қаламга олинар экан, ўзбек миллатининг келажагини, истиқболини ёзувчи маърифатли, юксак даражада билимли кўришни ис-тайди. Асарни жиддий комедия сифатида саҳнага олиб чиқар экан, илмсизлик ёшларни нималарга олиб келишини, илмсизлик, жаҳолат миллатнинг буюк бир фожияси эканини уқтиради.

Ушбу асарлар ўсмир ёшлар учун мўлжалланган бўлиб, томошабинларга саҳнадан туриб зарур гапни айта олиш лозимлигини режиссёр биринчи ўринга қўяди.

Зеро, ёш томошабинларни тарбиялашда, эстетик дидини шаклланишида, қалбида ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини синдиришда, қолаверса, миллий ғоя ва миллий истиқлол, миллий кадрият ва анъаналар каби тушунчаларнинг пайдо бўлишида саҳнага олиб чиқилаётган асарларнинг аҳамияти ва ўрни беқиёс эканини унутмаслик лозим. Бу борада адабиёт намоёндалари, драматурглар болалар учун бадий жиҳатдан пухта, мазмунан теран, бугунги кун ёшларига мос бўлган замонавий мавзулардаги асарларни яратишга бел боғлашлари ниҳоятда муҳимдир.

*Матлуба МАҲКАМОВА,
тадқиқотчи*

Тўй — инсон умрининг энг гўзал лаҳзалари. Бир оила бунёд бўлиши учун, уларнинг шодлигига гувоҳ бўлиш учун яқинлар, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, ҳамкасблар таклиф қилинади. Шодлик чинакам шодиёна бўлсин учун санъаткорлар чақирилиб, дастурхон ёзилади. Тўйларда турли урфлар, маросимлар ўтказилади. Айнан шу маросимларни кўриш учун ҳам қиз узатишга, кўв қузатишга одамлар йиғилишади. “Фалон қиз умуман йиғламади. Биз кўвникигача йиглаб кетганмиз”, деб гапириб ҳам юришади. Гапиришади!!! Халқимиз эса жуда ориятли. Гапиришларидан қочиб, тўкиб-сочишади. Гапиришлари учун тўкиб-сочишади. Мана, гап қаерда.



ТО‘ХТАНГ, ҚУДА!

“Ўнта қўй нима бўларди?!” Бу қиёфа бугун замонавий кўринишда акс этган: “Қирқта тоғора нима бўларди”? Тўғри, бироз муболағали гап бу. Бироқ... минг марта айтилаётган, ёзилаётган бўлса ҳам, айтадиган гаплар кўп. Журналимизнинг ўтган сонидан Луқмон Бўрихоннинг “Қизи борнинг қарзи борми?” деб номланган мақоласини ўқиб чиқдим. Шу мақола туфайли дилимдаги баъзи гапларни ўртоқлашгим келди. Ёзувчи тўйлардаги кўза кўринган катта-катта гаплар ҳақида ёзган. Бироқ ичкарида, аёллар ўртасида шунчалик кўп тўй олди ва тўй билан боғлиқ “маросим”лар борки, улар ҳақида ҳам ёзишни маъқул топдим.

Тўйга борасиз, ўша-ўша маълум сценарий бўйича такрор. Келин-куёв келди. Карнай-сурнай, келин янга, кўвжўранинг табриги, мусиқа, ора-сира кимлардир гапиришади. Кейин онажонлар. Ҳа, онажонлар. Чунки бошловчи айнан шундай чақиради. Умрида ўз онасини “онажон” деганми-йўқми, “Даврага фалончи онажон билан фалончи онажонимизни таклиф қиламиз”, деб бошлади. Ялтоқланишлар, пул ундириш умидида айтилаётган гап-сўзлардан одамнинг энсаси қотади.

Баъзан шундай янги-янги урфлар пайдо бўлаётганини эшитиб, ёқа ушлайсиз. “Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр”, деган гап бор. Сеп ёйиш ҳам алоҳида маросимга айланиб, тоғоралар алмашилиб, ортидан майда гаплар кўпайиб бормоқда. Нима эмиш: “Биз олдиндан айтган бўлсак, сеп ёйишга қудалар келишини била туриб,

ўзимизнинг тоғораларимиздаги нарсаларни қўйди. Бир коса иссиқ овқат қилиб қўймайдими, тоғораларимиз ҳам қуруқ қайтди...” Ўзи тўртта одам тўртта тоғора кўтариб боришган бўлса. Тўрт тоғора ноз-неъмат неча кишини боқади! Аёллар бош бўлиб тоғоралар, патнислар айрибошлаш, сарпо алмашувлар шунақа авж олдики, энди тўйларда янграётган “Олинг, қуда-беринг, қуда, обрўйимиз кетмасин...” деб янграётган қўшиқ “Тўхтанг, қуда!” деб тўхтатиш вақти келди.

Яқинда қўшним нолиб қолди. Қайинсинглиси қиз узатаётган экан. Қизнинг мебелини олишни акаларига юклабди. Ака бечоранинг ҳам учта бўй етган фарзанди бор. Ўзи ким чиқарган қиз томондан кўвнинг уйи тўлдирилиши керак, деган удумни?!

Бир мисол айтай. Тошкентдаги узоқ қариндошимникига кўп борар эдим. Катта ўғли яхши кўрган қизига тезроқ уйланаман деб хараша қилавергач, тўй бошлашди. Қарз олиш, арзон тўйхона ахтариш ишлари бошланиб кетди. Қарзлар кўпайиб кетгани сабабли кичик ўғил шартнома ассосидаги ўқишидан воз кечди.

У-у-узун машиналар, патнис ясатиб улашишлар, уй ясатишлар бошланиб кетди. Қиз тараф анчайин “Ўзига тўқ” экан. Бу ҳол тўйдан кейин ҳам ҳаётда ўз аксини кўрсата бошлади. Келин ўзи учун ажратилган хоналарга аввал ёш болаларни, кейин бошқаларни ҳам киритмай қўйди. Ота-онасининг қилган жиҳозлари уриниб қолармиш. Хул-

лас, майда-чуйда гап кўпайди.

Ўқишдан воз кечган кичик ўғил ишлаб, оиланинг қарзини тўлашди. Уйланаётганида ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймади. “Кўрпага қараб оёқ узатди”. Келин томонга уй жиҳозларини қурби етганича ўзи олишини, рўзгорнинг кам-кўстини ўзи тўғрилашини олдиндан айтиб қўйди. Бу қуда томонга унча ёқмаса ҳам ортиқча орзу-ҳавасларсиз тўй бўлиб ўтди. Қиз тарафдан келган йўқловларни ҳам қудаларнинг кўнглига тегмайдиган қилиб қайтариб юборди. Қайта йўқлов ҳам келмади, яхши-ёмон гап-сўзлар ҳам бўлмади.

Шундай деймиз-у, келин тараф “юпқа”роқ жой бўлса ҳам қуда тарафдан низолар чиқиб, қўйди-чиқди бўлаётган ҳоллар ҳам кўп. Азиз оналар, кўвтўралар, ғурурингизни баланд қилинг, Сизга бировнинг матоҳидан нима наф? Қўни-қўшни бир кун гапирар, ўн кун гапирар, охири гапирмай қўяр. Муҳими — БАХТ. Хўжакўрсинга қилинаётган мол-мулклар ҳеч нарса бермайди инсонга.

Меҳринисо Қурбонова (“Беккажон” газетаси ходими): *Бизга жуда кўп кўнгироқлар бўлади, хатлар келади. Тўйлар ҳақида ёзганимиздан сўнг яна ёзиладиган гаплар кўпайди. Бир йиғит кўнгироқ қилиб: “Келин томоннинг матоҳлари керакмас менга, яхшимми-ёмонми ўзимнинг жиҳозларим билан уй тўлдираман. Ота-онамни ҳам шунга кўндирдим. Биз ўзбекмиз деймиз, келин томонга уйни бўшатиб, тўлдириб беринглар деб ўтирсак, беклигимиз қаерда қолади”, деди. Хурсанд*

бўлди. Битта-битта ўзгариш ҳам катта ганда ахир.

Яқинда бир жойда ўқиб қолдим. Япон келин-куёвлар тўйда ўзларига керакли буюмларни рўйхат қилиб қўйишаркан. Тўйга келганлар қурби етганича рўйхатдан бирор буюмни ёш оилага совға қиларкан.

Зумрад Ваҳובה (“Ислон нури” газетаси ходими): Яқинда Марғилонга борсам, тўйдан олдин қиз тараф куёв ва куёвжўраларга зиёфат жўнатиши урф бўлганини айтишди. Куёвжўраларнинг сонига қараб, сигарет ва зажигалкалар ҳам қўйишаркан. Бу нима дегани, бўлгуси куёвимиз кашанда бўлсин деганими? Тўғри, буни ҳамма оилалар ҳам қилавермайди. Бироқ одатнинг урфга айланиши тезлашиб кетади-да.

Қизни узатиб, тинчиган ота-она энди бешик ҳаракатига тушишади. Бешикдан олдин эса... Ота бўлган куёвтўра қайнона-қайнотага суюнчига келаркан. Қизининг эсон-омон қутулиб олганини эшитган она қиз бўлса эллик доллар, ўғил бўлса юз доллар суюнчи бераркан. Биласиз, биз томонда кўпчилик хунарманд. Дўпти тикиб, маҳси тикиб, адас тўқиб, пулини “қўк”ка айлантириб, куёвни қутушади. Куёвнинг онасидан кўни-қўшилар қудаларнинг ҳимматини сўрашга чиқишади. Бу одат ҳам ёппасига урф бўлмаган бўлса-да, “кўпчилик шундай қиларкан” қабилда урчиб кетяпти...

Шу фикрларни тингларканман, яқинда бир тўйда гувоҳ бўлган воқеа эсимга тушди. Тўйнинг авжида онажонлар даврага таклиф қилинди. Куёвнинг онаси фарзандларига эзгу тилаklarини айта туриб

қудасига: “Янаги йил шу пайтларда “Алла болам”ларни чалдириб бешик олиб келинг, мен қабул қилиб олай”, деди. Нега бешикни қуда олиб келаркан? Ахир, туғилажак бола Сизнинг ҳам набирангиз-ку! Нега... Бу саволларнинг кети узилмайди. Чунки бешик тўйлари ҳам, чаллари, ақиқалар ҳам қолипдан чиқиб кетяпти. Қиз узатиб, қарзга ботиб юрганлар кўп.

Самарқанд тарафларда эса фотиҳа тўйи (нон синдириш) алоҳида маросим сифатида ўтказилиб, бу тадбир ҳам тўйхоналарга кўчиб, катталашиб боряпти. Тўйларда эса “раққоса”ларнинг чиқишларини халқ орасида “пахта терим машиналари” дейишаркан. Улар столмаларга айланиб, бир-бир хиром қилиб, пул териб чиқишаркан.

Элга таниқли бўлган хонанда, актёрлар тўйларининг дисклари бозорларда пайдо бўлиб, буларни кўрган оддий халқ тўйларини гала-концертга айлантира бошлашди. Хайриятки, “Ўзбекнаво” деган катта ташкилотнинг саъй-ҳаракатлари боис, бу дисклар сотувдан олиб қўйилди.

Бир куни бозордан қайтаётсак, ёмғирли кунда бир аёл қизи билан машинага чиқди. Оёғида ёзлик шиппак. Дазмол столи ва ошхона комбайни олибди. Опани гапга солдим. Узатган қизининг ҳайитига йўғинаётган экан. Атайлаб: “Сизга нима азоб, қайнонаси олиб берсин, ўзлари ишлаб олсин. Бу ёғи яна қизингиз бор экан”, дедим. Узун уҳ тортиб: “Нима қилайлик, болачакам деб яшаймиз-да”, дейди.



Тўғри, бола-чакам деб яшаймиз. Лекин уларга тўкин рўзғор қилиб бериб, ўзимиз юпун қолиш эвазига эмасдир.

Халқимиз “Топганинг тўйга буюрсин” деб дуо қилишни яхши кўришади. Бу гапнинг моҳияти яхши кунларинг кўп бўлсин, дегани. Фақат тўй учун тўплаб, тўй учун сарфла, дегани эмас, бу. Фарзандларимиз учун уйлар қилайлик, ўқитайлик, ўзимиз ҳам яхши яшайлик ва қилган тўйимиз ҳам татисин.

Президентимиз жорий йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилдилар. Бу ташаббуснинг моҳияти катта. Янги барпо бўлаётган оилалар, умуман, оилалар мустаҳкам бўлсин! Оилаларнинг мустаҳкамлиги жамият ривожининг асосидир. Умид билан бошланаётган ишларнинг охири хайрли бўлсин.

Манзура ШАМСИЕВА

Қиш мусикаси



Osiyo futbol konfederatsiyasi
Osiyoning ikki karra eng yaxsi



Yilning eng yaxshi o'yinchisi nominatsiyasida kurash
orasida uchinchi o'rinni Aleksandr Geynrix 116 ochko
Osiyoning eng yaxshi futbolchisi nominatsiyasining g
Yilning eng yaxshi futbolchisi nominatsiyasida g'ol
yarim himoyachisi Odil Ahmedovga nasib etdi.



Yilning eng yaxshi FUTBOLCHISI

tomonidan Server Jeparov
o'yinchi o'yinchisi deb tan olindi.

sh raqobatsiz kechdi. Jami 21 futbolchi
o'z bilan egalladi. Ikkinchi o'rin esa
o'z o'limi Jeparov.
Majlislik Maxachqal'aning «Anji» klubi



**Метиндек қабарган бармоқ зарбидан
Ларзага келганди саҳнаю башар,
Чақмоқдек чақнаган олов доира
Қаҳрамон қўлида сеҳр яратар.**

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, бир неча орден ва медаллар соҳиби Қаҳрамон Дадаев 1936 йил 15 декабрда Тошкент шаҳрининг Эскижўва маҳалласида дунёга келди. Уларнинг маҳалладошлари — халқ хофиси Жўраҳон Султонов, Ашурали ака, танбурчи Жўра ака сингари кишилар элга танилган санъат усталари эдилар. Ҳар гал маҳалланинг чойхонасидан ўтиб кетаётганда устоз санъаткорлар гурунгини тинглаб, чин дилдан санъат оламига ғарқ бўла боради. Қаҳрамоннинг қизиқшини биринчилардан пайкаган оиланинг яқин дўсти, санъат саройида ёшлар етакчиси Муҳаббат опа бўлди. Муҳаббат опа кичкина Қаҳрамонни санъат саройи қошида ташкил қилинган доирачилар гуруҳи раҳбари Тўйчи Иноғомов қўлларига олиб боради. Қўлидан доирани қўймай, завқ билан машқ қилаётган фарзандини кўриб отаси Қосим ака шодланади. Устоздан ўғли ҳақидаги фикрини билиш учун Тўйчи акага юзланди. Шогирди ҳақида устоз “Қаҳрамоннинг исми ҳам ўзига монанд, худо хоҳласа бир куни отилиб чиқади”, дейди.

Чиндан ҳам Қаҳрамон доирага шунчаки хавас билан қармади. Уни мукаммал ўзлаштириш учун тинмай изланди, маҳоратини бойитди. Шу билан биргаликда Глиэр номидаги мусика мактабини тугаллади. Тиниб-тинчимас болақай йиллар ўтиб, устозининг фикрини тўла ишотлади. Эндликда Қаҳрамон ака илк саҳнага кадам қўйган даврини эс-

лаб “Ҳақиқатан ҳам, мен доиранинг ажралмас дўстига айлангандим. Тинмай машқлар қилар, доира зарбидан қўлларим қабарган сари, таралаётган садолардан янада илҳомланардим”, дейди.

Шогирдининг услуби аниқлашаётганини, истеъдодининг тобора ўткирлашаётганини кузатган устоз, албатта, бу болага алоҳида эътибор кераклигини сезади ва уни Хореография билим юртига олиб боради. У аста-секин катта саҳналарда кўрина бошлайди. Бинобарин, Навоий театрининг “Гулсара” спектаклидаги М.Турғунбоева ижро этган Гулсара рақсиди Р.Исоҳўжаевга доира жўрлигида ҳамоханг бўлди.

1955 йили Польшадаги ёшлар фестивалига 5 рақоса ва Қаҳрамон ака Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари сифатида юборилдилар ва ишончли оқлаб қайтадилар. 1957 йили сараланган бир гуруҳ ижодкорлар Бутундунё фестивал совриндорига айланадилар. Созандалар танловининг ғолиблари Ф.Харратов, Клара Жалилова, А. Бобохонов, М.Тоиров, ва Қ.Дадаев лауреат деб топиладилар. Ўшанда Мукаррама Турғунбоева уларнинг ҳаммасини “Баҳор” ансамблига ишга қабул қилади. Ансамблда доирачилар бир нечта эди. Аммо ёш, меҳнатқаш, жисмонан бақувват, эпчил йигит ансамбл доирачилари ичида “Баҳор”нинг ҳақиқий қаҳрамонига айланади.

Тез орада у яққохон рақосаларнинг доирачисига, бора-бора серғайрат ижодкор Мукаррама Турғунбоеванинг шахсий доирачи-



Доирада Ўзбекистонда Халқ артисти Қаҳрамон Дадаев, рақсда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мухтабар Йўлдошева

Istiqbol va dizayn

сига айланади. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, Мукаррама опа бир концертда 8, 10 та рақсни Қахрамон ака жўрлигида ижро этганлар. Яккагон раққосалар менга ҳам Қахрамон ака доира чертсинлар, дейишар эди. Қ.Дадаевнинг доираси жўрлигида хиром айлаш “Баҳор”нинг кизлари учун фахр эди.

Қахрамон Дадаев бир, икки, учталаб доира жўрлигида ҳам ўзи яратган ижод композициясини мухлислар ҳукмига ҳавола этадиган даражага кўтарилди. Швециянинг ёруғ, катта, мухташам, биноларининг бирида “Баҳор”нинг навбатдаги концерти, ҳар бир рақслар номери гулдурас қарсақлар остида қабул қилинмоқда. “Навбат менга етганида қўлимда учта доира билан чиққанимдаёқ мухлисларнинг қарсағи мени янада илҳомлантирди. Ижодий номеримни бошлаб юбордим. Бир доирадан кейин янги доира билан маҳоратимни кўрсата бошладим. Маромига етаётган маҳал учинчи доирамни сахна четига чархпалак бўлиб айланиб келиши учун бор кучим билан ғилдирагиб юбордим. Ва яна иккинчи доирада чертишда давом этдим. Ҳали чертаман, ҳали чертаман учинчи доирадан дарак йўқ. Ўзимча аниқ сахна четига думалаб кетган, деб турганимда мухлислар ўрнидан туриб қарсақ чала бошлади. Қарасам, учинчи дўстим катта сахнани айланиб келиб, ёнимда турибди”, деб эслайди Қахрамон Дадаев.

У “Баҳор” ансамбли билан ярим сайёрани айланган бўлса, ўзи солист сифатида бутун дунёни айланиб чиққанлиги аниқ. Ҳозирда Қахрамон Дадаевнинг шогирдларининг сон-саноғи йўқ. Эл хизматидан толиқмаган ўз санъатини севадиган Қахрамон ака дўстларига елкадош, меҳр-оқибатли. Шодон оилада икки қиз, икки ўғилни вояга етказиб, элга кўшдилар. Етти набирага бобожон бўлиб, она юртни, қадрдон маконни улуглашни ўргатиб келмоқдалар.

*Ўғиллой МУҲАММЕДОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист*

Биз шундай жамиятда яшамоқдамизки, инсонни ўраб турган яшаш муҳитининг барча элементларини эстетик сифатларига функционал қўйиладиган сифатлар билан баробар даражада талаблар қўйилмоқда.

Илмий-техник тараққиёт натижасида янгидан-янги буюмлар, жисмлар ихтиро қилиниб, инсонлар фойдаланадиган буюмлар ҳажми тобора ортиб бормоқда. Шу туфайли уларнинг эстетик сифати — дизайн муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақилликдан йилларида дизайнерлар, рассомлар ва архитекторлардан инсоннинг уни ўраб турган муҳит, жисмларга бўлган турли хоҳишлари эътиборга олиниб, дизайннинг ривожланишига давлат миқёсида катта йўл очилди ва имкониятлар яратилди.

Республикамиз дизайнерлари, рассомлари ва архитекторлари ватанимиз дизайнни ривожлантириш мақсадида шу пайтгача дизайнда шаклланган турли усулларга мурожаат этмоқдалар. Миллий, амалий санъатимиз ва хунармандчилигимизнинг бой меросларини чуқурроқ ўрганиш билан бир қаторда Ўзбекистон дизайннинг ўзига хос ривожланиш йўналишини топишга ҳаракат қилмоқдалар.

Жамиятимизда содир бўлаётган хайрли ўзгаришлар натижаси ўлароқ янги-янги ташкил қилинётган мактаб, коллеж, устахоналарда таҳсил олаётган ёшларнинг эстетик тарбиясига катта эътибор билан қаралмоқда. Инсон ижодий фаоллиги, ҳар томонлама камол топишининг муҳим асосларидан бири — унинг эстетик тўлақонлигидир. Инсон жисм ва нарсалар қуршовида яшайди. Ранг-баранг нарсалар ва жисмлар дунёси борликка гўзаллик, нафосат қонуни орқали қарашга ундайди. Бу ўз ўрнида меҳнат маданияти, дам олиш ва маданий хордик чиқариш шароитини шакллантиришни тақозо этади.

Бозор иктисодининг шаклланиши юксак эстетик камолотини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни гўзал ва сифатли бўлишини талаб қилади. Бозор иктисоди шароитида маҳсулот инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришга қодир, биринчи навбатда, харидорларнинг дид ва талабларини қондира оладиган гўзал, бежирим, ишлатишга қулай рақобатбардош бўлмоғи шарт.

Сўзсиз, Ўзбекистон ҳам шу умумривож йўлидан бормоқда. Бу вазифани амалга ошириш мосламаларни лойиҳаловчи дизайнерлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариладиган маҳсулотни лойиҳаловчи дизайнерлар ҳамкорлигида муҳокама қилмасдан тасаввур қилиш қийин. Маҳсулотларнинг ранги, ҳажми, кўриниши фойдаланишга қулайлиги харидорнинг эътиборидан четда қолмаслигини ҳисобга олсак, дизайн соҳаси бугунги кунда ўта долзарблиги аён бўлади.

Сўнгги йилларда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга бирмунча қулай шароитлар яратилиши туфайли илмий текшириш, рассомлик, лойиҳалаш ишлари яхши йўлга қўйилмоқда. Дизайнерлик ишлари муштарак даражада ривожланмоқда.

Гўзаллик ва қулайлик, эстетик бежиримлик бадий лойиҳалашнинг етакчи ижодий ақидасидир. Дизайнер саноат ишлаб чиқаришининг эстетик қонуниятларига таянган ҳолда эътиборни ўзига жалб қиладиган аниқ бир бадий шаклни яратади. Шу туфайли эстетик сифат буюмнинг асл моҳиятига айланади ва дизайнер ижодининг янги-янги жозибали хусусият ва кирраларини аниқ бир шаклларда намоён қилади. Фақат шундагина буюмни бежирим ва гўзал деб баҳолаш мумкин бўлади.

Дизайнер-конструкторларнинг ҳаётда кенг қўламли ва бой фаолият манбааларини оча билиши, унга ишлаб чиқаришнинг чегараланган имкониятларини бартараф этишга имкон беради.

Бадий лойиҳалашнинг моҳияти ва вазифаларини яхши англашлари билан бирга унга боғлиқ бўлган амалий ишларни ҳам ўзлаштирмоқлари лозим. Муҳандис-лойиҳачилар, технолог дизайнер-лойиҳачи мутахассислиги ривожланиб бормоқда. Бадий лойиҳалаш буюмлар яратишдангина иборат эмас, ишлаб чиқарувчи буюмлар яратар экан, у буюмга ўзига хос нафосат битиб, унда инсоний қадриятларни шакллантиради ва инсонга шу буюмлар орасида яшашга муҳит яратади, буюмларга нисбатан муносабатни шакллантиради ва бу орқали одамларда, жамиятга, меҳнатга муносабат уйғотади. Бадий лойиҳалашнинг муҳим маънавий, руҳий ва тарбиявий аҳамияти, унинг жамиятда тугган маданий ўрни ҳам шундадир.

*Дилнавоз АБДИЕВА,
Республика рассомчилиги ва
дизайн коллежи талабаси*

Кки каватли уйдек улкан қафасда йирткич паррандалар яшарди. Улар шу атрофдаги ўралашиб юрган одамлар, қовжираган япроқлари чанг қоплаган дарахтлар, туссиз осмондан кўзларини узмай, тош қоянинг искирт дўнгалагида ўтиришар ва соатлаб мудрашар эди. Хира кўзларида узок ўтмиш манзаралари: ғамгин қоялар, тубсиз жарликлар, бўронларда майишган баҳайбат дарахтлар, паст булутлар, чексиз, кўм-кўк осмон адабий нақшланиб қолгандек...

Фақат қизғиш патларини ҳурпайтириб олган калхатлар эринибгина ерда юрар ва нарироқдаги ховузда сузаётган ўзларидек тутқун ўрдаклар, ғозлар, окқушларга қараб ваҳшиёна чинкириб қўйишарди.

Бу тутқун паррандалар узок йиллардан буён яшаётганлари учун қафасга, ундаги ҳаётга тамомила кўникиб қолишган эди. Шу сабабли бўлса керак, ўзларини осойишта тутишарди. Фақат аҳён-аҳён худди дахшатли тушдан уйғониб кетгандек битта-яримта куш темир панжарага ёпишиб олиб, беҳуш йиқилгунга қадар жон-жаҳди билан қанотларини ураверар эди. Шундай маҳалда доим қафасда жанжал, тўс-тўполон бошланиб кетарди.

Дунёнинг тўрт чеккасида келтирилган, хулқ-атвори, табиати бир-бирига мутлақ ўхшамайдиган бу паррандалар анчагача бепарво юришди. Бироқ тутқунлик уларни хийла серзарда, асабий қилиб қўйгани учунми, тез-тез, кўпинча бесабаб жанжал чикаришарди.

Қафасдаги бир жуфт қушларгина умумий тўполон, жанжалларга аралашмас, ҳамиша хира кўзларини юмиб, қоя узра қайғули тусда кимираб этмай ўтиришарди.

Булар озод яшаш учун туғилган бургутлар эди. Улардан ёшироғи ҳайвонот боғига келтирилган, каттаси эллик йилдан зиёд шу қафасда яшаб келган. Унинг кўнғир елкаларида ўша пайтдаёқ кексалик аломати — оқиш патлар пайдо бўла бошлаганди. Ўшандан бери ўн йил ўтди. Кичик бургутнинг оч, рангсиз патлари бу вақт ичида қорамтир тусга кирди; каттасининг кифтидаги оқ патлар гарданига ёйилиб катта, яхлит доғга айланди. Уларнинг туси турлича бўлгани билан қисматлари бир хил эди. Иккови ҳам қаноти чикмасдан ўз маконидан жудо бўлган, ўшандан

бери бу тутқунликда яшарди. На унисига, на бунисига инсон қўли билан бино қилинган искирт қоядан юқорига кўтарилиш насиб этмаганди. Улар гўё занглаган панжарани пайқамай, узок парвоздан ором олаётган қушлардек вазмин қанотларини мағрур ёйганча мудрашарди. Қафасда юз бераётган воқеалар, ўзгаришларга қизиқмас, ҳатто умумий тўс-тўполонлар чоғида ҳам сокин ўтиришарди. Фақат ўқтин-ўқтин иккови бирдан жонланиб қолар, шунда кўзларида яшил аланга ёна бошларди...

Бургутлар қанотларини ростлаб қанотларини силкиб-силкиб қўяр, лекин жойларидан кўзгалмасди. Юксак осмон бўйлаб гоҳ-гоҳ қур-қурлаб, гоҳ қағиллаганича йирик қушлар галаси ўтиб қоларди.

Сайёр қушлар шаҳар устидан учиб ўтиб, кўздан йўқолгунча бургутлар дарҳол уларнинг ортидан осмонга кўтариладиган каби қанотларини кериб туришар эди.

Гоҳо юксак-юксакларда, сайёр қушлар изидан равон учиб бораётган кичкина қора нуқтани — озод қондошларини бу бургутлар ўткир нигоҳлари билан кузатиб қолишарди.

Овқатланиш вақтида қафасдаги йирткич қушлар ўртасида доим келиш-мовчилик содир бўларди. Қафасга ташланган нимта этга биринчи бўлиб калхатлар ташланарди. Улар очкўзларча энг катта бўлақларга ёпишар, аммо камдан-кам ҳолларда олиб кетишга муваффақ бўлишарди. Бир жуфт кулранг тасқаралар калхатларга ёпишиб гўштни тортиб оларди.

Сўнг тасқараларга оиладош, бош ва бўйин патлари кўнғир қорақушлар ўз ҳақларини даъво қилгандек гўштни талашиб-тортишарди.

Улардан кейин оқ думли денгиз бургути ўртага тушиб, қанотлари билан ўнгдан ва чапдан зарба бера бошларди.

Бу жанжал узок давом этмас, тепа-

дан бирин-кетин бургутлар тушгани ҳамоно ўз-ўзидан тўхтарди. Қулоқни тешиб юборгудек бургут қур-қури янграши билан йирткич қушлар гўштни ҳам унутиб, саросима ичида қочиб қолардилар.

Бургутлар гўштнинг энг яхши бўлақларини бамайлихотир чангалларида кўтариб қоя тепасига — ўз маконларига олиб кетар эди.

Улар ўлжани ҳамиша тенг тақсимлашар, ёш бургут қафасга келган қуни, тасқаралар таъқибидан қочиб, ҳеч қайси қуш чиқишга ботинолмайдиган қоя тепасига — қари бургут масқанига паноҳ излаб чиққан дамлардан эътиборан бошланган бу одат ҳозирга қадар давом этарди. Ўшандан буён ўн йил ўтибди. Улар ҳамон ахил.

Сентябрь оёқлади. Боғдаги дарахт шохларини қоплаган сарғиш япроқлар маъюс шивирлашарди. Эрталабданок туссиз осмонда увода булутлар уюри пайдо бўлди. Булутлар қуёш юзини тўсмаган бўлса-да, ҳаво совуб кетди. Қуёшнинг ҳароратсиз нурлари ой шуъласи каби иситмас, борликни ёритарди, холос.

Кечки пайт шимолдан совуқ шамол эсиб, дарахт япроқларини тўкиб ташлади. Кечаси бўрон турди. Дарё томондан кемаларнинг ваҳимали гудоги тинмай янгради, шамол тунука томларни тарақлатар, дарахт барглари аёвсиз тўқар эди. Ҳайвонот боғидаги жониворлар ўз қафасларининг бурчак-бурчагига биқиниб ҳавотир ичида ниманидир кутаётгандек жимгина туришарди. Фақат бир жуфт чиябўри бўронга таҳдид қилгандек кечаси билан ув тортиб чиқди.

Баҳайбат қафас эса тебранар, лопиллар эди. Барча тутқун паррандалар бу кеча ўз жойларидан қочиб, қоя ортига яшириндилар.

Ёлғиз бургутлар чўққида сокин, қилт этмай ўтиришарди.

Эртасига эрталаб қуёш энди-энди

BURGUTLAR

Лев БРАНДТ

қизариб чиқаётган махал қари бургут кўзларини очди ва одати бўйича бошини кун чиқар томонга бурди. Бурдию... қотиб қолди. Тоғдаги уясида жудо бўлгандан бери илк бор у боши узра сим панжара йўқлигини кўрди. Эски, занг босган симлар шамолга тоб беролмай узилиб, бургутларнинг шундок бош устида хийла қатта туйнук пайдо бўлган эди.

Бургутлар худди мўъжиза юз бергандек ўша ерга миҳланиб қолишди, аммо жойларидан кўзгалишмади. Орадан уч соат ўтди ҳамки, шу кўйи туравердилар. Ниҳоят, дилдираб куёш кўтарилди. Шундагина ҳайвонот боғининг назоратчи ходими бу қафас шифтидаги ёриқни ҳамда ташқарига чиқишни мўлжаллаётгандек пайт пойлаб ўтирган бургутларни пайқади.

Тезда нарвон, брезент кўтарган кимсалар пайдо бўлди. Бургутлар пастдаги шовкинни сезмагандек, қотиб ўтираверишди. Ходим қафасга кирган чоғида қари бургут уни энди пайкагандек, бир силганиб ташқарига отилди. Зум ўтмай ёш бургут ҳам унга эргашди. Иккови бир неча дақиқа одамларнинг тепасидаги қафас устига кўниб туришди-да, сўнг ҳаволаб кетишди. Улар вазмин, бир қадар ишончсизлик билан тез-тез қанот қоқиб дуч келган биринчи дароҳт шохига кўнишди.

Озгина дам олгач, яна боғ тепасида айлана бошлашди. Ҳовуздаги ўрдак ва ғозлар уларни сезиб, талваса ичра ҳар томонга тўзғиб кетдилар. Бургут-

лар эса уларга парво қилмай, гўё бутун умрлари ўтган ерни ташлаб кетолмаётгандек, боғ узра доира ясаб айланаверишди. Охири баландлаб, шаҳардаги энг юксак бинонинг гумбазида олтиндек ярқираётган бутга кўнишди. Сўнг қанотларининг чигилини ёзиш учунми, шаҳар осмонида парвоз қила бошлашди.

Улар эндиликда эркин бўлсалар ҳам, тутқунликда одамларга қаттиқ ўрганиб қолганлариданми, олисларга учиб кета олмасдилар. Шу кеча сонсаноксиз чироклар порлаган улкан шаҳарда тунашди.

Кечаси миҳжа қоқмадилар. Улар ранг-баранг чирокларнинг ўткир шуъласидан уйғониб кетар, машиналар овозига кўниқолмай, дам-бадам патларини хурпайтириб, қалтирар эдилар.

Икки кечаю икки кундуз хуруж қилган бўрон азонда босилди. Бургутлар тунаган бино рўпараси қатта майдон эди. Майдон атрофидаги йўлдан шоша-пиша одамлар ўтар, машиналарнинг кети узилмасди. Майдон эса бўм-бўш, фақат унинг қоқ ўртасида кимир этмай милиционер турар, сал нарида чумчуқлар тўдаси чиркиллаб, шовкин соларди. Бургутлар одамлардан, майдондан ҳорғин нигоҳларини узмай, кимир этмай ўтирарди. Аммо дафъатан улар сесканиб тушди. Майдонда баҳайбат малла мушук пайдо бўлди. Мушук чумчуқ тўдасига кўзи тушган ҳамоно ерга қапишиб, секин-секин унга яқинлаша бошлади. Қушчалар фалокатни сезмай тинмай



чиркиллашар, шовкин солар, мушук эса тобора яқинлашиб келар — у хар сония човут солишга шай эди. Бургутлар уни кўздан қочирмасдилар. Мушук шундоққина посбоннинг оёғи тагига келиб биқинди, аммо посбон буни пайқамади ҳам. Ораларидаги масофа атиги бир қадам қолганда чумчуқлар тўдаси хавфни сезиб қолди-ю, пир этиб кўтарилди. Мушук уларга коптокдек сапчиди. Лекин қайтиб ерга тушмади — шаҳарнинг марказида, ҳамманинг кўз ўнгига посбондан атиги бир қадам нарида жуда улкан тошдек кўнғир тусдаги алланима тепадан шувиллаб тушиб даҳшатдан қотиб қолган мушукни кўтариб кетди.

Мушук ўткир панжалар исканжасида тинимсиз тўлганар, жон ҳолатда миёвлар эди. Ўткир тирноқлар унинг баданига тобора чуқурроқ, ичак-чавоғини тешиб ташлагудек ботиб борарди. Қари бургут доира ясаб айлангач, ўлжаси билан томга қўнди. Мушук оёқлари ерга тегиши ҳамона оғриқни унутиб, ёйдек эгилди-да, бургутнинг оёқларига ёпишди. Бу — ўзини химоя қилишга, ғаними билан олишишга ўрганиб қолган катта ва бакувват ёввойи мушук эди. У ўлим хавфини англаб қутургандек, жон-жаҳди билан ўзини химоя қиларди.

Олтмиш йил тутқунликда яшаб ов қилиш ва ўлжасини тинчителишни унутган бургут уни зумда бир ёқлик қилолмади. Ҳаммаёғи қонга беланган мушук унинг чангалидан юлқиниб чиқиб, тарнов томонга қочди. Яна бир дақиқа ўтса, тамом, мушук ғойиб бўларди.

Бироқ тепадан яна оғир тош келиб тушгандек бўлди. Бу — ёш бургут эди. У ўткир тирноқларини мушукнинг сағрисига санчиб чангаллади, бошқа панжаси билан унинг юзига чанг солди.

Мушукнинг кўзлари ўйилиб тушди. У каттиқ биғиллаб юборди-да, сўнг уни ўчди. Кейин кўнғир бургутлар ўлжага ташланишди. Қоринлари тўйгач, анчагача чақчайган кўзларини пастдаги одамлардан узмай, қанотларини осилтириб томда ўтирдилар.

Нихоят, ёш бургут хурпайиб-хурпайиб каттиқ чинқирди-да, осмонга кўтарилди. Унинг товушида илк бор қўлга киритилган озодликнинг ғурури ва шодлиғи, кудрат оханлари янгради.

У эркин қанот ёйиб майдон узра ай-

ланар, секин-аста баландлаб борарди.

Тушқунликда яшаган бургут шу кунгидек илгаригидек парвоз қилишни ўрганиб олганди. Улкан қанотларини шитоб билан бир-икки силкиб олди-да, елпиғичдек ёйиб юборганича қилт этмай узок учиб юрди. Аҳён-аҳён хиёл тебраниб шамол оқимига мослашиб олар, шу аснода тобора юқорилаб борарди.

Кекса бургут қотиб қолди. У ёш шеригининг ортидан қараб турди-да, кейин ўзи ҳам ҳавога кўтарилди. Лекин у узок уча олмади. Кўп ўтмай ҳаётида биринчи ўлжаси — мушук сўнгалари сочилиб ётган томга қайтиб қўнди.

Ёш бургут эса ҳамон кенг доира ясаб учар, аста-секин узоклашиб борар эди. Охири у митти нуқтага айланди ва зум ўтмай кўздан йўқолди.

Шундагина бўйни оқиш қари бургут жойидан кўзгалди. У худди юксакликдаги салқин ҳаводан чўчиган каби шаҳар узра пастлаб учар, гоҳ томга келиб қўнар, гоҳ яна қанотларини елпиғичдек ёйиб ҳаволанар эди. Шомга яқин у ўқдек осмону фалакка кўтарилди-ю, бирдан ўлжага кўзи тушиб қолгандек қотиб қолди. Сўнг қутилмаганда қанотларини йиғиб, тошдек пастга шўнғиди. Зум ўтмай кадрдон қафаснинг гумбазига келиб қўнди.

У қафас тепасида худди аввалгидек ҳамхоналарига бепарво, қайрилиб қарамай анча ўтирди. Фақат ок думли денгиз бургути унинг қоядаги ўрнини эгаллаганида қанотларини кериб кийқирди, бошини сим панжаранинг ёриғидан суқиб уни ҳайдаб юборди. Кечаси одамлар уни тутмоқчи бўлишди. Аммо бургут ўридан вазмин кўзғолиб, тунги осмон бағрида ғойиб бўлди. Эртасига кун бўйи шаҳар тепасида айланиб юрди. Яна бир неча мушукларни тутиб еди.

Ҳар сафар ўлжасини еб қорни тўйгач, у хурпайиб олар, бошини кўтариб худди интиқ кутаётган шериги келиб қоладигандек осмонга узок термуларди. У тунаш учун қафасга қайтиб келарди. Кўп уринишлари зое кетгач, ниҳоят, одамлар уни бир ҳафтадан сўнг тутиб олишди. Ўзини яна олтмиш йил яшаган қафас ичра кўрганда, илк бора қафасга тушган пайтдагидек ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлади.

У бу ерда фақат ўзига тегишли ўзигагина даҳлдор маскан борлигини унутиб, мунгли овозда чинқираб, то

қанотлари лат егунга қадар панжарага ураверар эди.

Бир умр тутқун жониворлар билан яшаб келгани учун аллақасери қушга ўхшаш кекса хизматчи бургутга узок қараб турди-да, бошини афсус билан чайқади:

— Шундай қушни абгор қилишди-я. Бир марта бўлса ҳам озодликни татиб кўрдими, тамом, энди унутолмайди. Тамом-вассалом. Эҳ, хали қанча яшарди...

Кўп ўтмай бургут эски ҳолига қайтди, қоядаги ўрнига чиқиб, истамайгина қунишиб олди. Хизматчи янглишган эди. Бургут эркинликдан қайта маҳрумликка аста кўнқиди. У узукун қоя тепасида вазмин, хурпайиб ўтирар, баъзан хира нигоҳини осмонлардан уза олмас эди. У хар сафар боши узра қушлар учиб ўтганида сесканиб кетарди.

Бир ҳафталардан сўнг унинг жонсиз жасадига дуч келишди. У қанотларини кенг ёйиб, қармоксимон тумшукли бошини бир ёнга буриб чалқанча ётар, қотиб қолган кўз қорачиғи қуёшга кадалгандек эди.

Кекса хизматчи қафасга кириб, ўлиб ётган қушга узок тикилди, сўнг хўрсинди ва икки оёғидан кўтарди-да, қафасдан чиқиб кетди.

О.ОТАХОН таржимаси



D O' S T L I K

“Nevaralarim uchun hikoyalar”
turkumidan

Men do'stlikni qanday tushunaman?

Qoratog'ning qoq belida Nakurt qishlog'i bilan Uxum qishlog'ini tutashtiruvchi yolg'izoyoq yo'l bor. Nakurt — Samarqand viloyatiga, Uxum — Jizzax viloyatiga qarashli. Nakurtda o'zbeklar, Uxumda tojiklar yashaydi.

Uxumliklar bozor-o'charini har bir oyda shu so'qmoq yo'l orqali ikki ming metr balandlik — tog' oshib — Nakurtdan o'tib, Saroy qishlog'ida joylashgan Jumabozordan qilishardi. Ular bozorga kelish uchun bir kun avval, ya'ni shanba kuni saharardon turib, ot, eshak, ulovlarga minib, yo'lga tushardi. Ming mashaqqat bilan tog' oshar va Nakurtga kelib, mulla Suyunboyning ukasi bobom Dehqonboynikiga qo'nardi. Dehqonboy qo'y yoki serka so'yib, ularning izzatini joyiga qo'yardi. Ertasi kun ular tag'in tongda turib, bozorga yo'l olardi. Kuni bilan bozor-o'charini qilib, peshindan so'ng ortga qaytardi. Tabiiyki, yana mashaqqatli yo'l. Dehqonboynikiga yetganlarida kech bo'lib qolardi. Dovondan tezroq oshib o'tish uchun shoshilib ketayotganida, birdan ularning oldida Dehqonboy bel bo'lib turardi. «Qani, ulovdan tushinglar, choy tayyor, kuni bilan charchagansiz, bir oz dam olib, keyin yo'lga tushasiz», deb holi-joniga qo'y may uyiga boshlardi.

Kunlardan bir kuni — olmalar g'arq pishganda — yetti-sakkiz qop olmani eshaklarga yuklab otam, Dehqonboy bobom va men — to'qqiz yoshli bola dovon oshib, Uxumga yo'l oldik. Uxumdan Qizilqumga — hozirgi Arnasoyning qadimgi joylarida yashaydigan qozoq cho'ponlar yoniga borayotgan edik. Maqsad — olmani qo'y-qo'zilarga ayirboshlab kelish edi.

Uxumdan o'tarkanmiz, qandaydir pastqam tosh kulbadan o'ktam ovoz yangradi: “Hoy, Dehqonboy, Olimboy! Qani, ulovlarni to'xtating, eshaklardan tushing, choy tayyor!”

U yoq-bu yoqqa qaramasimizdan, uch-to'rt odam paydo bo'ldi-yu eshaklarni bog'lashga tushib ketdi. Bobom qozoq og'aynilarinikiga shoshayotganimizni aytgan edi, ular dov qarash qildi... Qo'y so'yildi, sho'rva tortildi, ko'k choy bostirildi.

Xullas, qorin to'q, qayg'u yo'q.

“Ana endi yo'llaring bexatar bo'lsin, bozorlaring baroridan kelsin”, dedi bir oqsoqol va bizga javob berdi.

Qozoq cho'ponlar o'tovida ham ko'p siylov ko'rib, olmamizni qo'y-qo'zilarga alishtirib, uchinchi kunmi, to'rtinchi kunmi, izimizga qaytdik. Uxumga kirib kelganimizda, yong'oqzor ostidagi supada o'tirgan o'sha kungi qadrdonlar — yanayam ko'plashib oldimizga bel bo'lib chiqdi. Yana mehmondorchilik, yana siylov...

Bolaligimda bunday voqealarga ko'p guvoh bo'lganman.

Bugun otam ham, bobom ham yo'q, uxumlik oqsoqollar ham dunyodan o'tib ketgan. Ammo men o'sha og'aynilarning bolalarini, nevaralarini topganman.

Men do'stlikni shunday tushunaman!

Azim SUYUN

Navbatdagi havaskorlik teatrlarining Respublika festivali Buxoro shahridagi “Kohna va boqiy Buxoro” majmuasida bo’lib o’tdi.

Havaskorlik teatr jamoalarining

Ушбу фестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

“Хаваскорлик театрларининг Республика фестивали”ни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — бадий хаваскорлик санъатини ривожлантириш, хаваскорлик театрларида қўйилаётган сахна асарларида замонамиз қахрамонларини мадҳ этувчи ва даврнинг долзарб масалаларини акс эттирадиган спектакллар намойиш этишни такомиллаштириш, аҳолига

маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, бадий хаваскорлик санъатини ривожлантириш, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган хаваскорлик театр жамоаларининг ижодий иш фаолиятлари билан яқиндан танишиш ва уларга амалий-услубий кўмак беришдан иборат.

Хаваскорлик театр жамоаларининг Республика фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 13 нафар хаваскорлик театр жамоалари ўз томоша дастурлари билан иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туман маданият уйи қошидаги халқ театри “Дўстликка айланган муҳаббат”, Навоий вилояти Навоий шаҳар “Нихол” халқ театри “Қирмизи олма”, Андижон вилояти

Асака туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри “Тузоқ”, Хоразм вилояти Ҳазорасп туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри “Тўланмаган қарз”, Бухоро вилояти Қоровулбозор туман Марказий маданият уйи қошидаги “Сардоба” хаваскорлик драма театри “Ноқобил ўғил”, Фарғона вилояти Бешариқ туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри “Маккора”, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман маданият уйи қошидаги халқ театри “Пароканда оила”, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар маданият уйи қошидаги “Бумеранг” халқ театри “Зарафшон эртаги” номли спектаклларни намойиш этдилар.

Ҳакамлар томонидан мазкур фестивалда иштирок этган бадий хаваскорлик театр жамоаларининг сахна асарлари мазмуни, унинг долзарблиги, катнашчиларнинг ижро маҳоратлари, сахна либослари, бутафория ва гримлардан унумли фойдаланилганига қараб баҳоланиб, қуйидаги бадий хаваскорлик театр жамоалари турли мукофотларга муносиб деб топилди.

“Замон талабига жавоб берадиган долзарб мавзуни акс эттиргани учун” — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туман маданият уйи қошидаги халқ театри ва Бухоро вилояти Қоровулбозор туман марказий маданият уйи қошидаги “Сардоба” хаваскорлик драма театри.





Respublika festivali

“Одам савдоси ва гиёҳвандликка қарши кураш мавзусини ёритгани учун” — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман маданият уйи қошидаги халқ театри, Хоразм вилояти Ҳазорасп туман маданият уйи қошидаги халқ театри ва Бухоро вилояти Вобкент туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри.

“Экологик муаммолар ҳақидаги сахна асари учун” — Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар маданият уйи қошидаги “Бумеранг” халқ театри.

“Миллий қадриятлар ва анъаналарни тарғиб этувчи сахна асари учун” — Навоий вилояти Навоий шаҳар “Ниҳол” халқ театри.

“Фестивалнинг энг умидли жамоаси” — Наманган вилояти Янгикўрғон туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри.

“Энг иқтидорли жамоа” — Фарғона вилояти Бешариқ туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри ва Андижон вилояти Асака туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри.

“Қизиқчилик санъати тарғиботи учун” — Тошкент шаҳар Учтепа туман маданият уйи қошидаги “Кўнғил” халқ театри.

“Энг яхши режиссёрлик иши учун” — Навоий вилояти Навоий шаҳар “Ниҳол” халқ театри бадий раҳбари ва режиссёри Акмал Шодиева ва Андижон вилояти Асака туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри режиссёри Одилжон Худойбер-

диев.

“Энг яхши аёл образи учун” — Фарғона вилояти Бешариқ туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри актрисаси Мукаррамхон Ҳамдамова ва Андижон вилояти Асака туман Марказий маданият уйи қошидаги халқ театри актрисаси Махфират Мамажоновна.

“Энг яхши эркак образи учун” — Бухоро вилояти Қоровулбозор туман марказий маданият уйи қошидаги хаваскорлик драма театри актёри Жонибек Носиров ва Хоразм вилояти Ҳазорасп туман марказий маданият уйи қошидаги халқ театри актёри Шоназар Ботиров.

“Энг ёш умидли ижрочи” — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар маданият уйи қошидаги “Бумеранг” халқ театри қатнашчиси Елена Агаджанова.

“Фестивалнинг фаол иштирокчиси” — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар маданият уйи қошидаги халқ театри жамоаси ва Жиззах вилояти Зомин туман Марказий маданият уйи қошидаги хаваскорлик театри жамоаси.

“Энг яхши мусиқий безак учун” — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туман маданият уйи қошидаги халқ театри жамоасига берилди.

Фестивал доирасида соҳа мутахассислари, драматурглар ва фестивал қатнашчилари иштирокида “Хаваскорлик театри ва замон” мав-

зуида давра суҳбати ўтказилиб, унда хаваскорлик театрларида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда халқ этилиши лозим бўлган масалалар муҳокама қилинди.

Фестивалда фаол иштирок этган хаваскорлик театр жамоалари ва алоҳида ижрочиларга таъсисчиларнинг диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Нуржасон НИЁЗОВА



SHOIRLARNING ALISI OQBOSH

Tohir QAHHOR,
O`zDJTU dotsenti

Ali Oqbosh — taniqli turk shoiri, o`zbek adabiyotining Turkiyadagi targ`ibotchilaridan biri. Uchinchi Turk dunyosi adabiy jurnallar qurultoyi tarafidan “Turk dunyosida yilning adabiyot odami” deya e`lon qilingan Ali Oqbosh yetmishga kirdi. U Qahramonmarash viloyatidagi Albiston tumanida tug`ilgan; qishloq maktabini bitirgach, Istanbul universitetining adabiyot fakultetida ta`lim olgan. O`qituvchi bo`lib ishlab yurgan paytlaridayoq bolalarga yozgan she`rlari bilan tanilgan. U universitetda, radio-televideniya, jurnallarda xizmat qildi, doim unga she`r, ilhom yo`ldosh bo`ldi. Shoirning “Ertak zamoni”, “Qush dasturxon”, “Ko`kda oy po`rtaxoldir” kabi she`riy to`plamlari turk bolalar adabiyotida alohida qimmatga egadir. U ayni paytda “Ovruosiyo” Yozuvchilari uyushmasi raisi o`rinbosari va “Qardosh qalamlar” jurnalining bosh muharriri sifatida xizmatini davom ettirmoqda.

Yaqinda Anqaradagi Turkiya Milliy kutubxonasi shoirning ijodiy kechasi bo`lib o`tdi. “Ovruosiyo” Yozuvchilari uyushmasi raisi Yoqub Daliumaro`g`lining nutqi bilan boshlangan yig`ilishda shoirning yangi nashrdan chiqqan “Ko`chayotgan turnalar”, “Eranlar o`lkasi”, “Kuz kuylari” to`plamlariga kirgan she`rlaridan o`qildi, kitobxonlar bilan maroqli suhbatlar qurildi. Atoqli olim, o`zbek tili va adabiyotining Turkiyadagi jonkuyar tadqiqotchilaridan biri professor Ahmad Beyjon Erjilasun olib borgan bu she`r anjumanida Turkiya Madaniyat vazirligining, turli jamoat tashkilotlarining vakillari, shoirning yaqinlari va san`atkor do`stlarining chiqishlari,

Ali Oqbosh she`rlari bilan aytiladigan qo`shiqlar ham muxlislarga zavq-shavq berdi, o`chmas taassurot qoldirdi.

“Qardosh qalamlar” jurnalida o`zbek ijodkorlari va asarlarini Turkiyaga, Ovrupo va Osiyodagi o`lkalarga tanitishda bag`rikenglik bilan o`z hissasini qo`shayotgan shoirni — adabiyotimiz do`stini qutlug` yoshi bilan biz ham qutlaymiz, “Ko`p yashang, shoirlarning Alisi, oqsoqol Oqbosh!” deymiz.

Ali Oqboshning bolalarga yozilgan ayrim she`rlari Miraziz A`zam tomonidan o`zbekchaga o`girilgan va gazeta-jurnallarimizda nashr etilgan. Muallifning yangi tarjima qilingan she`rlarini Sizlarga ham ilindik.



YANGIDAN

Har she'rdada tilsiz qolib, yana tilli bo'lgayman,
Har she'rimda yangidan jannatdan quvilgayman;
Yasoqlangan mevani yegan kunga qaytarman,
Yangidan qaytgan dardni yana she'rdada aytarman.

Har she'rimda zolimlar chormixga meni tortar,
Masihga hamdam bo'lib ko'klarda zavqim ortar;
Har she'rimda o'zimni bardor, barbod etarman,
O'larman, tirilarman, yana faryod etarman.

Quddusda bir ruhbonman, Makkada bir hojiman,
Farhodman, qo'lda cho'kich, tog' teshib, yo'l ochaman,
Qancha isyon qilsam-da, Tangrim, men-da rojiyman,
Senga duo etarman, senga hamdlar bitarman.

Nasimiyman, Halabning bozorida tong chog'i,
Kaloming badalini jonim bilan o'tarman,
Qo'limda dil bayrog'i, qo'limda til bayrog'i,
Haqiqatning yo'lida yana Haqqa ketarman.

Men Hobilni o'ldirib, o'ligini siylarman,
Men hazrati Yusufga tuhmat, bo'hton aylarman,
Yuz burib, Zulayhoni yana hayron aylarman,
Eski ishqni yangidan yana yashab o'tarman.

BAYRAMLIK

Bugun bayram – ko'shklar, saroylar gavjum.
Mung'aygan uylarda

mungli yonar mum;

Go'sht emas, dard qaynar qozonlarida,
Quvonch yo'q ko'cha-yu maydonlarida.
Shom tushdi.

Izg'iydir it-u mushuklar.

Yo'qsil, qari xotin bozordan qaytar;
Qayg'usi yosh bo'lib to'lar ko'ziga,
Yamoq ro'molini tortar yuziga.
Qo'ldagi xaltada chirik mevalar,
Uyda kutar uni och yetimchalar...
Yo'qsillik ayb emas, uyalma, onam,
Uyalsin seni shu kunga solganlar,
O'g'ri vazirlar-u orsiz a'yonlar,
Uyalsin o'lkani talab, yeganlar,
Uyalmay shu xalqni poda deganlar!..

Bugun bayram – ko'shklar, saroylar gavjum,
Mung'aygan uylarda mungli yonar mum.

LAYLINING RO'MOLI

Laylining oq harir ro'moli kabi
Bulutga to'linoy bosadir labin –
Bu bir go'zal she'r!


Qirg'oqda, qumloqda iliq to'lqinlar,
Charchoq oyog'imni mushukday yalar –
Bu bir go'zal she'r!

Bog'da chol yam-yashil o'tlarni o'rar,
O'rilgan o't isi dimoqqa to'lar –
Bu bir go'zal she'r!

Qorong'i kechada bir yulduz uchar,
U yulduz, oydin ko'k ko'ngilga ko'char –
Bu bir go'zal she'r!

Og'ochlar, chechaklar so'lgan chog'larda
Chetanlar buzilar eski bog'larda –
Bu bir go'zal she'r!

So'zlar ko'zlarimda bir hovuch qumdir,
Ey so'zlar! Ey qumlar! Ko'zimni yumdir!.. –
Bu go'zal she'rdir!





MAZALI GULLAR



Гулларнинг табиатдаги вазифасини барчамиз яхши биламиз. Шунингдек, улар энг яхши совға ва эстетик завқ воситасидир. Бироқ шундай гуллар борки, улар шифобахшлиги билан халқ таботатида шуҳрат қозонган. Кексалар ёввойи бинафшани корин санчиб оғриганда дамлаб ичиришади. Лолакизғалдоқдан кизамикда, мойчечакдан яраларни тузатишда фойдаланишади.

Гуллар озик-овқатда ҳам ишлатилади, десак, ҳайрон бўлманг. Истеъмол қилинадиган гуллар ҳам бор экан. Тортлардаги, пишириклардаги ясама гуллар, улардаги ранг ва химикатлар жонингизга теккан бўлса, табиий гуллардан фойдаланинг. Ҳам зарарсиз, ҳам чиройли. Қуйида шундай гуллардан бир нечтаси ҳақида тўхталамиз.

Лаванда. Тоғ лавандаси ҳақидаги қўшиқ ёдингизга тушдимми? Лавандали атирлар-чи? Лаванданинг ўзини қўрганлар, дамламасидан ичиб юрадиганлар бўлса, хушбўй хидини ҳам ҳис қилгандир. Ўткир хидли бу гулдан Ўрта ер денгизи атрофида истикомат қиладиган аҳоли салатлар, қайла, коктейл ва яхна таомлар тайёрлашда фойдаланишар экан. Улар учун бу гулнинг ошхонада бўлмаслиги айб саналади.

Лотин чечаги(настурция). Бу гулнинг барги, гули, ғунчаси, думбул меваси ва ҳатто пояси ҳам ишлатилади. Уни барча салатларга, қайла ва шўрвага, мева ва поясини тузламаларга қўшиш мумкин.

Чиннигул. Орамизда чиннигулни севмайдиганлар топилмаса керак. Сизга совға қилинган чиннигул қуриб қолса, ачинманг. Уни истеъмол қилиб ҳам завқланишингиз мумкин. Қуритилган чиннигул компот ва шарбатларга солинса, уларнинг хушбўйлигини орттиради. Ғунчаси котлет, шавла, пюре сингари таомларга санчиб қўйилса, ҳам кўриниши, ҳам мазаси иштаҳоочар бўлади.

Мойчечак. Мойчечак таботатда ҳам ошхонада ҳам энг фойдали гуллардан биридир. Унинг фойдали хусусиятлари ҳақида алоҳида рисола ёзиш мумкин. Бироқ уни яхши биладиганлар гулнинг барча турларини ошхона учун олиб қўядилар. Айниқса, қуришиб янчилган гулбаргллар киймаларга солинса, хушхўр бўлади. Барча суяк овқатларда ҳам мойчечак бўлиши кабзиятдан озор чекаётганлар учун фойдали.

Капалакгул(Анютины глазки). Бу гулни фаранг бинафша ҳам деб аташади. Фарзандингиз бутерброд емайман деб жанжал қилса, капалакгул билан безаб қўйинг. Ичимликларга қўшиладиган музни ҳам капалакгул солиб тайёрласангиз, ажойиб гўзаллик ҳосил бўлади. Кейин эса гул ташлаб юборилмайди. Уни яхши чайнаб ейилса, оғиздаги хидни кеткази.

Наврўзгул(примула). Унинг гулбарглари билан қуюк таомларни, салатларни, тухум, пишлок, сарийғни безатиш мумкин. У нафақат безак, нордонгина емак ҳамдир.

Бинафша. Бинафшанинг барги, ғунчаси, гулини қиёмга ёки шакарга ботириб олиб, тортларни безатиш мумкин. Бинафшагулли торт туғилган кунларга ҳам энг яхши совға бўлади.

Момақаймоқ. Қоқиўт номи билан машҳур бу гулни ҳамма яхши билади ва яхши кўради. Халқ таботатида у гижжа туширувчи сифатида ишлатилади. Ошхонада баргидан ичимликлар, салатлар тайёрлашда ишлатилса, гулидан ҳамма нарсада - ширинликлар, салатлар, қуюк-суяк таомлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Япроғидан сиқиб олинган сув гўштли қайлаларга солинади.

Атиргул. Атиргул мураббосини кўпчилик татиб қўрган. Бу мураббони энди қуймоққа ўранг, музқаймоқ, пудинг ва пиширикларга ишлатиб кўринг. Атиргулнинг яна бир бор шайдоси бўласиз.

Райҳон. Мошхўрда ва маставани райҳонсиз танаввул қилиб бўларканми?! Шунингдек, райҳонни маринадларга, икрага солиш мумкин ва ковордоқларни безатишда ишлатсангиз бўлади. Онаҳонларимиз чаккасига тақиб юрадиган райҳонни ошхонангиздан аритманг. Идишдаги сувга солиб қўйсангиз, ёғ ва таомларнинг ўткир хидини тез йўқотади. Қуриб қолса, япроқларини майдалаб олиб қўйинг. Таомга ишлатасиз.

Кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси... Шундай эмасми? Гулларни фақат жавонларга, столга эмас, ошхонага ҳам олиб кириш, истеъмол қилинг. Ёқимли иштаҳо!

Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади



Oskar Vayld estetizmi

Инглиз адаби Оскар Вайлд (1854-1900) жаҳон адабиёти тарихига эстетизм адабий оқимининг ёрқин намояндаси сифатида кирди. Унинг “Дориан Грей портрети” асари интеллектуал роман жанрининг ёрқин намунаси тарзида тан олинди. Оскар Вайлд ижодиди XIX аср биринчи ярими романтизм анъаналари билан шу асрнинг иккинчи ярмида санъат ва адабиётда яловбардорлик қилган реализм ҳамда модернизмнинг эстетик тамойиллари ўз ифодасини топганини кузатамиз. 1870 йилларда инглиз адабиётида майдонга чиққан эстетизм оқими 1880-90 йилларга келиб тўлиқ шаклланди ва бир қатор истеъдодли қаламкашлар ижодига катта таъсир кўрсатди. XX аср бошида модернизмнинг турли-туман шакллари билан туташиб, олдинги нуфузини йўқотди.

Эстетизм назариясининг шаклланишида инглиз мунаққиди, публицист ва санъат назариётчиси Жон Рескиннинг хизмати катта. Оскар Вайлд эстетик дунёқарашни асосини айнан Жон Рескиннинг эстетизм назарияси ташкил қилди. Рескин илгари сурган “Гўзаллик бу мутлоқ ҳақиқат” шиорининг туб моҳияти Вайлд томонидан ўзлаштирибгина қолинмасдан, балки “Дориан Грей портрети” романида ва “Ниятлар” деб номланган мақолалар тўпламида кейинги ривожини топди. Шундай бўлса-да, Рескин қарашларини Вайлд сўзсиз ва тўлиқ қабул қилди, деб айта олмаёмиз. Негаки, олимнинг санъат ва маънавият ўзаро боғланганлиги хусусидаги фикри Оскар Вайлд ижодиди жиддий зиддиятларни юзага келтирди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Жон Рескин санъат ва гўзалликни маънавиятдан ажратиб бўлмайди, деб ҳисоблаган, Оскар Вайлд эса унга қарши ўларок, “Дориан Грей портрети” романи муқаддимасида “... инсоннинг маънавий ҳаёти – бор-йўғи ижод мавзуларидан бири бўлиши мумкин ҳолос”, деб ҳисоблайди. Ҳатто Рескин билан тўғридан-тўғри баҳсга киришиб, Вайлд ўзининг “Ёлғон санъат инкирози” мақоласида “... санъат ҳаётга тақлид қилишига қараганда, беихтиёр ҳаёт аслида санъатга кўпроқ тақлид қилиши ҳақида таассурот уйғонади”, деб ёзди.

Вайлд ўз замондошлари О. де Бальзак, И. Тургенев, Л. Толстой, Ф. Достоевский ижодига юксак баҳо берган бўлса-да, ижодида реализм тамойилларига риоя қилишни хоҳламади. Вайлд ўзига хос диалог тарзида ёзилган “Ёлғон санъат инкирози” мақоласида ҳаёт санъатга тақлид қилади, дея таъкидлайди. Шу тарихида у санъатни ҳаётдан устун қўяди, ҳаётга кўра санъат асарининг нафосати, жазибдорлиги, мафтункор тароватини афзал кўради. Вайлдининг ижод бу ёлғонлик санъати дегувчи мантқиққа зид фикри, унинг эстетизм ва гедонизм руҳидаги қарашлари моҳиятини тўлиқ ифодалаб берди, десак тўғрироқ бўлади.

Эстетик дунёқарашидидаги зиддиятларга қарамасдан, Вайлд реализм санъатини муносиб баҳолади. Унга жиддий эътибор қаратиб, баъзи асарларида реализмга тақлид қилишга ҳаракат ҳам қилди. Шу ўринда у рус адабиёти классиклари, жумла-

дан, Достоевский ижодини яқиндан ўрганди. Гўзаллик ғоясини антик трагедия жанри нуктаи назаридан талқин қиларкан, Вайлд ўз асарларида фожиавий сюжетларга ҳам мурожаат қилади. Вайлдининг фожиавий мавзуларга эътиборини Достоевский қаламига мансуб “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар” романига бўлган ўзгача қизиқиши билан изоҳлаш мумкин. Вайлд “Янги романлар” мақоласида Достоевскийнинг ушбу романини чуқур таҳлил этаркан, адиб ижодига сюжетнинг кескинлиги, асабларни таранг аҳволга келтирувчи кучли хис-туйғулар, қалбда ички, баъзан тушунар-сиз туртки туфайли юзага келадиган ҳаракат, инсон руҳиятини, унинг онгида оқиб ўтувчи таассурот ва кечинмаларни, ҳаётнинг яширин, зулматда қолган томонларини моҳирона тасвирлаш хосдир, деб таъкидлайди. Вайлд, Достоевский ҳаётнинг даҳшатли ҳақиқатини очиб бераолди, адиб ҳаётни яхши билганининг сири эса – ҳаётда қашшоқлик ва азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, умидсизлик ва тузалмас дардга мубтало бўлганлигидадир, деган хулосага келади.

Хуллас, Оскар Вайлд қарашлари ўта зиддиятли эди.

Ҳатто Вайлд баъзи асарларида шаклан ва мазмунан эстетизмдан узоклашганини кузатишимиз мумкин. Бу борада “Бахтли шахзода ва бошқа эртаклар” ва “Анор уйи” номли тўпламларига кирган эртаклар муҳим аҳамият касб этади. Машҳур эртакнавис Ханс Кристиан Андерсен анъаналаридан илҳомланган Вайлд ўз дунёсига эга эртаклар яратди. Муаллиф уларда буржуа

жамиятининг мазмунсиз ва нажотсиз ҳаётига сира ўхшамайдиган ёркин, жамики рангларда жилваланиб турувчи янги дунёни тасвирлади. Ёзувчи ҳаёлидаги дунё Ердаги ҳаётга жуда ўхшаш бўлиб, уларда сурбетлик ва манманлик, гедонизм ва аморализм таъсиридан форигликни кузатамиз. Вайлд илк дафъа ўзи ошуфта бўлган гўзаллик идеалига бадийлик нуктаи назаридан яқинлашади. Адоватли ҳаётнинг бемаънилигидан қочиш ҳамда аламдийда ва бахти қаро одамларга бепарво муносабат ўрнини қашшоқларга, аянчли аҳволга тушиб қолган нотавон одамларга раҳм-шафқат ва ҳамдардлик хиссиёти босади.

“Бахтли шахзода” эртагида ёзувчи одамларга бахт-саодат олиб келувчи эзгуликни шоирона оҳангда тасвирлайди. Вайлд эртақларида инсонпарварлик ғоялари тушқунлик ҳамда умидсизлик кайфиятига қарама-қарши қўйилган. Айнан эртақларида ёзувчи кўп жиҳатдан ўзининг эстетик қарашларидан чекинади. Эртақларнинг услуби импрессионизмга йўғрилганлиги, образларнинг нафислиги, нутқнинг муסיқавийлиги, манзараларнинг ёркин рангларда тасвирланганлигида Вайлд эстетизмини дарҳол пайқаб олиш мумкин.

Дарҳақиқат, адибнинг эстетик қарашларидаги зиддиятлар унинг “Дориан Грей портрети” романида яққол намоён бўлади. Муаллиф образлари, сюжет чизикларини ўзининг эстетик, яъни “санъат ҳаётдан устун”, “сел бўлиб завқ олиш ҳамма нарсадан мухирок”, “гўзаллик маънавият ва ахлоқдан устун туради”,



AN'ANA VA ZAMON

Жаҳон тамаддунининг маданий-маърифий масканларидан бири бўлган Бухоро заминда етишиб чиққан етук зотлар – Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Баҳоуддин Накшбандий, Ҳофиз Мирак Бухорий, Аҳмад Ғижжакий, Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Махмуд ибн Исҳоқ Сеторий, Дарвеш Али Чангий, Домла Ҳалим Ибодов каби улуғ аждодлардан мерос бўлиб келаётган бебаҳо маънавий қадриятлар бугунги кун авлодларида эҳтиром туйғуларини уйғотиши ва уларни ҳозирги янги давр руҳига ҳамоҳанг ривожлантиришга маънавий рағбатлантириши баробарида миллий ўзликни англаш жараёнида ҳам аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Ҳозир Бухоро, унинг аҳолиси янги давлатчилик қарор топиши, демократик жараёнлар ривожланиши, бозор иқтисодиёти шаклланиши босқичини бошдан кечирмоқда. Шаҳар янгитдан маънавият манбаларига, миллий илдизларига қайтмоқда, бетакрор маданияти ва маънавиятини тикламоқда”.

Хусусан, мустақиллигимиз шарофати билан Бухоро шаҳри маҳаллий аҳоли ижодиёти, устоз санъаткорлар мероси, уларнинг умуминсоний қадриятларга қўшган ҳиссалари, қолаверса, шу масканда қарор топган яна қўшлаб бой муסיқий аъёнларнинг чуқурроқ тушуниб етиш даври келди.

“Шашмақом”, “Бухорча” ва “Мавриги” каби жанрлар ва уларнинг ижрочилиги билан боғлиқ аъёнлар юзага келишида қуйидаги тарихий босқичлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган:

Темурийлар даврида сарой муסיқа маданияти мақомчилик аъёнлари юксалди; Самарқанд ва Ҳирот саройларида урф бўлган “Ўн икки мақом” бухоролик устозлар томонидан ҳам ривожлантирилди.

Бухоро амирлиги даврида сарой муסיқачилари – Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш Али Чангий каби замонанинг энг илғор фикрли олим ва мақомхон усталарнинг самарали илмий-ижодий

деғувчи тасаввурларига мувофиқ тарзда қуришни афзал кўради. Бироқ образлар силсиласи ва сюжет ривожини ушбу ҳикояларнинг ёлғонлиги, ҳаётдан анча йироқ эканлигини ўзида эътироф этади. Сюжетнинг ҳаракат ва ўзгаришларга бойлиги, жўшқинлиги айрим эпизодларнинг жонсизлигини, бир жойда тўхтаб қолганлигини енгиб ўтади. Романнинг объектив маъноси айрим эпизодларнинг мазмуни билан зиддиятга учрайди; аслини олганда, муаллифга қўл келувчи эстетизм ва гедонизм ғояларининг ёлғонлиги маълум бўлиб қолади.

Оскар Вайлд яратган “Уиндермир хоним елпигичи”, “Диккатга арзимас аёл”, “Идеал эр”, “Жиддий бўлиш қанчалик муҳим” каби бир қатор комедиялари учун ҳам парадоксал ғоя ва мавзулар хосдир. Уйғониш даври инглиз комедияси аъёнларини давом эттириб, Вайлд нозик дид билан ишланган, кескин сюжетли комедиялар яратди. Уларда инглиз жамиятининг аристократлар доирасидаги расм-русум ва одоб-ахлоқ меъёрлари ўринли, энг муҳими, мўлжалга уриб танқид қилинади.

1895 йил жамоат жойларида одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари учун Оскар Вайлд айбланади. Унинг иши судда кўрилиб, беш йил озодликдан маҳрум этилади. Бошига тушган қулфат ҳамда ҳаёт синовларидан тўпланган тажриба, дунёга бошқача кўз билан қараш Вайлд ижодига янги кайфият ва мавзуларни олиб кирди. Дарвоқе, инсон ўз ҳаёти давомида қанчадан қанча азоб-уқубат, йўқотишларга дуч келади,

меҳнатлари туфайли “Ўн икки мақом” мумтоз муסיқий аъёнлари тўлақонли намоён бўлди (XVI - XVII); Айни пайтда эса “Ўн икки мақом” негизда “Шашмақом”ни шакллантириш учун муҳим асослар ҳам юзага келди. Шу билан бирга “Шашмақом” туркуми таъсирида созандачилик санъатида яллагичлик хусусиятлари билан суғорилган туркумлар юзага келди.

XX аср ўзбек муסיқа маданиятида “Шашмақом”, “Бухорча” ва “Мавриги”ларнинг халқчил кўринишлари билан бирга ижро этиш шаклларида ҳам ўзгаришлар юзага келди.

Бухоро “Шашмақом”и мумтоз муסיқа аъёнлари ўзбек муסיқа маданиятига жорий қилинди. “Шашмақом”ни амалий тадқиқ қилган академик Ю.Ражабий Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳузурда “Мақом” ансамблини тузди ҳамда унда фаолият кўрсатиш учун бир қатор бухоролик санъаткорларни тақлиф этди. Шу вақтдан бошлаб “Шашмақом” ижрочилигида аёлларнинг ҳам иштироки бўлган янги ижодий жамоа фаолият кўрсата бошлади. “Шашмақом” ижрочилигида юзага келган ансамблнинг бу янги шакли ҳозирга қадар давом этиб, жумладан, Бухоро шаҳрида “Сайқал” мақомчилар ансамбли, вилоятнинг Ғиждувон туманидаги “Мақомчилар” дастаси ва шу каби ҳозирда Республикамизнинг қарийб барча вилоятларида мавжуд ансамбллар фаолиятида аъёна бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда “Шашмақом”, “Бухорча”, “Мавриги” мумтоз муסיқа аъёнларининг ёйилиш ҳудуди кунма-кун кенгайиб бораётганлиги ҳам унинг ҳаётбахш қувватининг ифодасидир. Хусусан, бу ноёб санъатлар атоқли санъаткорлар ва турли ижодий жамоалар томонидан хорижий мамлакатларда халқаро фестивал кўрик танловларида ва яна бошқа тадбирлар муносабати билан катта саҳналарда ижро этилмоқда. 2003 йили ЮНЕСКО нуфузли халқаро ташкилоти томонидан “«Шашмақом» – жаҳон маданиятининг бебаҳо дурдонаси”, дея эълон қилиниши бу мумтоз санъатни бутун жаҳон бўйлаб тарғиб қилиш ишларига кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва созанда Ўлмас Расулов «Шашмақом»нинг қадимий, кўхна ижросини қайта тиклаш борасида қатор ижодий, илмий изланишлар олиб бормоқда. Буларнинг меваси ўларок устознинг “Аъёнвий хонандалик услубиёти”, “Кўзга айлансин кўнгил” каби рисоалари бунинг яққол

унинг бошига не-не кулфат ва мусибатлар тушади. Бундан у нафақат жисмонан кийналади, балки руҳан ҳам қаттиқ эзилади. Инсоннинг адолатсизликдан жабрланиши ва ҳаёт синовларини енгиб ўтиши Вайлд асарларининг асосий мазмунига айланди. Ёзувчи бошидан кечирганларини, қайғу-ҳасратларини тавба-тазарру шаклида ёзган “Ер қаъридан” номли ҳикоясида сўзлаб беради. Қамокхонада кўрганлари, ўзи билан ўтирган маҳбуслар ҳикояларидан олган таассуротлари асосида, аламзада Вайлд “Рединг қамокхонаси ҳақида баллада”сини ёзади. Асарда севган кизини ўлдиргани учун ўлим жазосига маҳкум қилинган маҳбуснинг қатл этилиши воқеаси муаллиф тарафидан руҳан тушқун кайфиятда очиб берилади. Шу тариқа поэмада муҳаббат қанчалик ёрқин ва оташин бўлмасин, барибир уни жабру-жафо, азоб-укубат ва муқаррар ўлимдан ажратиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр қарор топади.

Бу оламда яшаган ҳар бир одам

Севганини ўлдирган.

Қаҳри қаттиғи – бағритошлиги билан,

Ялтоғи – ширин сўз оғуси билан.

Қўроғи – маккор бўёсасин олган,

Фақат довураги – кўп гапирмай,

Ҳалокатга юзтубан кетган.

Айни пайтда, баллада ўлим жазосига, қамокхоналардаги тартиб-қоидаларнинг шафқатсизлигига қарши оташин сўзлек

далили ҳисобланади.

Мустақиллигимиз шарофати билан “Шашмақом” сабоқлари янги турдаги таълим тизимида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топаётганлиги қувонарлидир. XX аср сўнгги чорагига келиб Тошкент давлат консерваториясида, бугунги кунда эса махсус олий ва ўрта таълим муассасаларида мақом ижрочилигини касбий ўрганишга қаратилган “Анъанавий ижрочилик” бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

Бухоро шаҳридаги Академик ва халқ бадий жамоалари қадимий кўшиқларни, фольклор санъатини илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, шунингдек, уни вилоят ва республика миқёсида кенг тарғиб қилиш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек, “Мақом”, “Бухорча”, “Бухоро гўзаллари”, “Мавриги” фольклор этнографик ансамбллари мусикий анъаналаримизни жаҳон халқлари орасида ҳам кенг ёйишга астойдил киришганлар. Хусусан, “Мақом” ансамбли Германия давлатида, шунингдек, “Шарк тароналари”, “Бойсун баҳори” сингари Халқаро миқёсдаги фестивалларда мазмунли дастурлари билан қатнашиб келмоқда.

“Бухорча” ашула ва ракс ансамбли эса, Бухорога хос бўлган куй-кўшиқлар ва раксларни, жумладан, “Зардўз кизлар”, “Бухоро баҳори”, “Тахайюл”, “Салламно”, “Жавоний”, “Қарашма”, “Нозанин”, “Оразибон”, “Мусикий гулдаста” каби намуналарни халқимизга тортиқ қилиши билан бир қаторда, Бухорога ташриф буюраётган хорижий меҳмонлар, сайёҳлар, шунингдек, Америка, Канада, Франция, Голландия, Германия, Уммон султонлиги, Қатар давлатларида ҳам намоиш этиб, ўзбек санъатини тарғиб қилишда, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Оламшумул аҳамият касб этаётган бу серкира жараёнларни атрофлича ўрганиш, шунингдек, Бухоро ҳудудида кечаётган касбий ва халқ мусика ижодиёти анъаналарининг ўзаро таъсири халқ ҳолатларини атрофлича тадқиқ этиш масалалари ҳозирги давр ўзбек санъатшунослиги олдида турган муҳим мавзулардан бўлиб қолмоқда.

Ғани ХУДОЕВ

*Санъатшунослик институти
тадқиқодчиси*

янгради. Балладада жон-жаҳд билан яшашга интилиш, самодда учиб юрган қушнинг эркинлигига ҳавас қилиш, озодликни қўмсаш ҳис-ғуйгулари қуйланади.

Шоир Валерий Брюсов, Оскар Вайлдининг бу асарини француз адаби Виктор Гюгонинг “Ўлимга маҳкум этилганнинг охири куни” кассаси ҳамда рус ёзувчиси Леонид Андреевнинг “Еттига осиб ўлдирилган” ҳикояси билан бир қаторга қўяркан, уларда “муқаррар ўлимни қутишга” маҳкум этилган, жаҳаннам жазосига тортилганларнинг мушкул аҳволи ифодали тасвирланади, дея баҳолаган эди.

Ўз ижодида сел бўлиб ёшлик гаштини суриш, беғам-беташвиш яшаш, хузур-ҳаловат ва роҳат-фароғатга тўла ҳаётни тараннум этиш билан бирга, Вайлд “ижодкор асло насихатгўй эмас”лиги ҳамда “санъат бу ҳаёт эмас, балки унга қараган одамни акс эттирувчи восита”лигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга адиб ўзининг энг сара асарларида ҳаётнинг ҳақиқий гўзаллигини кўрсата билди, эстетизмнинг лоқайдлиги ва беқарорлигига табиатдаги гўзаллик ва нафосатни қарама-қарши қўйди, инсондаги эзгуликни, унинг ҳаёт шодликларидан баҳра олиб яшаш эҳтиросини шоирона тасвирлаб бера олди.

*Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор*





Dabdaba va hasham ham astari, ham avrasi bilan yuz kabi chiroyli bo'lishdir.

Moda bu ajoyib g'oya... va uni iloji boricha tez ishlatish lozim.

Agar Sizni biror ayol o'z chiroyi bilan lol qilgan bo'lsa, Siz uning kiyimini eslay olmasangiz, demak, u bekamu ko'st, mukammal kiyingan.

Men modani quvib emas, aksincha, zamonga yarasha yashaganman.

COCO CHANEL

afsona va haqiqat

“Шанел” сўзи ўхшаши йўқ жозиба, гўзаллик, нафосат сўзлари билан эгизакдир. Бундан ташқари, унинг мавқеини бутун дунё тан олган. Кўпчилик мода ишқибозлари учун “Шанел” — моданинг энг юқори чўккиси.

Франциянинг “Шанел” компаниясини дунёдаги энг машҳур модалар уйи деб эътироф этсак, муболаға бўлмайди. «L'Expansion» журнаlining маълумотиға кўра, «Шанел» французларнинг энг севимли маркаси ҳисобланади.

Модалар инқилобининг асосчиси, ўз даврида афсонавий шахсга айланган Коко Шанел муваффақиятиға модалар империясини яратишда қобилияти, тинимсиз меҳнати, келажакни олдиндан аниқ кўра билиши асос бўлди.

Габриэл Бонхеер (Коко) Шанел 1883 йил 19 августда Франциянинг Самюра шаҳарчасида туғилган. Шанел 6 ёшда эканида онаси вафот этган. Отаси Габриэлни ва тўрт ака-укаларини ташлаб кетган. Улар Коррездаги болалар уйида вояга етишган. Габриэл кийим-кечак магазиниға ишга кириб, бўш вақтларида кабаре (кечки эстрада бари)да ашула айтган. Унинг энг севимли кўшиқлари «Ко Ко Ри Ко» ва «Qui qua vu Coco» бўлган. Кейинчалик Коко тахаллусиға шу туфайли эға бўлган. Ўзининг чиқишларидан бирида зобит Этьеном Бальзан билан танишиди ва тез орада уникиға — Парижға кўчиб ўтди. Улар кўп яшамай ажрашишди. Тез орада у ўзининг янги турмуш ўртоғи — инглиз саноатчиси Артур Капелл билан танишди. Бой-бадавлат хушторлари орқали 1910 йилда Париждаги биринчи дўконини очишға муяссар бўлди. Шанел аёллар шляпасини тикиб, янги-янги русумларини ўйлаб чиқа бошлади. Шляпалар Париж аёллари ўртасида жуда тез урф бўлди. Бир йилдан сўнг Камбон кўчасида модалар уйини очди. Унинг бу илк модалар уйи ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Коконинг юқори дидли фасонлари XX аср бой-бадавлат аёлларининг эътибориға тушди.

1919 йилда у бутун дунёда мижозлар орттирди. У яратган кийимлар модалар оламида инқилоб ясади. Ва у жамиятнинг энг эътиборли хонимиға айланди. У аёлларнинг ўз кийим жавониға муносабатини ўзгартириб юборди. Шанел шундай ёзган эди: “Жавон аёллар учун шундай жиҳозға айландики, унинг ёнида аёллар ўзларини ҳам латофатли, ҳам жасоратли ҳис этадилар”.

Коко Шанел — ҳаётни жуда ҳам севган ва қадрлаган. Бу аёл хамиша ўзини сирли тутган. У ҳақида кизикқанлар ҳеч қачон аниқ бир маълумот ола билмаганлар. Шанел ўзининг ҳақиқий ёшини бекитган, қариндош-уруғлари, туғилиб ўсган жойи, оиласини, келиб чиқишини сир



сақлаган. Ҳаттоки, дугоналари ва жазманлари билан алоқаларини ҳам яширган.

Шанелни ҳамма XX асрда туғилган деб ўйлайди. Аслида у 1883 йилда туғилган. Ўзининг бадавлат оилада ўсганини, унга энагалар, хизматкорлар парвоналигини кўп бор гапирган, лекин, афсуски, буларнинг ҳаммаси ёлғон эди. Аслида отаси пайпоқ сотувчиси бўлган, онаси эса сабзавот савдоси билан шуғулланган. Отаси энгилтабиат ва ичкиликка берилган одам эди. Шанелнинг бир қанча опа-укалари бўлса-да, улар ҳақида ҳеч қачон гапирмаган. Уни, ўзи истаганидек, Шанел Габриэл деб аташган.

У болалар уйдан кетаётганида ҳеч қандай касби йўқ эди. Бироқ у ерда парда, фартук сингари содда буюмлар тикиш кўникмасини ўзлаштирган эди. У ҳеч қачон пўрим кийимлар бичиқчиси ёки беназир тикувчи бўлмаган. Бироқ унда малака ва интилиш юқори эди. У шу туфайли ўзи ўсган болалар уйи жойлашган Мулен шаҳарчасидаги магазиндан иш топди.

У аиторлик бўлимида назоратчи бўлиб ишлар, тасма, мағиз сингари нарсаларни ўлчаб берарди. Харидорлар бу ашёларнинг тикилишини сўраб мурожаат қилишганида у тикиб кўрсатарди. Секин-секин фартук, халат, тунги кўйлак, ички юбкалар тикиб беришга харидорлардан, ходимлардан буюртмалар ола бошлади. Шу тариқа у ўзи учун шу кўчадан ижара уй топди. Ҳозир бу кўча Шанел номи билан аталади.

Шанел маданият ва санъат арбоблари, ташкилотлари билан ҳеч қандай ҳамкорлик қилмаган. У ўзини тутиши, кийиниши билан танилган.

Бу расмда Шанелнинг аждодлари савдо қилган бозорга ўхшаш Оверни бозори акс этган. Бу жуда оддий, деҳқонча, француз кишлоқларига хос соддалик Коконинг ижодида улкан ўрин эгаллайди. Чунки Шанел белгисининг асосий ўзига хослиги оддийлик эди. У содда бичим, аниқ тузилиш ва рангларнинг камлигига эътибор қаратар эди. Ана шу нарсаларнинг ўзаро уйғунлиги, қатъий тузилиш ва бичимнинг содда чизиклари уни машҳур қилди.



Тасвирлардаги бу аёлларнинг кийимига қараб, Шанелнинг зукколигидан тўлқинланиб кетасиз. Яхшилаб эътибор берсангиз, расмдаги аёлнинг кийими қора мағизли, олдида тугмачалар қадалган, корсет ва фартуксиз, икки чўнтакли тўғри нимча.

Шанел олди тортиб боғланадиган, корсетсиз оддий услубни жуда кўп либосларида қўллаган.

Шанелнинг фаолияти ўз дизайни бўйича ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан иборат эди. Ишлаб чиқариш ва савдо... Шу туфайли дунё бўйича юздан ортик butikлар очишга эришди. Вафотига 40 йил бўлган бўлса ҳам, Шанелнинг маҳсулотлари ва фирмаси ҳамон киборларнинг назарида. Унинг номи билан боғлиқ атир-упа маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар дунё бўйлаб ҳамон кезиб

юрибди.

Унинг дастлабки атири “Шанел № 5” ни яратиш учун 1921 йилда Россия подшоҳлигига атир етказувчи Эрнест Биукс томонидан Коко Шанелга икки хил намуна тақдим этилади. У № 5 намунасини танлайди. “Номини сиз кўясиз” таклифига эса шундай жавоб беради: “Мен ўз коллекциямни 5 май куни, йилнинг бешинчи ойида бошлаганман. Атирга ана шу рақам берилсин. Зеро, бу рақам атирга омад келтиради”. Коко Шанел оригинал шишаларни, яъни оддий идишларни маъқул кўради. Ичидаги суюқлик идишнинг ўзидан ҳам қадрли эканлигини айтади.

1950-1960 йилларда Коко турли Голливуд студиялари билан ҳамкорлик қила бошлади. Унинг кийимларида Одри Хепберн ва Лиз Тайлор сингари машҳур хонимлар пайдо бўла бошлади. 1969 йилда афсонавий актриса Кетрин Хепберн бродвей мюзиклида “Коко” картинасида Шанел образини яратди.

Шанелнинг шахсий ҳаётида омади келмади. Унга хайрихоҳ жуда кўп эркаклар бор эди. Бироқ у турмушга чикмади ва фарзанд кўрмади.

Бутун ҳаёти давомида кенг халқ оммаси томонидан эъзоз ва ардоқда яшаган бўлса-да, сўнгги пайтларда ёлғизланиб қолади. Шанел 1971 йил 10 январ куни 87 ёшида қазо этганда унинг ёнида фақатгина оқсоч — уй хизматкори бор эди, холос. Шанел ширкатининг йиллик фойдаси 160 миллион АҚШ долларини ташкил этарди. Аммо унинг кийим жовонидан машҳур Мадмуазел сўзи билан айтганда фақатгина уч “пўрим кийим-бош” топилади, холос. Коко Шанел ўзининг васиятига кўра Парижда эмас, балки янада сокинроқ ҳисобланган Швейцариянинг Лозанна шаҳрида дафн этилади.

Ҳозирги пайтда Шанелнинг модалар уйида Карл Лагерфельд бош дизайнер бўлиб ишлайди. У компанияни 1982 йилдан бери бошқаради. У Шанелнинг кийимлар кулай бўлмоғи лозим деган фикрига асосан, юбкаларга қисқалик олиб кирди. Лагерфельд сумкачаларга ҳам эгарсимон кўриниш бахш этди. Бу сумкалар ҳамиша олиб юриш учун кулай. У “Мен модага ҳашам ва омилкорлик олиб кирдим. Агар Шанел тирик бўлганида менинг ишларимдан мамнун бўлар эди”, деб айтган.

Ҳозирги кунда hoovers.com сайтининг маълумотида кўра “Шанел” компаниясининг йиллик даромад айланмаси — 1 миллиард 296 миллион АҚШ долларига тенг.

Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади





САККИЗ ОУОҚ

Сайёрамизнинг аксарият қисмини сув ташкил қилиши барчамизга маълум. Курукликдаги наботот ва хайвонот олами инсоният томонидан маълум даражада ўрганилиб чиқилган.

Бирок бепоён уммонлар бағри ва улар дунёси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Сув тубида яшовчи баҳайбат маҳлуқлар, уларнинг йирик кемаларни уммон қаърига фарқ қилиши ҳақида оғиздан-оғизга ўтиб юрувчи кўплаб афсоналар, хужжатли асарлар ёзилган. Ҳатто фантастик кинолар ҳам ишланган.

Денгиз ва океанларда қимматбаҳо юқлари билан ҳалокатга учраган кемаларнинг изига тушганлар ўзларининг кўзлаган жавоҳир ва маржонларини йиға олишмаган. Улар сув тубида қутилмаганда пайдо бўлиши мумкин бўлган сув ости маҳлуқлари билан юзма-юз келишдан кўрқишган.

Бугунги кунда маҳлуқлар кемаларни фарқ қилишига ҳеч ким ишонмайди. Қадимдан ҳаёти денгиз ва океанлар билан боғлиқ бўлган одамлар сув остида яшовчи балиқдан фарқли баҳайбат кўрқинчли маҳлуқ борлигига ишонинишган. Одамлар орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрувчи ушбу афсонавий жонзот биз билган саккизоёқнинг ўзгинаси. Сув тубида шу дахшатли маҳлуқ билан тўқнаш келган денгизчилар тирик океан қафасини ҳис қилганларни сўзлаб беришган.

Ҳозирда барча имкониятларга эга улкан кемалар ишлаб чиқарилиши, сув остини ўрганишга мослашган замонавий ускуналар ва суратга олувчи сув ости камераларнинг яратилиши сув ости дунёсини ўрганиш имкониятини берди.

Ўша афсонавий маҳлуқ ҳақида-

ги ўта кўпиртириб тўқилган ҳикоялардаги жонзот саккизоёқлигига бизда шубҳа қолмади. Сув ости дунёсини ўрганишда кўплаб илмий изланишлар олиб борилиши натижасида саккизоёқларнинг юздан ортик турлари аниқланди. Уларнинг кўп қисмини унча катта бўлмаган, узунлиги ярим метргача бўлган саккизоёқлар ташкил этади. 3-4 хил турлари эса инсон билан тўқнаш келганида ўзининг кучли мушаклари орқали курашда устун келиши ҳам мумкин. Уларнинг энг кўп учрайдиганлари Дофлейн саккизоёғи, Аполлион саккизоёғи ва Гонконг саккизоёғидир.

Биринчиси барча океан, тропик ва субтропик денгизларда яшайди. Иккинчиси, асосан, Япония қирғоқлари ва Курил ороллари атрофида ҳамда Пасета бўғозида учрайди.

Аполлион Аляска қирғоқлари сув ости қояларида, ғарбий Канада ва Калифорния атрофида учрайди. Уларнинг узунлиги 3 метргача, оғирлиги эса 25-50 кггача этади.

Саккизоёқ билан тўқнаш келган денгизчилар ҳикояларини лоф деб қарайдиган бўлсак, баъзи манбалар уларнинг ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди. Ж.Кусто ва Ф.Диоленинг “Саккизоёқ ва калмарлар” китобида бунга оид маълумотлар бор. Америкалик денгиз мутахассиси, олим Ф.Вуд Флорида денгиз лабораторияси архивида изланиш олиб бораётиб қизик бир фактга дуч келган. 1897 йил Августини соҳилида баҳайбат сув маҳлуқининг жонсиз танаси топилди. 6 тонна атрофидаги бу топилма устида Йель Университети профессори А.Верилон изланиш олиб борган. Ҳозирги кунда ушбу саккизоёқнинг бир қисми Смит-

сон институтида сақланмоқда. Топилма сақланаётган идишга “улкан” (лотинча гигантеус) деб ёзилган. Ҳозирча баҳайбат саккизоёқлар мавжудлиги ҳақидаги ягона илмий маълумот шу ва буни инкор эта олмаймиз.

Саккизоёқнинг нимаси хавфли? Аслида, саккизоёқлар инсонга беҳуда ҳамла қилмайди. Ғаввослар уларни кўп кузатишган. Саккизоёқлар инсон яқинлашганини сезишса, сув ости қоялари орасига яширинишга ҳаракат қилишади. Уларнинг яшаш жойлари асосан сув ости қоялари, ғорлари ёки чўкиб кетган кемаларнинг ички бўлимлари бўлади. Агарда у ерга ғаввослар эҳтиётсизлик қилиб кириб қолишса, саккизоёқлар буни ўзларига тажовуз сифатида қабул қилиши ва ўзини ҳимоя қилиш учун инсонга ташланиши табиий ҳол. Бу вазиятда инсон ўзини ҳимоя қилиши учун имконияти қолмайди. Чунки яшириниб турган саккизоёқни ўз тусини ўзгартириш хусусияти туфайли олдиндан сезишнинг иложи йўқ. Унинг олдида букаламун ҳам ип эшолмай қолади. У рангини



ўзгартирибгина қолмай, бирор рельеф шаклига уйғунлаша олишининг ўзи бир мўъжиза.

Сувда яшашга мослашган жонзотларда инсонга нисбатан имкониятлар кўп. Бунинг олдини олиш учун бош қисми ва икки кўзи ўртасига ханжар санчиб, мия қисмини жароҳатлабгина уни тинчитиш мумкин. Акс ҳолда иккинчи ғаввос аралашувисиз натижа саккизоёқ ҳисобига ҳал бўлиши мумкин.

Балоғатга етган саккизоёқнинг оёқларида икки мингга яқин сўрғич жойлашган. Уларнинг ҳар бири юз грамм куч билан ўлжани ушлаб тура олади. Демак, икки мингта сўрғичнинг кучи 200 кгга тенг. Ўтмишда Колумбия атрофида олтин ва кумуш ёмбилари билан чўкиб кетган кемаларнинг жойи ўрганилгач, кўпгина ғаввослар ушбу кимматбаҳо ўлжа илинжида сувга шўнғишган. Лекин бирортасига сув юзасига қайтиб чиқиш насиб этмаган. 64 метр чуқурликда катта бойликни ўз бағрида сақлаб ётган кема қанчалар инсонларни домига тортиб кетди. Шунга қарамадан, таникли америкалик ғаввос Гари Разберг ўша лаънатланган кема ётган тубликка шўнғийди ва кема ён атрофида дом-дараксиз

йўқолган ғаввослар қолдиқларини учратади. Бечора ғаввослар сув ости кийимлари билан қўшиб ғажиб ташланганди. Нимталанган уст-бош ичида уларнинг суяклари кўриниб турар эди. Бу ҳолатни кузатиб турган Разберг тезлик билан сув юзасига кўтарилишга мажбур бўлади. Шуниси ажабланарлики, ғаввосга кислород келиб турадиган шланка сирли равишда узиб ташланади. Шунга қарамай, икки кун ўтгач, Разберг яна сувга шўнғишга қарор қилади. У “Ҳалокатга учраган кема олтинлари” китобида шундай ёзади: “Ғарқ бўлган кемага яқинлашар эканман, ён-атрофимда нимадир, кимдир мени кузатаётгандек туюла бошлади. Бу ҳиссиёт шунчалик кучли эдики, атрофимга тез-тез бурилиб ёритгични тутиб алангладим. Секин кема ичига кира бошладим. Ўзимни тузоққа тушгандек ҳис қилдим. Оркамга ўгирилдим, қутилмаганда, эшик томондан баҳайбат шарпа пайдо бўлди. Чикиш йўлагини шарпа батамом тўсиб қўйганди. Кўз олдимда баҳайбат ва жирканч бир махлуқ танасини силкитиб турарди. Менинг ҳаракатларимни синчиклаб кузатиб, ҳар томонга буралиб ўз ранг-тусини ўзгартирар эди. У турли рангларга айланар экан,

ўзининг маконидаги бегонани сўроқ қилаётганга ўхшар эди. Бу конхўрнинг маккор кўзлари ҳар бир ҳаракатимни назардан қочирмасди. Ниҳоят, аёвсиз кураш бошланди”...

Бу курашда ўзини йўқотмаган Разберг ўткир пичоғи билан махлуқнинг учта пайпаслагич оёғини кесишга муваффақ бўлади. Шуниси ажабланарлики, махлуқ дастлаб бор ғавдаси билан ташланмасдан пайпаслагич оёқларини навбатма-навбат ишга солган. Ғаввоснинг ўқтамлигини сезган рақиб борлиғи билан жангга киришади. Бу ҳолатда ҳам ўзини йўқотмаган ғаввос саккизоёқнинг жони — ўша икки кўзи ўртасига пўлат ханжарини санчади. Лекин саккизоёқ ҳам жон бериш олдиан рақибини силтаб, эзгилаб улгуради. Разбергни бош кийими мажақланган, танаси жароҳатланган, ҳушини йўқотган ҳолда ундан хавотир олган шериклари топиб олишади. Унинг бахтига ҳамкасблари ўз вақтида ёрдамга етиб келишади ва жонсиз саккизоёқ чангалидан қутқариб олишади...

Комил ЖОНТОНОВ тайёрлади



“GULISTON” JURNALI TARIXI

1925 йилнинг ноябр ойидан бошлаб ҳозирги кунда «Гулистон» номи билан нашр қилинаётган «Ер юзи» халқимиз маънавияти тарихида ўзига хос аҳамият касб этган журналдир. Журналнинг юзага чиқишида истеъдодли ташкилотчи ва қаламкаш Аъзам Аюбовнинг хизмати катта бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан 1925 йилнинг ноябрида ўзбек ўқувчилари «Ер юзи» номли 15 кунда бир маротаба чикадиган янги журналнинг биринчи сонини олишга мушарраф бўлдилар. Ўзбек тилидаги дастлабки оммавий ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ва расмий-безакли нашрлардан бири бўлган бу журнал адабиёт ва санъат ахлларининг энг севимли матбуот органи бўлиб, ўз атрофига даврнинг улғу ижодкорлари ва олимларини бирлаштирган эди. «Ер юзи» журналида Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Кодирий, Чўлпон, Шокир Сулаймон, Боту, Отажон Ҳошим каби ижодкорларнинг асарлари мунтазам нашр этилиб турди. Журналнинг ташкил топиши ҳақида XX аср бошидаги ўзбек миллий матбуоти тарихининг илк тадқиқотчиларидан бири Зиё Саид ўзининг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар» рисоласида етарлича маълумот беради: Журнал таҳрир хайъатида Санжар Сиддик, Маннон Ромиз, Сайид Ғани, Шокир Сулаймон, Собира Холдорова, Вил Ўразой каби ёзувчи ва журналистлар фаолият кўрсатганлар. Улар журнал фаолиятини йўлга қўйишда катта амалий-ташқилий кўмак кўрсатибгина қолмай, айни паллада «Ер юзи» учун талайгина адабий ва журналистик асарлар ҳам ижод этишган.

Журнал ташкилотчилари нашрни мазмундор ва ўқишли қилиб чиқариш мақсадида унинг дастлабки сонларидаёқ ижодкорлардан расм, шеър, ҳикоя ва мақолалар жўнатиб туришни сўрашган. Журнал жамоасининг жонбозлиги туфайли «Ер юзи»га доимий ёзиб турувчи қалам ахлларининг сафлари кун сайин кенгайиб борган. Бу ҳақда журналнинг 3-сонида «Ер юзи»нинг дўстларига» сарлавҳали мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: «Ер юзи» журнали ўз ўқувчи ва ёзувчиларини топиб бормоқда. «Ер юзи» журнали жуда тез вақтда тарқалиб кетди ва 1-2-сонининг чиқиши фурсатида атрофдан кўп ҳикоя ва шеърлар, расмлар келиб туриши бунга далил. Албатта, бу ҳодиса «Ер юзи»нинг борғон сари мукамаллашмагига ва ўқувчиларнинг сўровларини таъмин қилиб бора олишига йўл очадур ва шу йўлни топмоқ учун ҳаракат қилишга уни мажбур этадур.

«Ер юзи» ёзилган ҳикоя ва шеърларни мумкин қадар ўзида босиб чиқариб туришга ва саҳифаларини чамалаб туриб, вақти келганда, мажмуа шаклида чиқармоққа қарор қилди. Мана шуни кўзда тутиб ёзувчилар ҳикоя ва шеърларини юбориб турсинлар» («Ер юзи», 1925, 3-сон).

Журнал ташкилотчилари уни чиқаришга тайёргарлик

кўрилатган пайтда шоир Чўлпондан бирор нарса ёзиб беришни илтимос қилганлар. Ўзбек матбуоти жонкуяри Чўлпон янги, ижтимоий-сиёсий, адабий ва расмий-безакли журнал ташкил топаётганидан қувонади ва журналнинг чоп этилиши муносабати билан 1925 йил 1-сонида «Бу нима нарса?» номли табрик шеъри босилади:

«Бу нима нарса?» – деб
Ҳар ким сўрса,
Дейман «Ер юзи»
Ҳар ерда юрар,
Ҳар жойни кўрар.
Ҳар кимни тоблар,
“Фотохон” қизи!

Кейинчалик шоирнинг «Ер юзи»да бир қанча шеърый ҳамда публицистик асарлари босилиб чиқди. Лекин уларнинг аксарияти журнал фаолиятининг дастлабки даврларига тўғри келди.

«Ер юзи» журналида фаолият кўрсатган ижодкорларнинг сафи аста-секин кенгайиб борди. Журнал ёш ижодкорларнинг адабиёт, санъат, журналистика ва фото оламига дадил кириб келиши учун ижодий мактаб вазифасини ўтади, ўзбек бадиий таржима адабиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Лекин журнал қийинчиликларга қарамай, ўз зиммасига олган вазифани тўла бажаришга уринади. Журналнинг ҳар бир сонидида қуйидаги фикрларга дуч келамиз: «Журналнинг ўз вақтида ва кўнгилдагидек чиқиб турмоғи учун ўқувчи ўртоқларимизнинг қўлларидан келган қадар ёрдам эътиборларини кутамиз. Қўлларидида сураг оладурғон асбоблари бор ўртоқлар журналимизнинг мавзуга мувофиқ расмлар жўнатсалар жуда севиниб қабул қиламиз. Ҳикоя ва шеърлар, турмушдан олиниб ёзилган кўринишлар, парчалар, илмий ва махсус мавзулардаги мақолалар журналимизда бош ўринларни олади» («Ер юзи», 1 -сон).

«Ер юзи» журналининг мавжуд сонлари унинг саҳифаларида ёритилган мавзулар ва жанрларнинг хилма-хиллигидан далолат беради. Журналнинг мавзулар доираси анча кенг эди. У барча ҳаётий масалаларни кўтарар ва уларга маърифий нуқтаи назардан қарар, ёндашар ва баҳо беради.

Журнал маданият ва маърифат тарқатишда катта хизмат қилган. Журналда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқига, тарихига, тил ва адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир кўплаб ахборот берадиган ва ўқувчиларни кизиқтирадиган материаллар, бахс-мунозаралар ёритиб борилган.

Журналнинг турли сонларида Комил Алиев, Аъзам Айюб, Санжар Сиддик, Сайид Ғани, Абдухамид Мажидов каби ижодкорларнинг маданий-маърифий мавзудаги публицистик мақолалари нашр қилиб борилди. Бу мақолалар ўзбек публицистикасини ривожлантиришга кенг йўл очди.

Шунингдек, «Ер юзи» журнали ҳикоя ва таржимачиликни юксалтиришга ҳам катта ҳисса қўшган. Журналда бир қанча ижодкорларнинг ҳикоялари ва таржима асарлари нашр қилинган. Зиё Саид номи юқорида зикр этилган рисоласида бу хусусда қуйидагиларни ёзган: “Ҳикоянавислик ва шеър тўғрисида ҳам «Ер юзи»нинг хизмати қайрилиб боқишни тақозо қилади. «Ер юзи»нинг ҳикоя босиши ўқувчиларда ҳикоянавислик ҳавасини орттирди».

Журналнинг 1925 йилги сонларида «Жаҳон адабиёти»

рукни остида Рабиндранат Тагор, Ярослав Гашек, Фридрих Шиллер, А.С. Пушкин, Лев Толстой, Мулк Раж Ананд хақида мақолалар эълон қилинди ва уларнинг асарларидан таржималар берилди. Журналнинг турли сонларида машҳур Америка ёзувчиси О. Генрининг «Қоқ нон», П. Гиббоннинг «Йўқолғон виждон», Умар Сайфуддиннинг «Туркча рецепт», Анри Барбюснинг «Қўрқинчли поезд», Примчанднинг «Танвир» ва бошқа кўплаб таржималарини ўқиш мумкин. Бу таржима асарларнинг кўпчилиги ўша вақтларда журналнинг масъул котиби вазифасида ишлаган Санжар Сиддиқ томонидан «Газетачи» тахаллуси остида эълон қилинган. Бундан ташқари, журналнинг доимий ёзувчиларига айланган Бойиш ва Н.Раҳимийлар ҳам таржима асарлар эълон қилиб туришган.

Кўпчилик журналхонлар эътиборини ўзига тортган, дастлабки сони 5200 нусхада, 1931 йил бошида эса 10700 нусхада тарқалган «Ер юзи» журнали 1931 йилнинг ёзидан чиқмай қўйди. Шўро ҳокимияти журналда фаолият кўрсатаётган бетакрор қалам соҳибларини матбуотда танқид қилишга, «халқ душмани» деб таҳқирлашга, жисмонан йўқ қилишга ўтди.

Хатто журналга раҳбарлик қилиб турган хайъат аъзолари Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Комил Алиев, Саидгани Валиевларнинг фаолиятини зимдан кузатиш кучайтирилди. 1932 йилдан журнал янги номда, яъни «Ўзбекистон қурилиши» деб атала бошланди. Бу ҳақда «Ер юзи» журнаlining 1931 йил 17-18-сонларида куйидагича маълумот берилган: «1932 йилдан «Ер юзи» журнаlining ўрнига «Ўзбекистон қурилиши» деган янги журнал чиқа бошлайди. «Ўзбекистон қурилиши» кенг форматда, яхши қоғозда, турли-туман нафис тола материаллари билан безалиб, ҳажми икки ярим табок бўлади».

Маълумки, ўтган аср 20-йилларининг охирларида араб

алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви лотин алифбоси билан алмаштирилди. Шу сабаб «Ер юзи» журнаlining 1929-1930 йилги сонларидаги айрим саҳифалар, 1931 йилги сонларнинг эса барчаси ўша янги алифбода нашр қилинган. «Ер юзи» журнаlining фаолияти ҳамма вақт ҳам нурли, равон, силлиқ кечмади. Журналга ҳам ҳаётда юз берган ноҳақликлар, тазйиқлар, қатағонлар ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам журнал ҳаётимиз кўзгуси вазифасини бажарди.

1936 йилдан журнал «Гулистон» номи остида фаолият кўрсата бошлади. Иккинчи жаҳон урушига қадар ниҳоятда оғир ижтимоий-сиёсий курашлар жараёнида фаолият кўрсатди. Шундан сўнг узоқ муддат нашр қилинмади. 1967 йил январдан «Гулистон» номи билан қайта нашр этила бошлади.

«Гулистон» ҳозир ҳам ўзбек халқининг энг сеvimли нашрларидан биридир. Журнал ўз саҳифаларида халқимизнинг маданият, спорт, санъат ва адабий ҳаётини ёритади. Журнал, айниқса, мустақиллик йилларида ўзининг теран мазмун-мундарижасига эга бўлди. Ҳозирги кунда журналда халқимизнинг ижтимоий-маданий ҳаёти акс этган долзарб мақолалар, бугунги муҳим ўзгаришлар, мустақиллик берган имкониятлар, ёшларнинг давр билан ҳамоҳанг фаолиятига бағишланган кўплаб мақолалар берилмоқда.

*Қамола МАРДИҚУЛОВА,
Ўз ФА Алишер Навоий номидagi
Давлат адабиёт
музейи тадқиқотчиси*



МУАММОНОМА									
9	4	3	9	4	*	1	7	6	-
3	7	13	*	11	2	9	3	7	-
10	4		8	5	6	7	13	12	7
6	7	3	*	2	13	3	7	10	4
1. Узун думли сайроқи парранда. 2. Эркин Воҳидов қасидаси.									
3. Қизил раненинг китобий атамаси. 4. Шиддали ёгин. 5. Қулай шароит.									
6. Зёб-зийнат буюми, тақинчоқ. 7. Дон маҳсули.									
8. Миллий либос. 9. Европадаги кўмир ҳавзаси. 10. Тадбир. илож.									
11. Кислота. 12. Ёрдам, кўмак. 13. Қирғизистондаги шаҳар.									
14. Қадимда ҳукмдорлик рутбаси. 15. Тоқ рақам. 16. Автомобиль мойи.									
17. Тўпли спорт ўйини. 18. Эрон валло-таси. 19. Волганинг қадимги номи.									
20. Цитрус мева. 21. Қуркам, ҳашамтли бино. 22. Жануб тумани.									
23. Изтироб. 24. Хамирли таом. 25. Супуреги ут. 26. Муҳаммад ... (боксчи).									
27. Куй товушқатори, нота. 28. Гуллаган маскан. 29. Ер йўлдоши.									
30. Қушиқдаги энг юқори нота. 31. Қўшлоқ хўжалиги соҳаси.									
32. Кўеи ботган пайт. 33. Ер сатҳи улчови. 34. Ҳиндистондаги дарё.									
1. Республикамиздаги вилоят. 2. Россия автомобили маркаси.									
3. Ўзбекистон халқ артисти, раққоса.									
4. Ўзбек мумтоз шоири, олим, темурийзода ҳукмдорнинг нодир асари.									
5. Иртиш дарёси ирмоғи. 6. Иморатнинг устки қисми.									
7. Франция футбол жамоаси. 8. Фаолиятнинг якуни.									
9. "Шашмақом" таркибидаги куй. 10. Чорва моллари озуқаси.									
11. Тошкентдаги спорт иншооти. 12. Ўзбек мумтоз куйларидан бири.									
13. Тез ҳаракат қилувчи, чаққон.									
14. Африка саванналаридаги танаси улкан дарахт. 15. Қуш аъзоси.									
16. Ўрта аср ўзбек мумтоз, газалнавис шоираси.									
17. ..шон. 18. Сирдарё ирмоғи. 19. Мақолдан: Ҳунарли киши ... қолмас.									
20. Ҳикматдан: ...-майдонда синалади. 21. От зотларидан бири.									
22. Самолёт маркаси. 23. От сочи. 24. Кўклам гули.									
25. Киши сазовор бўлган ҳурмат, эътибор. 26. Баландлик ер.									
27. Парранда ошёни. 28. Фахрланишга арзигулик нарса, ифтихор.									
29. Тоқ рақам. 30. Туркиядаги кўл.									
31. Ишлаб чиқариш тармоғи. 32. Болтга ўрнатиладиган деталь.									
33. Атрофи суз билан ўралган куруқлик.									
34. Муסיқа ёзуви. 35. Автомобилни бошқариш дастаси.									

ЖАДВАЛИ КРОССВОРД

Кроссвордни ҳал этгандан сўнг жавоблар ёзилган рақамли хона-


лардаги ҳарфлар асосида муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан қаторлар бўйича ўқиш билан ўрта аср шарк мутафаккир шоири Шамсид-

дин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий эзиб қолдирган икки мисра ҳикматни би-либ оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ
тузди

“ЖАМИЯТ АСОСИ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИ


Жавобларни шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида ёзинг. 1. “Ўригидан данаги ширин”-деб, ардоқланадиган авлод. 2. Мустақил оила хўжалиги. 3. Оила қувончи. 4. Келажак, истикбол. 5. Обрў, эътибор. 6. Азалий урф-одатлар. 7. Инсонийлик, мурувват юзасидан амалга оширилган яхшилик, кўмак. 8. Тўкинлик ва фаровонлик келтирувчи фаолият. 9. Файзли, кекса инсон. 10. Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражаси қайд этилган ҳужжат. 11. Бир авлод-аждодга мансуб бўлган кишилар. 12. Кўнгилга хуш ёқувчи, меҳрибон. 13. Оила аъзолари истикомат қилиб турган уй, ҳовли. 14. Маҳсулот ишлаб чиқаришни хонадонда ташкил этиш. 15. Хурсандчилик, севинч. 16. Ўртак, ибрат олса арзийдиган шахс. 17. Ахлоқ-одоб ўргатиб, фарзандни улғайтириш. 18. Ноз-неъмат сероблиги. 19. Оила ҳаётида аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ҳудудий маскан. 20. Хонадонга тантана муносабати билан ташриф буюрган киши. 21. Тантанали кун.



— Онанг ҳозиргина телефонда бизникига келажганини айтди.

— Кечаги уй вазифаларимга ёрдам берганингиз учун раҳмат, энди ўқитувчим мени қандайдир ақли заиф деб ўйлаяпти.





Икки дугона суҳбатлашмоқда:
— Мен ўз йигитим билан
муносабатни уздим.
— Нима учун?
— Чунки унда камчиликлар жуда
кўп эди.
— Сен унга узугини ҳам қайтиб
бердингми?
— Йўқ, узукда камчилик йўқ эди.

Касаллик тарихидан кўчирма: руҳий
ўзгаришлар аниқланмаган, фақат
аҳмоқ....

— Байрамни қандай ўтказдинг?
— Билмадим, ҳали гапириб
беришмади.

Бир киши уйини таъмирлатаётган
экан. Устага:
— Полнинг тахталарини шифт-
га, шифтнинг тахталарини полга
қоққин, — дебди.
— Нега?
— Ҳадемай уйланаман, шу нарса
аниқки, одам уйланганидан сўнг
ҳамма ёқ остин-устун бўлади.

**Zamonaviy
bo'lish
uchun
patlarni
yulish
shart
emas!**

*Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ
тайёрлади*